

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

БОБОЖОНОВ БЕКЗОД ДАВРОНБЕКОВИЧ

**САВДО СОҲАСИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ
ОПТИМАЛ ЖОЙЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**
(Урганч шаҳар “FRESHFOOD” супермаркети мисолида)

**Ихтисослик: 54230301 - “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни
ташкил этиш” (тармоқлар бўйича)**

Иқтисодиёт магистри академик даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди ва

ҳимояга қўйилди.

“Туризм”

кафедраси мудири,

доц. Садуллаев А.С. _____

“ _____ ” _____ 2013 й. _____ проф. Салаев С.К.

Илмий раҳбар

_____ и.ф.н. Мадрахимов Қ.

Илмий маслаҳатчи

Урганч – 2013 й.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

БОБОЖОНОВ БЕКЗОД ДАВРОНБЕКОВИЧ

**САВДО СОҲАСИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ
ОПТИМАЛ ЖОЙЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**
(Урганч шаҳар “FRESHFOOD” супермаркети мисолида)

**Ихтисослик: 54230301 - “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни
ташкил этиш” (тармоқлар бўйича)**

Иқтисодиёт магистри академик даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Урганч – 2013 й.

**САВДО СОҲАСИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ
ОПТИМАЛ ЖОЙЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**
(Урганч шаҳар “FRESHFOOD” супермаркети мисолида)

КИРИШ

**1-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА
ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИК ВА БИЗНЕСНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

- 1.1. Қишлоқ жойларида тадбиркорлик ва бизнес фаолиятини амалга оширишнинг объектив зарурияти ва аҳамияти
- 1.2. Ривожланган мамлакатларда қишлоқ жойларида тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришнинг илғор тажрибаси
- 1.3. Қишлоқ жойларида тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари

**2-БОБ. ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИК ВА БИЗНЕСНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА
ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ
ТАҲЛИЛИ**

- 2.1. Миллий иқтисодиётда тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришнинг жорий ҳолатини баҳолаш
- 2.2. Қишлоқ жойларида инвестицион жозибадорликни ошириш орқали тадбиркорлик ва бизнесни қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос хусусиятлари

**3-БОБ. ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИ ЖАЛБ
ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ТАДБИРКОРЛИК ВА БИЗНЕСНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

- 3.1. Қишлоқ жойларига инвестицияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш
- 3.2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда лизинг хизматларидан самарали фойдаланишнинг устувор йўналишлари

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик бозор ислохотлари ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ)ни ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш, айниқса тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, лизинг имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда қишлоқ жойларида соҳани ривожига алоҳида эътибор қаратиш ва уни самарали ташкил этишни таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов КБХТнинг аҳамияти тўғрисида “...иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган КБХТни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиш”¹ керак деб таъкидлайди.

Ўзбекистонда КБХТ фаолияти ривожланишига қаратилган чора-тадбирлар тизими, уларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-иқтисодий механизмлари яратилган. Бу эса 2003-2011 йиллар давомида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 2 баробар кўпайишига, 2012 йилга келиб 480 мингдан ортишига шарт-шароит яратди. Айни пайтда КБХТ соҳасида иш билан банд бўлганларнинг қарийб 75 фоизи меҳнат қилмоқда. Бунинг натижасида 2010 йилда республикаимиз ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)нинг 52,5 фоизи КБХТ корхоналари томонидан яратилган бўлса, 2011 йилга келиб КБХТнинг мамлакат ЯИМдаги улуши 54 фоизни ташкил қилди².

Мамлакатимизда қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантириш алоҳида

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.-Тошкент: «Ўзбекистон», 2010.- 42 бет.

² “2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги бошқичга кўтарадиган йил бўлади Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011-йилнинг асосий якунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси \ \ Ўзбекистон овози. 2012 йил, 19-январ, 2- бет.

ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этгани ҳолда, бунда инвестициялар ва лизинг хизматлари имкониятларидан кенг фойдаланиш давлат иқтисодий сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Айнан мамлакатимиз, хусусан, унинг Хоразм вилоятининг қишлоқ жойларида кичик бизнесни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини ошириш, бунда инвестициялар ва лизинг хизматларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсия ҳамда таклифлар ишлаб чиқишнинг объектив зарурлиги танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг назарий жиҳатлари хорижий иқтисодчи олимлар К.Бадо, М.Блауг, Д.Бусыгин, М.Вебер, И.Н.Герчикова, П.Друкер, Р.Кантильон, Б.Карлоф, Дж.М.Кейнс, Д.Макелланд, А.Маршалл, Г.Пиншо, Д.Рикардо, Ф.Русинов, В.Савченко, А.Смит, А.Шапино, Й.Шумпетерларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган³.

Ўзбекистон иқтисодиётида КБХТни ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари мамлакатимиз олимларидан Б.Ходиев, А.Ваҳобов, Ш.Зайнутдинов, Қ.Муфтайдинов, Н.Тўхлиев, А.Ўлмасов, Ш.Эргашходжаева, С.Салаев, О.Арипов, Қ.Тоирбеков ва Н.Қосимовалар томонидан ўрганилган⁴.

³ Блауг М. Экономическая мысль в перспективе Пер.с англ. 4 - е изд - М.: Дело ЛТД, 1994. - 424 с.; Савченко В. Феномены предпринимательства // Российский экономический журнал. - М.: 1995. - № 9 - 46. с.; Маршалл А. Принципы экономической науки. Пер.с англ. - М.: 1993 - 377 с.; Шумпетер Й. Теория экономического развития. Пер.с англ. -М.: 1992. - 169 - 170 с.; Вебер М. Протестантская этика и дух капитализма.- М.:1990. - 85 с.; Друкер П. Рынок: как выйти в лидеры. Практика и принципы. М.: 2005. - 191 с.; Карлоф Б. Деловая стратегия: концепция, содержание, символ. Пер.с англ. М.:1992. - 176 с.; Санто Б. Философия предпринимательства. Проблемы теории, практики управления. М.:1999 - №3 - 101 с.; Бусыгин Д.В. Предпринимательства: начальный курс. М.: 1992. 7 с.; Русинов, Ф.М. Возрождение предпринимательства в России. М.: 1999 - 28 с.

⁴ Қодиров А. Экономическая теория. - ТГТУ, 1999. 87. с.; Зайнутдинов Ш., Тураев Ж. Таваккалчиликни бошқариш. - Т.: 2005 6. б.; Улмасов. А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. - Т.: 2006. 141-144 б.; Муфтайдинов.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. - Т.: 2004. - 10 б.; Арипов О. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш муаммолари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. - Т.: 2006 - 15 б.; Қосимова Н. Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликни ташкил этиш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. - Т.: 2007. - 13 б.; Тоирбеков Қ. Кичик бизнес корхоналари фаолияти барқарорлигини оширишнинг асосий йўналишлари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. - Т.: 2006. - 18 б.; Тўхлиев Н., Ўлмасов А. Ишбилармонлар луғати. - Т.: 1993.- 14 б.; Эргашходжаева Ш.Д. Бозор рақобати шароитида қишлоқ жойларда кооперацияни ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси: и.ф.д илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.: 2007.-17 б.

Юқорида қайд этилган олимларнинг илмий ишларида иқтисодий эркинлаштириш шароитида айнан қишлоқ жойларида КБХТни ривожлантиришда инвестициялар ва лизинг хизматларидан самарали фойдаланиш масалалари Хоразм вилояти мисолида алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Бу эса тадқиқотларимиз йўналишини белгилашда асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Урганч Давлат университети Иқтисодий факультетининг илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилди.

Тадқиқот мақсади. Иқтисодий модернизация қилиш шароитида қишлоқ жойларида тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришда инвестициялар ҳамда лизинг хизматларининг ролини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда диссертацияда қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинди ва ҳал қилинди:

- қишлоқ жойларида тадбиркорлик ва бизнес фаолиятини амалга оширишнинг объектив зарурияти ва аҳамиятини асослаш;
- ривожланган мамлакатларда қишлоқ жойларида тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришнинг илғор тажрибаларини ўрганган ҳолда Ўзбекистонда қўллаш мумкин бўлган жиҳатлари бўйича таклифлар бериш;
- қишлоқ жойларида тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини аниқлаш ва таснифлаш;
- миллий иқтисодий тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришнинг жорий ҳолатини баҳолаш;
- қишлоқ жойларида инвестицион жозибадорликни ошириш орқали тадбиркорлик ва бизнесни қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
- қишлоқ жойларига инвестицияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- қишлоқ хўжалиги корхоналарида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда лизинг хизматларидан самарали фойдаланишнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти - Хоразм вилояти қишлоқ жойларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, **тадқиқот предмети** — қишлоқ жойларида фаолият кўрсатаётган КБХТ субъектларининг ташкилий-иқтисодий муносабатлари ҳисобланади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- қишлоқ жойларида тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришда инвестициялар ва лизинг хизматларининг ролини оширишнинг назарий жиҳатлари;
- кичик тадбиркорлик субъектлари ривожланиш кўрсаткичлари истиқболлари ва унинг мойиллик даражалари ҳисобланди;
- тадбиркорлик ва бизнес соҳасига инвестиция жалб қилиш, лизинг хизматлари ролини ошириш билан боғлиқ таклифлар;
- қишлоқ жойларида тадбиркорлик субъектлари самарадорлигини ошириш билан боғлиқ таклиф ҳамда тавсиялар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- қишлоқ жойларида тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришнинг объектив зарурлиги ва аҳамияти асосланди;
- ривожланган мамлакатларда қишлоқ жойларида тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришнинг илғор тажрибаларини ўрганган ҳолда Ўзбекистонда қўллаш мумкин бўлган жиҳатлари бўйича таклифлар берилди;
- қишлоқ жойларида тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини аниқланди ва таснифланди;
- миллий иқтисодиётда тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришнинг жорий ҳолатига баҳо берилди;
- қишлоқ жойларида инвестицион жозибадорликни ошириш орқали тадбиркорлик ва бизнесни қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос хусусиятларини

аниқланди;

- қишлоқ жойларига инвестицияларни жалб қилишни давлат томонидан кўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ҳамда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда лизинг хизматларидан самарали фойдаланишнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Республика ва вилоят савдо-саноат палатаси, Хоразм вилояти ҳудудларида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда замонавий усулларни жорий этиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида “Агросаноат мажмуи иқтисодиёти”, “Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти”, “Бизнес ва тадбиркорлик”, “Кичик бизнесни бошқариш” махсус курслари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Урганч Давлат университети томонидан амалиётга татбиқ этиш ва ўқув жараёнида қўлланма сифатида фойдаланиш учун қабул қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг асосий илмий ва амалий натижалари муаллиф томонидан республика ва халқаро илмий-амалий анжуманлари ҳамда семинарларида, жумладан, “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида Қуйи Амударё минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш омиллари” мавзусидаги (Хоразм, УрДУ. 2011 йил 16 март) республика илмий-амалий анжуманида маъруза қилинган ва муҳокама этилган. Шунингдек, Урганч Давлат университети “Туризм” кафедрасининг илмий-назарий семинарида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот ишининг асосий ғояси ва мазмуни 2 та мақола кўринишида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация иши таркибан кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан

ташқил топган бўлиб, **жами 116 бетда та жадвал, та расмни ўз ичига олган.**

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, илмий янгиликлари, назарий-услубий асослари, амалий аҳамияти, тузилиши ва ҳажми баён этилади.

Биринчи боб - “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ жойларида тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари” деб номланган бўлиб, қишлоқ жойларида тадбиркорлик ва бизнес фаолиятини амалга оширишнинг объектив зарурияти ва аҳамияти, ривожланган мамлакатларда қишлоқ жойларида тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришнинг илғор тажрибаси, шунингдек, қишлоқ жойларида тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари ёритилган.

“Қишлоқ жойларида тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашда инвестицияларни жалб қилишнинг жорий ҳолати таҳлили” номли **иккинчи бобда** миллий иқтисодиётда тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришнинг жорий ҳолати, қишлоқ жойларида инвестицион жозибадорликни ошириш орқали тадбиркорлик ва бизнесни қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос хусусиятлари келтирилган ва чуқур таҳлил қилинган.

“Қишлоқ жойларида инвестицияларини жалб қилиш орқали тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” номли **учинчи бобда** қишлоқ жойларига инвестицияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш йўллари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда лизинг хизматларидан самарали фойдаланишнинг устувор йўналашлари тадқиқ этилган.

Илмий ишнинг **хулоса** қисмида тадқиқот натижаларидан келиб чиқадиган илмий-амалий ишланмалар, таклиф ва тавсиялар келтирилган.

1-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ТАДБИРҚОРЛИК ВА БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Қишлоқ жойларида тадбиркорлик ва бизнес фаолиятини амалга оширишнинг объектив зарурияти ва аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири қишлоқ хўжалигидир. Қишлоқ хўжалиги аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондиришга хизмат қилади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги жуда катта ютуқларга эришди. Республика қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларининг деярли асосий қисмини аҳолимиз учун етарли миқдорда етиштиради. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ жуда кўплаб кечиктириб бўлмайдиган масалаларни ечиш ҳаётий зарурат, вазифа сифатида давлат олдида турар эди. Улардан айримларини эслаш фойдадан холи эмас. Энг аввало аҳоли учун зарур бўлган озиқ-овқат масаласини ижобий ҳал этиш керак бўлди. Халқ манфаати учун зарур бўлган бу муаммони амалга ошириш осон кечмади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Президентимиз И.А.Каримов томонидан мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини, жумладан, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг концепциялари ишлаб чиқилди. Мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш устивор йўналиш сифатида белгиланди ва энг аввало чуқур ислохотлар қишлоқ хўжалигида амалга оширила бошланди. Натижада пахта яккаҳокимлигига барҳам берилиб, ғалла мустақиллигига эришиш мақсадида ҳаракатлар қилинди ва тарихан қисқа муддат ичида ушбу мақсадга эришилди. 1996 йилга келиб Ўзбекистон Республикаси ғалла мустақиллигига эришди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий сиёсат натижасида қишлоқ хўжалигида чуқур таркибий, ижтимоий ва мулкый мунособатлар ўзгариши юз берди. Жумладан, қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилишнинг назарий асослари Президент

И.Каримов томонидан ишлаб чиқилди. Президентимиз асарларида иқтисодий ривожланишнинг турли хил концепциялари таҳлил этилди.

Биринчи концепция – Асосий эҳтиёжлар концепцияси – аҳоли энг кам тирикчилик эҳтиёжини кафолатли тарзда таъминлаш ва иш билан банд қилиш муаммосини ҳал этишга қаратилган;

Иккинчи концепция – Мақбул ёки тегишли технология концепцияси – аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмининг бандлигини таъминлайдиган ва маҳаллий хомашёни, аввало, қишлоқ хўжалиги хомашёсини бирламчи ва чуқур қайта ишлашга қаратилган. Бу концепция энг илғор технологияларни ривожлантириш зарурлигига асосланади;

Учинчи концепция – Ўз кучига жамоа бўлиб ишониш концепцияси – мавжуд заҳиралардан тўлиқроқ фойдаланишга ва мамлакат иқтисодиётини бошқа давлатларга қарамлигига барҳам беришга қаратилган;

Тўртинчи концепция – Янги халқаро иқтисодий тартиб концепцияси – ривожланаётган юртимизнинг иқтисодий қолоқлигини тугатиш ва бошқа давлатлар билан тенг ҳуқуқли шериклар сифатида фаолият юритишига қаратилган.

Мамлакатимиз ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ўртасидаги тафовутларга барҳам беришнинг энг самарали усулларида бири жойларда, айниқса қишлоқларда кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ривожлантириш ҳисобланади. Қишлоқ жойларида кичик ва хусусий тадбиркорликнинг тараққий топиши қишлоқ аҳолисини янги иш ўринлари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ишчи кучини ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларига жалб этиш, маҳаллий хомашё ресурсларидан самарали фойдаланишга ижобий таъсир кўрсатади.

Қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ривожлантиришнинг объектив зарурати қуйидагиларда ўз аксини топади:

1. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар саноат учун алмаштириб бўлмайдиган хомашё ҳисобланади.

2. Қишлоқ жойларида кичик ва ўрта корхоналарни барпо этиш ишлаб чиқаришнинг хомашёга яқинлашуви туфайли маҳсулотлар таннархининг пасайишига ижобий таъсир кўрсатади.

3. Қишлоқда мураккаб бўлмаган технология билан ишлаш имкониятига эга бўлган меҳнат ресурслари мавжуд.

4. Қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ишчи кучини бошқа соҳаларга жалб этиш бугунги куннинг асосий муаммоларидан бўлиб, кичик ва ўрта саноат корхоналари бу муаммони ҳал этишга ёрдам беради.

5. Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши қишлоқ аҳолисининг илмий-техника савияси, касб маҳорати ва малакасини оширишга хизмат қилади ва бир вақтнинг ўзида муайян техник билим-малака даражасини ҳам талаб қилади. Бу қишлоқда билим ва илмий-техника салоҳиятининг ошишига туртки бўлади.

6. Қишлоқда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик ва ўрта корхоналарнинг қурилиши тегишли ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланишини тақозо этиб, телефон, телеграф, йўллар, электрлаштириш, моддий-техника таъминоти шаҳобчалари, газ, ичимлик суви қувурлари, иситиш тизими каби объектлар ривож топади.

7. Кичик ва хусусий тадбиркорлик қишлоқдаги мавсумий ишсизликнинг олдини олишга имкон беради. Бандлик даражасининг юқорилиги ижтимоий барқарорлик ва аҳоли даромадлари ошишининг шартларидан ҳисобланади.

8. Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг тараққий топиши натижасида саноат ва қишлоқ хўжалиги ўртасидаги интеграция жараёнлари чуқурлашади. Интеграциянинг макро даражадаги самарадорлигининг ошиши иқтисодий фаолият доирасини кенгайтиради. Саноат инвесторларни ўзига доимо жалб қилиб келган тармоқ бўлганлиги сабабли маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг қишлоққа эътибори ҳам табиий равишда ортади.

9. Қишлоқда ишчи кучининг шаҳарга нисбатан арзонлиги кичик ва ўрта саноат корхоналарини қишлоқда жойлаштиришнинг манфаатли эканлигини билдиради ва ҳоказо.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда бизнинг назаримизда қуйидагиларга эътиборни кучайтириш кўпроқ самара берган бўлар эди.

Жамиятни ривожлантирадиган асосий куч манфаатдир. Шу сабабли барча қилинаётган ишлар мумкин қадар манфаатдорликка асосланиши керак. Шу ўринда иқтисодий манфаатни устун қўйиш зарур. Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтишни ўзига хос йўли президентимиз И.Каримов томонидан ишлаб чиқилди. Унинг асосини 5 тамойил ташкил қилиб уларнинг биринчиси иқтисодиётнинг сиёсатдан устиворлигидир. Айнан шу тамойил иқтисодий манфаатни, иқтисодий ривожланишнинг биринчи даражали омили эканлигини ифодалайди. Ҳар бир хўжалик ўзи сарфлаган харажатларини олган тушум билан қоплаб, фойда олиши ҳам зарур. Бу тамойил хўжаликнинг энг бирламчи бўғинларигача етиб бориш керак.

Хўжалик раҳбарлари хўжаликда мавжуд бўлган мулкни сақлаш, уни кўпайтириш учун жавобгарликни аниқ ҳис қилишлари керак. Ҳиссадорлик, пайчиликга асосланган хўжаликларда ҳиссадорлар раҳбарлардан ўзларига тегишли мулкни сақлашни ва кўпайтиришни талаб қилишлари керак. Ҳиссадорларнинг шундай даражага кўтарилиши иқтисодиётни янги босқичга олиб чиқади.

Дехқон ва фермер хўжаликларини янада ривожлантириш талаб қилинади. Қишлоқ хўжалигининг келажаги айнан шу турдаги хўжаликлар билан боғлиқ. Чунки юқорида қайд этилган иқтисодий манфаатдорлик дехқон ва фермер хўжаликларда бошқа турдаги ишлаб чиқариш корхоналаридагидан юқори. Жойлардаги раҳбар мутахассислар бунни қанча тез англаб етса шунча ривожланиш яхши бўлади.

Дехқонга фақатгина ер, мулк берган билан етарли натижага еришиб бўлмайди. Узоқ муддатга ерни ижарага бериш билан бир қаторда

етиштирилган маҳсулотни тасарруф қилиш имконини ҳам бериш керак. Етиштирилган маҳсулот фақат ихтиёрий шартномалар асосида сотилиши керак. Албатта давлат манфаати, буюртмалар асосида амалга оширилиб боради. Чунки ерга эгалик (ижара шартномаси асосида) масаланинг ярим ечими. Етиштирилган маҳсулотга эга бўлиш ҳуқуқи иккинчи ярим ечимидир. Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг молиявий имкониятларининг шаклланиши ўзгачадир. Яъни йил давомида асосан фақат харажат, даромад эса йил охирида шаклланади. Демак қишлоқ хўжалигининг яхши ишлашидан манфаатдор тармоқлар (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқлар) йил давомида қишлоқ хўжалигини моддий қўллаб туриш имкониятлари устида ишлашлари керак. Бунинг йўлларида бири фючерс шартномалари асосида ишлашдир. Бу қайта ишловчи тармоқ учун ҳам яхши. Чунки қайси турдаги маҳсулот қанча ва қандай сифатда кераклигига қараб шартномалар тузади. Бозор шароитида зарар билан ишлайдиган ҳар бир корхона алоҳида таҳлил қилиниши ва бир тўхтамга келиниши маъқул. Бонкрот ҳолатига келган, шу шаклда тикланиши мумкин бўлмаган корхоналар тугатилиш ва ери аҳолига ижара шартномаси асосида тақсимланиб берилиши мақсадга мувофиқлигини президентимиз жуда тўғри белгилаб берди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни барқарор ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратилганлиги туфайли, фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони ошиб, иш билан банд бўлган жами аҳолининг 75 фоиздан кўпроғи ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, “...кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида

энг қулай ва мақбул воситага айлантиради”⁵. Шу нуқтаи - назардан кичик бизнесни ривожлантириш учун солиқ ва кредит имтиёзлари муддатини узайтириш, қулай бизнес муҳитини яратиш ва такомиллаштириш жараёнларини давом эттириш муҳим вазифа ҳисобланади. Бу эса, авваламбор, тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини назарий ва амалий жиҳатдан асослашни тақозо этади.

Тадбиркорлик фойда олиш мақсадида инновация ва таваккалчиликка асосланган ҳолда ресурсларни бирлаштириш ва ҳаракатга келтириш, бошқариш жараёнини ўз ичига олган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш фаолиятидир.

Агросаноат мажмуида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида бозор иқтисодиётига хос турли мулкчилик йўналишларига асосланган тадбиркорлик субъектлари шакллантирилди. Айрим мулк турлари хусусийлаштирилиб, хусусий – якка, хусусий – корпоратив тадбиркорлик шаклларига айлантирилди (1.1.1-жадвал). Хизмат кўрсатиш соҳасидаги маданий – маиший, савдо объектлари хусусийлаштирилиб, хусусий тадбиркорлик субъектлари сифатида фаолияти йўлга қўйилди, ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари МТП, ММТП, ўғит билан таъминлаш, уруғлик билан таъминлаш, ёқилғи - мойлаш материаллари билан таъминлаш корхоналари ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар ишлаб чиқариш ҳажми технологик жиҳатидан йирик бўлганлиги туфайли, ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Мазкур соҳада фақат мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи кичик тадбиркорлик субъектлари шакллантирилди.

⁵ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Тошкент: «Ўзбекистон», 2009.- 46 б.

1.1.1-жадвал.

**Агросаноат мажмуида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик
субъектларининг мулкчилик шакллари⁶**

Тадбиркорлик шакллари	Тадбиркорлик соҳалари	Тадбиркорлик субъектлари	Мулкчилик шакллари
Хусусий-якка	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш:	• фермер хўжаликлари; • деҳқон хўжаликлари.	Хусусий мулк
	Хизмат кўрсатиш:	• маданий – маиший хизмат кўрсатиш кичик корхоналари; • савдо корхоналари; • пуллик хизмат кўрсатиш шохобчалари.	Хусусий мулк
	Қайта ишлаш:	• мева – сабзавотларни қайта ишловчи кичик корхоналар; • якка тартибда донни қайта ишловчи кичик корхоналар.	Хусусий мулк
Хусусий - корпоратив	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш:	• жамоа(ширкат) хўжаликлари; • агрофирмалар.	Жамоа мулки
	Хизмат кўрсатиш:	• Машина трактор парклари(МТП), • Муқобил машина трактор парклари(ММТП); • уруғлик билан таъминловчи корхоналар; • ўғит билан таъминловчи корхоналар; • сувдан фойдаланувчилар уюшмаси; • ёқилғи мойлаш материаллари билан таъминлаш корхоналари.	Жамоа мулки
	Қайта ишлаш:	• донни қайта ишловчи корхоналар; • пахта тозалаш заводлари; • қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноат асосида қайта ишловчи кичик корхоналар; • агрофирмалар.	Жамоа мулки

Агросаноат мажмуида тадбиркорлик ижтимоий-иқтисодий моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда хусусий иқтисодий муносабатларни ўзида акс эттиради. Биринчидан, ишлаб чиқариш муносабатлари марказида ердан асосий ресурс сифатида фойдаланилади. Иккинчидан, агросаноат мажмуи корхоналарининг

⁶ Муаллиф томонидан тузилган.

фаолияти қишлоқ хўжалигининг мавсумийлиги ва табиий-иқлим шароитларига боғлиқ. Учинчидан, тармоқ таркибидаги тадбиркорлик субъектлари бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожланади.


Қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни ривожлантириш, мулкрий муносабатларни ривожлантириш борасида ҳам катта ишлар қилинди. Айниқса, бозор иқтисодиёти эркин хусусий мулксиз ривожланиши мумкин эмаслигига эътибор кучайтирилди. Бу борада қилинаётган катта ишлардан бири қишлоқ жойларда мулкдорлар синфини шакллантиришдир. Аста-секинлик билан бўлсада, хусусий мулкка асосланган тадбиркорлар синфи шакллантириляпти. Қишлоқ жойларда шаклланаётган тадбиркорлар синфи қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил этишнинг барча шакллари билан бевосита биргаликда ривожланмоқда. Бугунги кунда тадбиркорлар синфи ширкатларда, асосан фермер ва деҳқон хўжалиги шаклида вужудга келмоқда. Шу билан биргаликда қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлмаган соҳаларда ҳам тадбиркорлик ривожланмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик хусусий тадбиркорлик тез суръатлар билан ривожланмоқда. Бундан ташқари хунармандчилик, косиблик, новвойлик ва бошқалар бунга мисол бўлади. Уларнинг ривожланиши қишлоқ хўжалигининг, қолаверса, мамлакат иқтисодиётининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

Қишлоқ жойларда мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асосий йўналишларини 1.1.1-чизмада кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик Кодекси” нинг 39-моддасига мувофиқ: “Ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкрий ёки шахсий номулкрий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади”.* Юридик шахсларнинг фойда олишни

* Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”.-Т.: Ўзбекистон, 2002. – 346.

ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган турлари тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади.



1.1.1-чизма. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларида мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асосий йўналишлари

Шундан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалигида фаолият олиб бораётган якка тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларининг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтмаган кўпчилик қисми жисмоний шахс мақомида фаолият олиб боради. Давлат рўйхатидан ўтган деҳқон, фермер ширкат хўжаликлари юридик шахс мақомида фаолият олиб боради.

Жисмоний ва юридик шахс мақомига эга бўлган иқтисодий субъектлар мўътадил фаолият олиб боришлари учун ҳуқуқий база яратилган ва такомиллаштирилиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги яқин ва узоқ келажакда озиқ – овқат маҳсулотлари етиштиришнинг асосий манбаси бўлганлиги учунгина эмас, балки қуйидаги ҳолатлар учун ҳам агросаноат мажмуасининг асосини ташкил этади:

Биринчидан, қишлоқ хўжалиги саноатнинг ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқлари маҳсулотларига талабнинг асосини белгилайди. Саноатнинг бу тармоқларини ривожлантириш йўналишларни, шунингдек, саноат маҳсулотларининг сифати, хоссалари қандай бўлишини белгилаб беради, баъзан эса саноат корхоналарининг жойлашувига ҳам катта таъсир ўтказди;

Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркиби ва жойлашуви уларни тайёрловчи ва қайта ишловчи корхоналарнинг ривожланишини белгилайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг турларга қараб, уларни тайёрловчи ва қайта ишловчи корхоналар ўзларининг қувватини ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги саноатнинг қайта ишловчи тармоқлари жойлашувига ҳам таъсир кўрсатади;

Учинчидан, саноатда яратилаётган ишлаб чиқариш воситаларининг самарадорлиги қишлоқ хўжалигида юзага чиқади.

Жаҳон давлатлари ўртасида юз берадиган кескин рақобат шароитида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардош бўлиши ва янада ривожланиши маълум даражада ушбу тармоққа боғлиқ бўлади. Қишлоқ хўжалиги ўзига алоқадор барча саноат тармоқларига ривожланиш учун қайсидир маънода компас ролини ўйнайди;

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги бутун агросаноат мажмуаси тармоқларининг самарадорлигига таъсир кўрсатади. Агарда қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги юқори бўлса, агросаноат мажмуаси охирги маҳсулотининг арзон бўлиши таъминланади. Бу мамлакат иқтисодиётини кучайтиради, аҳолининг турмуш даражасини оширади. Чунки

аҳоли даромадининг катта бир қисмини ўз комиллигини ошириш йўлида сарфлаш имконияти кўпаяди;

Бешинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархи агросаноат мажмуасининг охирги маҳсулотлари таннархининг даражасини белгилайди. Яъни сотиш учун бозорга чиқарилган тайёр маҳсулотлар нархнинг паст бўлиши учун имконият яратади. Бинобарин, кучли рақобат шароитида арзон маҳсулот ишлаб чиқариш ҳал қилувчи аҳамиятга эга омил ҳисобланади;

Олтинчидан, агросаноат мажмуаси охирги тайёр маҳсулотининг сифати қандай бўлиши қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулот сифати билан белгиланади, десак хато бўлмайди. Албатта, тайёрлаш ва қайта ишлаш жараёнида сифатли маҳсулотнинг сифатини бузуш мумкин, лекин ўзи сифациз бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотидан сифатли саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш амримаҳол. Тўғри, тайёрлаш ва қайта ишлаш жараёнида айрим биологик ишловлар бериш, турли витамин ва минерал тузлар қўшиш эвазига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг дастлабки сифатини яхшилаш мумкин. Лекин бу яхшиланиш ҳал қилувчи кучга эга эмас. Ахир, фақатгина сифатли материалдан сифатли маҳсулот олиш мумкин.

Еттинчидан, айнан қишлоқ хўжалигини саноатлаштириш (индустрлаш) жараёни агросаноат интеграциясини кучайтиради. Бунда қишлоқ хўжалиги ва саноат янада яқинлашади. Бу эса фан, техника тараққиётини тезлаштирувчи асосий омиллардан биридир.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлайдиган ҳар бир мутахассис (иқтисодчи, агроном, зоотехник, ветеринария врачлари ва ҳ.к.) иқтисодий билимларга эга бўлиши, режа тузиш усулини узлаштириб олиши, фермер учун бизнес режа ва топшириқлар тузишни, деҳқончилик ва чорвачиликни юритиш тизимлари буйича тадбирлар белгилашни, самарадорликни аниқлаш, пода ҳаракати ва таркибини, экинларни алмашлаб экишни тугри белгилашни, чорвачилик тармоғи, чорва молларини зоти, зоотехния ва ветеринария чораларининг ҳамда агротехник тадбирларни иқтисодий самарадорлигини аниқлашни, механизацияни куллаш муддатларини, режа ва ҳисобот

калькуляцияларини тузишни, хўжалик ҳисоби, рентабеллик, деҳқончилик ва чорвачилик тармоклари ва умуман хўжаликнинг ишлаб чиқариш фаолиятини таҳлил қилишни билиши керак. Хар бир мутахассис янгиликларни кура билиши, урганиши ва ишлаб чиқаришга татбиқ эта олиш зарур.

1.2. Ривожланган мамлакатларда қишлоқ жойларида тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришнинг илғор тажрибаси

Жаҳоннинг барча ривожланган мамлакатларида тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш давлат иқтисодий сиёсатининг мустақил таркибий қисми ҳисобланади. Кичик бизнеснинг ривожланишига иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, хизматлар кўрсатиш соҳасининг юксалиши, бандликнинг ўсиши, технологик тараққиёт ва нормал рақобат муҳим омили сифатида қаралади.

Жаҳоннинг кўпгина ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида ҳам кичик корхоналарни таркиб топтириш ва ривожлантиришга ва шу йўл орқали ишсизлик муаммосини бирмунча ҳал этишга, аҳоли даромадларини оширишдек муҳим макроиқтисодий муаммони ечишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Иқтисодиётнинг ривожланиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожи билан бевосита боғлиқлигини тушуниб етган кўпгина ривожланган мамлакатлар кичик ва ўрта корхоналарнинг вужудга келиши ва самарали фаолият юритишларида давлат ёрдамини бериб келмоқдалар. Уларда бу соҳада етарлича ижобий тажриба ҳам тўпланган. Биз бундай тажрибадан Ўзбекистон шароити ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланишимиз мумкин.

Кичик корхоналар фаолиятини бошқариш, тартибга солиш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир ёндашишлар ва уларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари барча давлатларда умумий бўлиб, деярли бир-бирига мос келади. Улар қуйидагилар:

- кичик бизнесни қўллаб - қувватлашга қаратилган махсус қонунларни қабул қилиш;

➤ кичик корхоналарни ривожлантиришнинг давлат дастурларини ишлаб чиқиш;

➤ кичик корхоналарни қўллаб - қувватловчи ташкилий тузилмаларни ташкил етиш;

➤ давлат томонидан тадбиркорлик субъектларига молиявий ёрдам кўрсатиш;

➤ кичик корхоналарни кафолатлаш ва имтиёзли кредитловчи фирмаларни ташкил етиш (Англиядаги КК ни молиялаштирувчи махсус фирмалар мавжуд. Бунда давлат 70 % қарзларни кафолатлайди);

➤ кичик корхоналар фаолиятини имтиёзли солиққа тортишни кенг тарқатиш (масалан, Францияда ҳар йили 10 мингга яқин корхоналар тўлиқ ёки қисман солиқдан озод қилинади).

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш соҳасида айрим мамлакатлар тажрибасидан мисоллар келтирамиз.

АҚШ. Бу давлатда кичик бизнес корхоналарини икки томонлама гуруҳлашдан фойдаланилади. Биринчи ҳолда бу тушунча ишловчилар сони 500 кишигача бўлган корхоналарни қамраб олади. Иккинчи ҳолда эса корхоналар соҳалар бўйича йиллик тушумлар ҳажми бўйича таснифланади: транспорт соҳасида йиллик тушумлар ҳажми 3,5 млн доллардан 20 млн долларгача, қурилишда 9 млн доллардан 21 млн долларгача, улгуржи савдода 15 млн доллардан 35 млн долларгача, чакана савдода 3,5 млн доллардан 13,5 млн долларгача, хизматлар соҳасида 2,5 млн доллардан 14,5 млн долларгача бўлган корхоналар кичик корхоналар ҳисобланади.

Америка Қўшма Штатларида Конгресс томонидан 1953- йилда "Кичик бизнес маъмурияти" деган махсус ташкилот тузилган. У хусусий секторга кўмаклашиш, уни молиялаш ва кредитлаш ишларини жуда яхши йўлга қўйган. Кичик бизнес маъмурияти кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадларига қаратилган 45 миллиард долларлик бюджетга эга. Бундан ташқари, табиий офатлардан зиён кўрган тадбиркорлар учун мўлжалланган 5

миллиард долларлик қўшимча маблағи ҳам бор. Кичик бизнес маъмуриятининг 90 дан ортиқ минтақавий ва ҳудудий бўлимлари тузилган. Улар жойларда хусусий сектор субъектлари олида туғиладиган ҳар қандай муаммони кечиктирмай ҳал этишни асосий мақсад қилиб олган. Кичик бизнесга оид биринчи қонун 1953-йилда қабул қилинган, ундан сўнг эса яна қўллаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Кичик корхоналарга жуда кўп ярим давлат ташкилотлари бўлган хизматлар савдоси сиёсати бўйича Қўмита, Президент ҳузуридаги хусусий тадбиркорлик муаммолари бўйича махсус комиссия, саноат рақобатбардошлиги масалалари бўйича комиссия ва бошқалар хизмат қиладилар.

Кичик корхоналарга АҚШ жуда кўп миқдордаги ижтимоий ташкилотлар ёрдам беради:

- савдо палатаси;
- саноатчилар миллий ассоциацияси;
- қишлоқ хўжалигидаги ҳар-хил ассоциациялар, клублар, гуруҳлар ва ҳ.к. АҚШ да кичик корхоналар солиқ имтиёзларидан фойдаланмайдилар, аммо улар субсидия, дотация, молиявий кафолатлар билан қўллаб – қувватланадилар.

АҚШда кичик ва ўрта корхоналарнинг фаолият соҳалари жуда хилма-хил бўлиб, биргина хизмат кўрсатиш соҳасида (53,5%) кейинги ўн йилликларда энг кўп иш ўринлари очилмоқда. Бу ўсишнинг ярмидан кўпи бандлар сони 500 кишигача бўлган корхоналар улушига тўғри келади.

Бандлар сони бўйича иккинчи ўринни чакана савдо эгаллайди. Бироқ бу ерда асосий ролни йирик фирмалар ўйнаб келган ва ўйнаб келмоқда (фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш ва янгиларни ташкил қилиш бу тармоқ учун 75% қўшимча иш ўринларини берди). Америкалик мутахассисларнинг фикрича: “Чакана савдони йирик бизнес назорат қилиб

туради ва у истеъмолчиларнинг юқори сифат, нисбатан паст баҳолар каби кизиқишларига тўлиқ жавоб беради”.⁷

Япония. Японияда XX асрнинг 40-йилларида мамлакат ҳукумати қошида “Кичик ва ўрта корхоналар бошқармаси” ташкил этилган. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни миллий давлат марказлари кичик бизнесни ривожлантириш умумдавлат дастурини бажариш йўли билан амалга оширадилар. Шундай марказлардан 170 та тузилган ва фаолият юритиб келмоқда. Бундан ташқари, кичик корхоналарнинг рақобатбардошлигини юқори даражада тутиб туриш учун ҳар бир префектурада давлат технологик дастурини амалга оширишга жавоб берадиган давлат технологик марказлари мавжуд. Барча марказлар фаолиятини Кичик ва ўрта корхоналар бошқармаси мувофиқлаштириб боради. Японияда кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлашда қуйидагилар иштирок этадилар:

- давлат;
- ўзини ўзи бошқариш ҳудудий органлари;
- молиявий тузилмалар;
- ўқув юртлари.

Давлат кичик ва ўрта корхоналарни турли хил имтиёзлар ва солиқларни камайтиришни молиялашни, олий мактаб (ташқи савдо ва саноат вазирлиги) га қарашли ўқув юртларида бошқарувчилар, соҳиблар, маъмурлар стажировкасини йўлда қўйиш орқали қўллаб-қувватлайди.

Ана шундай қўллаб-қувватлаш натижасида Японияда кичик ва ўрта корхоналар сони кўпайиб бормоқда. Уларнинг улуши ҳукумат буюртмаларида 45 фоизни, жамоат ташкилотларининг буюртмаларида 32 фоизни ташкил этади. Сотилаётган саноат маҳсулотларининг 55 фоизи, улгуржи савдонинг 60 фоизи, чакана савдонинг 80 фоизи кичик ва ўрта бизнесга тўғри келади. Саноат корпорациялари маҳсулотларининг қарийб 40 фоизи кичик ва ўрта ёрдамчи пудратчилар иштирокида ишлаб чиқарилади.

Япония давлатида кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб – қувватлаш учун

⁷ Дўстжонов Т., Салаев С. Кичик бизнеснинг катта имкониятлари Урганч, 1997, 34 б.

қуйидаги ташкилот, уюшма ва марказлар хизмат қилади:

- кичик бизнес бўйича бошқарма;
- кичик корхоналарни ривожлантириш бўйича давлат корпорацияси;
- кичик корхоналар ассоциациясининг умумяпон федерацияси;
- кичик бизнесни кредитловчи махсус банклар;

Давлат ёрдами қуйидагиларни ўз ичига олади:

Имтиёзли солиққа тортиш, тезлаштирилган амортизация, банкрот бўлганда ёрдам бериш, кичик корхоналарни техникавий даражасини ўстиришни рағбатлантириш.

Японияда кичик корхоналарга 500 дан ортиқ савдо-саноат палаталари ва уларнинг филиаллари маслаҳатлар, молиявий ёрдам ва билим олиш учун ёрдам берадилар.

Давлат ёрдамининг молиявий асосини кичик бизнесни қўллаб - қувватлаш махсус фонди, халқ фонди, шунингдек молиявий корпорациялар ташкил қилади.

Тижорат банклари ҳам давлат ва ижтимоий фондлар воситачилигида кичик ва ўрта корхоналарга ёрдам кўрсатадилар.

Японияда ҳар 10 та корхонанинг 9 таси кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳисобланиб, улар мамлакат иқтисодиёти юксалишида ўз ўрнига эга. Шу мақсадда унинг ҳуқуқий асосини яратишга қаратилган бир қатор ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, улар жумласига кичик ва ўрта корхоналарга муносабат, уларни модернизациялашга ёрдам кўрсатиш, кичик бизнес фаолиятига раҳбарлик қилиш тўғрисидаги ҳужжатларни киритиш мумкин.

Франция. Бу давлатда кичик бизнес субъектларини қўллаб - қувватлашдан асосий мақсад - кишиларни иш билан таъминлаш ва рақобатни кучайтириш. Бунинг учун амалда тўғридан - тўғри ёрдам, ахборотларга кириш, маъмурий тўсиқларни камайтириш, солиқларни камайтириш ишлари олиб борилади. Қўллаб - қувватлаш бўйича турли хил ташкилотлар яратилган.

- кичик корхоналарнинг конференцияси;
- савдо палатаси;
- ҳунармандчилик бўйича палата;
- қишлоқ хўжалиги палатаси;
- иш бошловчилар учун миллий агентлик;
- таваккалчиликни, инвестицион хатарни суғурталаш жамияти;
- бизнесни ташкил этиш марказлари ва бошқалар.

Кичик корхоналарни қўллаб - қувватлаш миллий сиёсати давлат топшириғига асосан вазирлик ва ташкилотлар томонидан назорат қилинади.

Молиявий ёрдам эса қуйидаги шаклларда олиб борилади:

- иш бошловчилар учун кафолатсиз, фоизсиз қарз бериш;
- 5 йил муддат ичида тўланадиган кичик фоизли қарзлар;
- ишини йўқотган ва энди иш бошлаётганлар учун субсидиялар бериш;
- турли хил солиқ имтиёзларидан фойдаланиш.

Францияда ҳукумат томонидан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган:¹

- кичик бизнес субъектларини зарурий ахборотлар билан таъминлаш;
- кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқарилган маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлаш ва сотишда кўмаклашиш;
- кичик бизнес субъектлари экспорт салоҳиятини ошириш ва уни рағбатлантириш;
- молиявий ёрдам кўрсатиш.

Францияда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳукумат фаолиятининг муҳим бир йўналиши ҳисобланади. Кичик корхоналарни керакли ахборот билан таъминлаш, уларнинг товарларини ўтишига кўмаклашиш, кичик ва ўрта фирмаларнинг экспортга мойиллигини рағбатлантириш, молиявий кўмак-булар кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш йўллариidir. Лекин француз мутахассисларининг фикрича, барибир кичик бизнесни ривожланти-ришнинг

¹ Абдуллаев А., Муфтайдинов Қ., Айбешов Х Кичик бизнесни бошқариш. Т.: “Молия”. 2003 й. 26-бет.

яхлит сиёсатини ишлаб чиқиш, миллий ва маҳаллий даражадаги хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириш талаб қилинади.

Жанубий Корея. Бу давлатда саноат ва транспорт соҳасида 20 тагача ходими бўлган корхоналар кичик, 21 дан 200 кишигача ходими бўлган корхоналар ўрта корхоналар ҳисобланади. Савдо ва хизматлар соҳасида 5 тагача ходими бўлган корхоналар кичик, 6 тадан 20 тагача ходими бўлган корхоналар ўрта корхоналар ҳисобланади.

Корея Республикасида кичик бизнесга кўмаклашиш сиёсатини бутун ташкилотлар тизими амалга оширади. Бу масалаларнинг барча-сини кичик бизнесга доир махсус қонун тартибга солади. Бу қонун давлат муассасалари - кичик бизнесга кўмаклашиш органларини тузишни кўзда тутди. Лекин у ерда кичик бизнесга кўмаклашиш ишлари шундай ташкил этилганки, кичик корхона четдан аниқ ёрдам кутмай ўзи оёққа туриб олиш "иммунитетини", ўсиш ва ривожланиш хусусият-ларини ўзи ишлаб чиқади

Жанубий Кореянинг пул - кредит сиёсати шундай тузилганки, тижорат банклари ўз маблағларининг 30 % ни КК га беришлари шарт. Уларнинг ривожланиши учун: Кичик бизнес федерацияси, кичик корхоналар банки, технологияларни суғурталаш федерацияси, Савдо ва саноат Вазирлиги хизмат қилади.

Жанубий Кореяда давлат кичик корхоналар учун эскирган ускуналарни алмаштириш ва янгиларини ўрнатишда имтиёзли шартлар беради. Кичик корхоналар ҳукумат ҳамда ихтисослашган тижорат молиявий муассасалар ресурсларини аккумуляциялайдиган Корея Республикаси кредит кафолат фондининг амалда ягона қарз олувчилари ҳисобланади (йирик корхоналар улуши қарзларнинг 1 фоизини ташкил этади). Бу ерда йирик корхона 1,5млрд. вонгача, кичик ва ўрта корхоналар эса – 3 млрд. вонгача миқдордаги кредит линияси олиши мумкин. Бунда кичик корхоналар йилига 1 фоизгача, йирик корхоналар эса – 1,5 фоизгача воситачилик йиғими тўлайди. Бундан ташқари, кичик ва ўрта корхоналар томонидан асосий фондларга сарфланган банк кредитларининг 1,5 млрд. вонгача суммаси 70 фоизгача миқдорда

суғурталанади.

Давлат томонидан кўрсатиладиган молиявий ёрдам, биринчи галда, энг юқори экспорт потенциалига эга бўлган корхоналарга берилади. Шу билан бир вақтда кичик ва ўрта корхоналар йирик кооператив гуруҳларга бирлашган бўлади. Уларга ҳукумат молиявий, солиқ бўйича ва техникавий ёрдам бериб туради.

Голландия. Бу мамлакатда кичик корхоналарга ишловчилар сони 10 кишигача, ўрта корхоналарга эса ходимлар сони 100 кишигача бўлган корхоналар киради.

Голландияда ҳам кичик корхоналар кўпгина ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланади. Булар жумласига қуйидаги ташкилотлар киради:

- кичик корхоналар учун голланд кенгаши;
- кичик корхоналар масалалари бўйича тадқиқотлар ва консалтинг институти;
- кичик корхоналар учун сиёсатнинг қироллик федерацияси;
- ижтимоий бизнес ташкилотлари (соҳавий аломат бўйича иш берувчилар ва ходимларнинг ҳамкорлигини таъминлайдилар);
- савдо палатаси- консалтинг хизматлари кўрсатади;
- кичик корхоналар институти (ишчи-хизматчиларни ўқитиш, кичик корхоналарга маслаҳат бериш билан шуғулланади);
- “Мини-корхоналар фонди” (ўқиш вақтида шахсий кичик корхоналар очган талабаларга ёрдам бериш билан шуғулланади);

Тадбиркорлар ўз фаолиятлари учун жавобгарликни тўлалигича ўз зиммаларига оладилар, ҳукумат эса ёрдамчи ролни ўйнайди. Аммо, шунга қарамасдан, давлат катта ёрдам кўрсатади. Иқтисодиёт вазирлиги қошида кичик корхоналар хизматлари бўйича бош директорат ташкил қилинган. Маҳаллий ҳокимиятлар корхоналарни тузиш, бизнес-марказларни ташкил қилиш, тадбиркорлик фаолиятига лицензия бериш масалалари бўйича махсус хизматларни бажарадилар.

Тайван. Бу мамлакатда кичик тадбиркорликнинг фаолият юритиши кўп

жиҳатдан оилавий бизнес ташкил қилишнинг миллий хусусиятларига боғлиқдир¹. Бу жиҳатдан Ф. Фукуяманинг фикрига қўшилиш мумкин, яъни Хитой бизнесида кичик ва ўрта бизнес фирмаларнинг кўпчилиқ қисмини ташкил қилиши бевосита оиланинг Хитой ижтимоий-маданий тизимида марказий ўрин тутиши ва Япония, Жанубий Корейдан фарқли ўлароқ, оилавий бурч ва мажбуриятларнинг бошқаларникига нисбатан юксакроқ бўлишига боғлиқдир.¹

Хитой оиласи ўз ичига ота ва ўғилни ёки умуман ҳамма қариндошларни олиши мумкин. Гоҳида, ҳаттоки, бир хил фамилия эгалари ўзларини бир оила дейишади. Ҳақиқий оиланинг ҳажми вазиятга қараб кенгайиши ёки қисқариши мумкин. Юқоридагилар барча турдаги бошқа шахсий муносабатларга ҳам тегишли.

Тайванда бизнес ҳажмини аниқлаш учун асосий капиталнинг катталиги ва бандлар миқдори кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Қайта ишлаш саноатида фаолият кўрсатувчи фирма, 100 ишчигача бўлган бандлар билан кичик ҳисобланади, агар унинг асосий капитали 40 млн. тайван долларигача (1,3 млн. АҚШ доллари атрофида) бўлса, асосий капитали 7,5 млн. АҚШ долларигача бўлиб, 100 тадан 500 тагача ишчига эга фирма эса ўртача ҳисобланади.

Шундай қилиб, кичик бизнес фаолиятининг чегараларини доимий равишда кенгайтиришга ва янги ҳамкорлар орттиришга, шунингдек, инвестициялар, янги технологиялар бозорига бўлган йўлларнинг очилиш имкониятига эга бўлди. Бунинг натижасида, кичик ва ўрта тадбиркорлар ўзига миллий ёки чет эл бизнесидан ҳамкор танлаш имкониятига эга бўлдилар. Бу шароитларда кичик ва ўрта бизнес корхоналарида бир хил турдаги товарларнинг бир қанча мамлакатлар истеъмоли учун ишлаб чиқариш ҳажми ошди, бу эса маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирди ва арзонлаштирди, сифатини оширди.

¹ Диярханов В.М. Роль малого бизнеса в экономике Тайваня. Мировая экономика и международные отношения. №9 2000.

¹ Fukuyama F. Social Capital and the Global Economy// Foreign Affaires, 1995. №5. P. 97-98.

Кичик бизнес таркибида кичик компаниялар (10 тадан кам бандлар билан) ролининг пасайиши ўзига эътиборни жалб этади, яъни уларнинг қайта ишлаш саноатидаги улуши 1960-йилларнинг ўрталаридан 90-йилларнинг ўртасигача 14% дан 7% га қискарди. Бу ҳол кўп жиҳатдан 70-80-йиллардаги умумий саноат таркибидаги озиқ-овқат саноатининг улуши пасайганлиги билан боғлиқ, чунки тайван кичик бизнеси айнан бу соҳада ўзининг тараққиётига эришган эди.

Хитой. Хитой халқ Республикасида 1970-йиллар охири 1980-йиллар бошида давлатнинг сиёсий ва иқтисодий йўналишдаги янгича ривожланиш босқичи бошланиши билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланиб кетди. Хитойда кичик корхоналарда ходимлар сони 500 кишидан ошмайди. 2001 йил бошида Хитойда кичик корхоналар сони 9 млн. тага етди. Улар мамлакатдаги жами корхоналарнинг 99 %ни ташкил этди. Хитойда кичик корхоналар жами саноат маҳсулотининг 60 % ини ишлаб чиқармоқда ва давлат хазинасига умумий солиқлар йиғимининг 40 %дан кўпроғини тушириб бермоқда.

КБХТ мамлакатда меҳнатга лаёқатлиларнинг 75 фоизини иш билан таъминламоқда.

Хитойда КБХТнинг жадал ривожланиб, иқтисодиётда муҳим ўрин эгаллаши уни давлат томонидан рағбатлантиришдаги оқилона сиёсатдир:

- технология соҳасига янгиликларнинг киритилиши ва самарадорлигининг оширилиши;

- кичик корхоналарни технологиялар билан янгилаш махсус фондини яратиш; Ушбу фонд орқали молиявий ёрдамнинг қуйидаги шакллари мўлжалланган:

- грантлар - илғор технология соҳасида ихтисослашган кичик ва ўрта корхоналарни оёққа тураётган даврида 120 минг АҚШ доллари (1 млн. юан) миқдорида рағбатлантиради. Агар корхона йирик лойиҳада кирган бўлса, бу миқдор 240 минг АҚШ доллари (2 млн. юан) гача оширилиши мумкин.

➤ технологик ишловларни амалга ошириши учун корхоналарга қўшимча равишда имтиёзли молиявий ёрдам кўрсатиб, субсидиялар беради. Бунда молиявий ёрдам пуллари йирик лойиҳалар учун 120 минг ва 240 минг АҚШ доллари (ёки 2 млн. юан) ҳажмида белгиланади.

➤ тўғридан-тўғри инвестициялар ажратиш. Бундай молиявий ёрдам ўта истиқболли ва тез қопланадиган ишловлар учун фонд томонидан устав капиталининг 20 % гача бўлган миқдори ҳисобидан ажратилади.

Хитойда кичик корхоналарни рўйхатдан ўтказишнинг жуда ҳам оддий, енгил тартиби ўрнатилган. Уларни ҳужжатлаштириш ишлари битта (органда) ташкилотда – Давлат савдо - саноат бош бошқармасида амалга оширилади.

Иқтисодиёт ва савдо бўйича Давлат қўмитаси қошида махсус «Кичик корхоналарни халқаро ҳамкорлигини координация қилиш бўйича марказ» ташкил етилган.

Айтиш мумкинки, Хитой иқтисодиётида кейинги йилларда рўй бераётган муваффақиятлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан бевосита боғлиқдир.

Германия. Бу давлатда кичик ва ўрта корхоналарни таснифлаш мезони сифатида ишловчилар сони ва йиллик айланма (оборот) кўрсаткичлари қабул қилинган. Кичик корхоналарга ишловчилар сони 10 кишигача бўлган, ўрта корхоналарга эса ишловчилар сони 50 кишигача ва йиллик обороти 100 млн маркагача бўлган корхоналар киритилади.

Бу мамлакатда кичик корхоналар ташкил қилиш ва улар фаолиятига таъсир қилишнинг мукамал тизими ишланган бўлиб, у ўз ичига қуйидаги асосий бўлимларни олади:

- капитал жамғаришга бевосита ёки билвосита таъсир қилиш;
- кичик ва ўрта корхоналарни молиялаштиришга ҳамда улар фаолиятига давлатнинг аралашуви;
- имтиёзли кредитлаш ва махсус дастурлар доирасидаги субсидиялар:
 - 1) Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ давлат субсидиялари;
 - 2) Янги мутахассисларни тайёрлаш учун субсидиялар.

- кредитни кафолатлаш;
- солиқлар бўйича имтиёзлар бериш; Германияда 1984 йил 1-январдаги махсус қонунга (“Солиққа тортишдан озод қилиш тўғрисида”) асосан, сармояси 12000 маркагача бўлган кичик ва ўрта корхоналар “саноат солиғи”дан озод қилинадилар.

Бу мамлакат кичик корхоналарнинг ривожланиши ҳисобига қисқа вақт мобайнида Европа иқтисодиётининг устунларидан бирига айланиб кетди. Давлатнинг бу борадаги оқилона сиёсати туфайли урушдан кейинги йилларда кичик тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши 10 фоиздан 69 фоизга кўтарилди.

Германия қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган бўлиб, бу ерда озиқ-овқат ва бошқа истеъмол молларининг кўплаб турларини ишлаб чиқарадиган корхоналар давлат тарафидан ҳар томонлама рағбатлантирилади. Улар қишлоқ жойларида цехлар шаклида кичик-кичик ишлаб чиқариш қувватлари сифатида ташкил этилган.

2010 йилда жаҳон мамлакатларида КБХТ субъектлари ҳар минг кишига ҳисоблаганда, бу кўрсаткич, Молдовияда ҳар 1000 кишига 12,3 та, Россияда 11,3 та, Қозоғистонда 6,9 та, Украинада 7,5 та, Беларусияда 7,5 та ва Азәрбайжонда 1,6⁸ та, республикамизда эса, ҳар 1000 кишига 15,2 та КБХТ субъектлари тўғри келади (1.2.1-жадвал).

1.2.1-жадвал

КБХТ субъектларини айрим мамлакатлардаги улуши

Мамлакат номи	Ҳар минг кишига (донада)
1. Молдовия	12,3
2. Россия	11,3
3. Қозоғистон	6,9
4. Украина	7,5
5. Беларусия	7,5
6. Азәрбайжон	1,6
7. Ўзбекистон	15,2

⁸ Данные стран СНГ приведены за 2009 год. Источник: Статкомитет СНГ.

Демак, юқоридаги хорижий мамлакатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, иқтисодиётнинг қайси тармоғида бўлишидан қатъий назар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторини шакллантириш ва раванк топтириш иқтисодий муваффақиятларнинг асосий омилларидан бири экан.

Ўзбекистонда барча вилоятларда бизнес-инкубаторлар тузилиб, фаолият юритиб келмоқда. Уларнинг асосий вазифаси янги тузган корхоналар ривожланишининг бошланғич босқичларини осонлаштириш, тадбиркорларни ўқитиш, тадбиркорлик субъектларини тезроқ ривожланиши учун шарт-шароит яратиш ва айрим ресурсларни тақдим этиш ҳисобланади.

Республикада тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш яхлит тизими шакллантирилган ва у тадбиркорликни ривожлантиришга сезиларли ҳисса қўшиб келмоқда. Шу билан бирга, бу тизимни юз бераётган ўзгаришлар ва пайдо бўлаётган янги талабларга мувофқ узлуксиз такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ.

1.3. Қишлоқ жойларида тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш асосан фермер, деҳқон ва ширкат хўжаликлари шаклида ташкил этилади, бозор талаблари ва давлат эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқиришнинг таркиби ўзгартирилди. Ўзбекистон Республикасида олиб борилган иқтисодий ислохотлар натижасида малакатда пахта яккаҳокимлигига барҳам берилди, Аҳолининг дон маҳсулотларига бўлган талабини ҳисобга олиб ғаллачилик тармоғи кескин кенгайтирилди. Натижада ғаллачилик билан шуғулланувчи ихтисослашган махсус тармоқ вужудга келди. Ғалла уруғчилиги кенг йўлга қўйилди, ғаллачиликнинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган зарур моддий – техника базаси яратилди. Республикада чорвачилик тармоғи деярли хусусийлаштирилди. Мамлакатда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даражаси ва уларни экспорт қилиш масалалари мамлакат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ижобий ҳал қилинмоқда.

Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг шаклларида бири сифатида узига хос бўлган ижтимоий-психологик, ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий хусусиятларга эга бўлиб, буни куйидаги чизмада яққолроқ куриш мумкин. (1.3.1-жадвал).

Фермер хўжаликларининг ташкилий асослари. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 августда қабул қилинган “Фермер хўжаликлари тўғрисида” ги қонунининг 1-бандида “Фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритиш субъектидир” - деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январидаги “Қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 8-сонли қарори асосида

республикада фермер хўжаликлари тез ривожлана бошлади. Ушбу сиёсат ривожлантирилиб 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг янги “2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 607-сонли қарори қабул қилинди.

1.3.1 - жадвал

Фермер хўжаликларининг хусусиятлари

1.	Ижтимоий-психологик жихатдан	Жамиятнинг бошлангич бугини - оила ва унга хос бўлган ахлокий тарбиявий кадриятларга ҳамда шахсий манфаатдорлик, хусусий ташаббускорлик ва тадбиркорлик эркинлигига таянувчи аҳолининг ижтимоий катлами
2.	Ташкилий-ҳуқуқий жихатдан	Юридик шахс мақомига (уз баланси, ҳисоб раками, муҳри ва бошқа) эга бўлиши шарт
3.	Меҳнат муносабатлари жихатидан	Хўжаликда аъзолар меҳнати билан биргаликда ёлланма меҳнатдан фойдаланиш мумкин.
4.	Ишлаб чиқариш воситаларига ҳуқуқий	Ишлаб чиқариш қисман ички истеъмолга ва асосан бозорга йуналтирилган товар хўжалиги
5.	Мулкий муносабатлар жихатидан	Ишлаб чиқариш йуналиши жихатидан мулкчилик; • Ер майдони узок муддатли ижарага (энг камида 10 йилдан узоғи билан 50 йилгача) берилади, ижара муддатида ижара ҳуқуқини мерос қилиб қолдириш мумкин.
6.	Хўжалик юрителиш учун ажратиладиган ер майдони ҳажми жихатидан	Хўжалик юрителиш учун ажратиладиган ер майдони ҳажмининг қуйи чегараси: - галла ва пахта етиштиришга ихтисослашганда камида 10 гектар; - богдорчилик, узумчилик в сабзавот полизчиликда камида 1 гектар; - чорвачиликда камида шартли 30 бош чорва моли бўлган тақдирда ҳар бир шартли бош мол учун вилоятлар ва ҳудудларга қараб 0,3 - 0,45 гектардан (лалми ерларда 2 гектар).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 декабрдаги “2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 607-сонли қарорига кўра паст рентабелли ва истиқболсиз ширкат хўжаликлари негизида танлов асосида

фермер хўжаликларини ташкил этиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузасида “...фермерчилик қишлоқда хўжалик юритишнинг энг истиқболли ва самарали шакли сифатида етакчи ўринни эгалламоқда” - деб таъкидлади.*

Ширкат хўжаликларини тугатиб, фермер хўжаликларига айлантириш жараёнида асосан олдин тармоқ ривожланишида тўсиқ бўлиб келаётган айрим омилларнинг салбий таъсирларининг олди олинди. Натижада қуйидагиларга эришишга мувофиқ бўлинди:

1. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришга кераксиз ёки яроқсиз бўлган мол-мулклар сотилди ва уларни сотишдан тушган маблағлар биринчи галда айланма маблағлар захираларини тўлдиришга йўналтирилди;
2. Фермерлар тендер асосида танлаб олинди; (малакали, моддий-техника ресурсларига эга, ишчи кучлари етарли, ишлаб чиқариш имкониятлари катталари танлаб олинди)
3. Қишлоқ деҳқонининг мулкка, ерга ва ўзи етиштирган маҳсулотларга эгалик қилиш кўламлари кенгайди;
4. Ўз маҳсулотларини бозорда (шартномадан ортиқчасини) эркин сотиш имкониятлари кўпайди;
5. Меъёрдан ортиқча ишчи кучларининг қисқариб, қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларига ўтиб ишлашларига ва шу билан бирга қўшимча маҳсулот хизматларни бозорга таклиф этиш учун кенг имконият юзага келишига асос солинди;
6. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, товар-моддий ресурслари етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини ишлаб чиқарувчиларга янада яқинроқ жойларда жойлаштириш орқали фермер ва деҳқонларнинг бевосита ишлаб чиқаришдан ажралмасдан самарали меҳнат қилиши учун қулай имконият яратилди.

* Каримов И.А. Бизнинг мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005, 70-б.

Фермер хўжаликлари қишлоқ жойлардаги кичик тадбиркорлик шаклларида бири бўлиб, у ишлаб чиқариш шакли сифатида қуйидаги афзалликларга эга:

- хўжалик юритишнинг маҳаллий шароитларига тобора тезроқ мослаша олади;
- кичик тадбиркорлик субъекти сифатида катта эркинликларга эгаллиги;
- қарорларни қабул қилиш ва уларни бажаришнинг ўзгарувчанлиги ва дарҳол ишга туширилиши;
- фаолиятни амалга оширишнинг, айниқса бошқарув сарф-ҳаражатларини нисбатан камлиги;
- фермерларнинг ўз ғояларини амалга оширишларида ўз қобилиятларини намоён қилишда катта имкониятларга эга бўлиши;
- дастлабки капиталнинг камлиги ва маҳаллий бозорнинг талабларига маҳсулот ва ишлаб чиқариш жараёнларига тез ўзгартиришлар киритиш орқали жавоб бериш;
- ўз капиталининг нисбатан юқорида суръатларда айланиб туриши;
- тежамкорликнинг юқорилиги;
- ўзига ишониш даражасининг юқорилиги;
- синиб кетса ҳам мамлакат иқтисодиёти катта зарар кўрмаслиги.

Фермер хўжаликлари ижобий томонлари билан бир қаторда маълум камчиликларга ҳам эга:

- таваккалчилик ҳавф-хатарининг юқорилиги ва шу сабабдан бозордаги ўриннинг ҳам юқори даражадаги беқарорлиги;
- йирик корхоналарга боғлиқ бўлишлик;
- бошқарув ишидаги камчиликлар;
- раҳбарлик билимларининг етарли эмаслиги;
- хўжалик юритиш шароитлари ўзгаришига ортиқча сезувчанлик;
- қўшимча молиявий маблағлар ва кредит олишнинг қийинлиги;

- шартномалар тузишда хўжалик юритувчи субъектларнинг ишончсизлиги ва эҳтиёткорлиги ва бошқалар.

Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалигида кичик тадбиркорлик субъектларига киради. Фермер хўжаликлари мамлакат ялпи ички маҳсулотида кичик бизнесни улушининг ортишига таъсир кўрсатмоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жиҳатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқ бўлади. Бу шарт-шароитлар ичида қулай молия-кредит ва солиқ механизмларини шакллантириш муҳим ўрин тутди. Ислохотлар давомида фермер хўжаликларини молия-кредит ва солиқ механизмлари орқали қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимига асос солинди:

- давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими йўлга қўйилди;

- фермер хўжаликлари учун ерларнинг унумдорлигига боғлиқ бўлган ягона ер солиғи тўлаш бўйича имтиёзларжорий этилди;

- фермерларга техника воситаларини имтиёзли шартларда лизинг асосида етказиб бериш тартиби жорий этилди;

- фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими яратилди;

- балл-бонитети паст ерларда пахта ва ғалла етиштирадиган фермер хўжаликларининг зарарини қоплаш мақсадида уларга молиявий ёрдам бериш тизими жорий этилди;

- ирригация ва мелиорация тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалиётга жорий этилди.

Тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит сиёсатида деҳқон (юримдик шахс мақомидаги) ва фермер хўжаликлари учун бир қатор имтиёзлар белгиланган бўлиб, уларни қуйидагиларда кўриш мумкин:

- тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардан фойдаланганлик учун

имтиёзли фоиз ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки қайта молиялаш ставкасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

- “Микрокредитбанк”нинг маблағлари ҳисобидан бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача бошланғич сармоя учун микрокредитлар йиллик 5 фоизли ставкада, бизнесни кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун энг кам иш ҳақининг 500 баробаригача микрокредитлар Марказий Банк қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

- янги ташкил этилган юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 150 баравари, фермер хўжаликларига эса 300 баравари миқдорида бошланғич сармоя учун йиллик 5 фоизли имтиёзли кредитларни бериш йўлга қўйилди;

- давлат эҳтиёжи учун дон ва пахта етиштирувчи фермер хўжаликларига бериладиган аванс маблағларини олдиндан 3 % имтиёзли фоиз ставкаси билан кредит тарзида берилиши йўлга қўйилди⁹.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган ирригация-мелиорация тадбирларини молиялаштиришга давлат бюджетидан маблағлар ажратиш ишлари давом эттирилмоқда. Жумладан, 2008 йилга бу мақсадлар учун жами 90,3 млрд. сўм ажратилган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 178,6 млрд. сўмга етди. Ўтган 2008-2011 йиллар оралиғида жами ажратилган маблағлар қиймати 550,0 млрд. сўмни ташкил этди.

⁹ Президент И.А.Каримовнинг “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.

1.3.2-жадвал

**Республика бўйича мелиоратив тадбирларларга ажратилган
маблағлар, млрд.сўмда¹⁰**

Тадбирлар номи	Жами 2008-2011 йилларда	шу жумладан:			
		2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
Мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш ишларига	225,1	22,4	57,3	63,8	81,6
Мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш ишларига	222,9	38,6	48,1	59,2	77,0
Лизинг асосида мелиоратив техникалар етказиб беришга	101,9	29,3	25,4	27,2	20,0
Жами	550,0	90,3	130,8	150,2	178,6

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги корхоналари орасида фермер хўжаликлари ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ фермер хўжаликларига истикболли йўналиш сифатида эътибор берилди. Раҳбарлар, мутахассислар ва олимлар бу хўжаликларнинг ривожланишга табиий шароит яратиб бердилар. Натижада фермер хўжаликлари тарихан қисқа даврда қишлоқ хўжалигида ўз фаолиятини олиб боришга ҳақли ишлаб чиқариш шаклларида бири эканлигини исбот қилди.

Фермер хўжаликлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги қонуни ва ўз низоми ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилиги асосида юритади. Дастлаб, фермер хўжаликлари устун даражада уларни ташкил этиш имкони катта зоналарда кўпроқ ривожлантирилди. Яъни ер майдонлари етарли, меҳнат ресурслари жуда кўп бўлмаган ерларда, захира ерларда кўпроқ ташкил этилди. Кейинги

¹⁰ Президент И.А.Каримовнинг “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.

йилларда иқтисодий заиф, истикболсиз бўлган ширкатлар ҳам фермер хўжаликларига айлантирилмоқда. Фермер хўжаликлари давлат ерларида фаолият кўрсатадилар. Фермер хўжаликларига ер 50 йилгача, аммо 30 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Дунё мамлакатларида корхоналар ҳажми қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини минтақанинг табиий-иқлим шароитлари, ер ва географик, инсон омилини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий оқибат натижаларига кўра шаклланади, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисми фермер хўжаликларида етиштирилади. Канадада бир фермер хўжалигига ўртача 215 гектар, АҚШда 145 гектар, Германияда 19,5 гектар, Белгия ва Голландияда 17,0 гектар, Италияда 8,5 гектар ер тўғри келади.

Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликларини ҳажмини аниқлаш масаласида бир тракторнинг йиллик иш бажариш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб тавсия қилинган.

Албатта фермер хўжаликларининг ҳажми унинг иқтисодий самарали ишлашини таъминлашни инобатга олиши лозим. Уларни ташкил этишда барча омилларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Статистик маълумотларга кўра Хоразм вилоятида 2000 йилда жами ишловчилар сони 467,2 минг кишини ташкил қилган бўлиб, жами бандлар сонида қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони 187,2 минг кишини ташкил қилган, бу эса вилоятда жами иш билан бандларнинг 40 % ини ташкил қилади. 2006 йилда жами бандлар сони 538 минг кишига етди ва шундан қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони 201,2 минг кишини ташкил қилди, бу эса жами бандларнинг 37,1 % ини ташкил этади. 2010 йилга келиб жами иш билан бандлар сони 606,7 минг кишига етган бўлиб, бунда қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони 204,2 минг кишига етди, бу эса жами бандларнинг 33,7 % ини ташкил қилади (1.3.3-жадвал).

Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони¹¹*(минг. киши)*

Кўрсаткич	2000	2002	2004	2006	2008	2010
Жами вилоят бўйича ишловчилар сони	467,2	478,3	506,6	538	571,1	606,7
Шу жумладан:						
Қишлоқ хўжалигида бандлар сони	187,2	178,5	185,3	201,2	216	204,2
Қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар улуши, %	40,0	39,8	36,5	37,1	38,0	33,7

Мамлакатимизда фермер хўжаликларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг объектив зарурати бир қатор сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар таъсири билан белгиланади. Сиёсий омил - қишлоқ хўжалигида фаолият олиб бораётганларнинг сиёсий эркинлигини рўёбга чиқариш. Сиёсий эркинликни рўёбга чиқариш фермерларнинг ўз мулкига эга бўлишлари, ўз ишининг хўжайини бўлиши, ўз қарашларини эркин ифодалаши билан белгиланади. Ўз қарашларини эркин билдира оладиган, эркин ишбилармон эса самарали фаолият юрита олади ва мамлакатнинг иқтисодий қудратини ошира олади. Фермер хўжаликларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг иқтисодий омилларига энг аввало, мамлакатнинг озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш зарурати, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини иқтисодий самарали шаклда ташкил этиш киради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бозор талабларига мослаштириш, уларнинг иқтисодий эркинликларини кучайтириш зарурати ҳам фермерчиликни

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

ривожлантиришни объектив талаб қилади. Ижтимоий омилларга қишлоқ хўжалигида ишлаётганларнинг иқтисодий манфаатларининг юзага чиқиши, уларни ўзи хоҳлаган иш билан бандлигини таъминлашни яхшилаш кабилар фермерчиликни ривожлантиришга объектив таъсир кўрсатувчи омилларга киради.

Дехқон хўжаликларининг ташкилий асослари. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги корхоналарининг яна бир шакли деҳқон хўжаликларидир. Деҳқон хўжаликлари аҳолининг мустақилликка қадар мавжуд бўлган шахсий томарқа хўжаликлари ривожланиши натижасида уларнинг ўрнига вужудга келди. Улар 1990 – 2000 йиллар давомида 2,3 млн.тадан 3,3 млн.тага етди. 2006 йилга келиб деҳқон хўжаликларининг сони 4,6 млн. тадан ошиб кетди. 2001 йилнинг 1 январига бўлган маълумотга қараганда, мамлакатда 3322606 та деҳқон хўжалиги бўлиб, улар 522592 гектар ерга эга. Шулардан, 1798401 таси деҳқон хўжалиги сифатида қайта рўйхатдан ўтди, 800 мингдан зиёди юридик шахс сифатида шаклланди.

Деҳқон хўжалиги оила меҳнатига асосланган, асосан хонадон истеъмоли учун ва майда товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжаликлардир. “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган қонунининг 1-моддасида деҳқон хўжалигига қуйидагича таъриф берилган: “Деҳқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади”*.

Деҳқон хўжаликларининг фаолияти 1998 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни асосида олиб борилмоқда. Деҳқон хўжаликлари қонунда белгиланган тартибда юридик шахс мақомини олиши мумкин. Юридик шахс мақомини

* Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни. –Т.: Ўзбекистон, 1998. 3б.

олган деҳқон хўжалигида ишлаётганлар ихтиёрий равишда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги пенсия жамғармасига бадаллар тўлаб боришлари мумкин. Шундай ҳолларда пенсия жамғармасининг туман бўлимларида уларга меҳнат дафтарчаси белгиланган тартибда юритилади.

Деҳқон хўжаликлари қишлоқ аҳолисини ижтимоий фойдали меҳнатга ва тадбиркорликка жалб этиш ёрдамида қишлоқ жойлардаги (аҳоли уй хўжалигидаги) ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида ташкил этилмоқда. Деҳқон хўжаликлари аҳолининг иш билан бандлигини оширади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайишига олиб келади. Натижада, мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт салоҳиятини оширади ва озиқ-овқат хавфсизлини таъминлашда ижобий рол ўйнайди.

Деҳқон хўжалиги қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи кичик тадбиркорлик шаклларида бири сифатида бир қатор афзалликларга эга. Бу афзалликларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Ишлаб чиқариш ҳажмининг кичиклиги туфайли бозордаги талаб ва таклифнинг ўзгаришига нисбатан тез мослашади ҳамда кўп маблағ сарфламай, ўз фаолияти йўналишларини қайта ташкил эта олади;
2. Халқимизда қадимдан шаклланиш келаётган деҳқончилик маданиятини авлоддан-авлодга ўтказиш имконини беради;
3. Оила аъзолари меҳнатига таяниш уй бекалари, қариялар ва болалар меҳнатидан ҳам унумли фойдаланиш имконини яратади;
4. Хусусий мулк эгалиги ҳамда ернинг мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод эгаликка берилиши мулкдан (ердан) самарали фойдаланиш учун имкон беради;
5. Ёш авлод учун катта тарбия мактаби ролини ўйнайди.

Деҳқон хўжалигини давлат руйхатига олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш

тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 357- қарори ва шу қарор билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида низом”га мувофиқ амалга оширилади.

Дехқон хўжалигининг фаолияти хўжалик аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади. Дехқон хўжалигидаги муайян ишни бажаришга бошқа шахслар меҳнат шартномаси асосида вақтинча жалб этилиши мумкин. Қонунга мувофиқ товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун дехқон хўжалигида сарфланган иш вақти Ўзбекистон Республикаси Бюджетдан ташқари нафақа жамғармаси бадаллари тўлаб борилган тақдирда меҳнат стажига киритилади. Дехқон хўжалиги аъзолари дехқон хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятида шахсий меҳнати билан иштирок этиши шарт.

Дехқон хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотни реализация қилиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан ихтиёрийлик асосида хўжалик шартномалари тузиш ҳуқуқига эга. Дехқон хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотга бозордаги талаб ва таклиф нисбатидан келиб чиқиб мустақил равишда баҳо белгилайди.

Дехқон хўжаликлари ихтиёрийлик асосида, шу жумладан, улушли (пай) асосда маҳсулот етиштириш, харид қилиш, уни қайта ишлаш ва сотиш, моддий-техника таъминоти, қурилиш, техникавий, сув хўжалиги, ветеринария, агрокимё, маслаҳат бериш йўсинидаги ва бошқа хил хизмат кўрсатиш бўйича кооперативларга, жамиятларга, иттифоқларга, уюшмаларга ва бошқа бирлашмаларга бирлашиш, кириш ҳуқуқига эга.

Агарда фермер хўжаликлари асосан товар ишлаб чиқарувчи йирик қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳисобланса, дехқон хўжаликлари оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланиб, майда товар ишлаб чиқарувчи субъект саналади. Дехқон хўжалигида етиштирилган маҳсулот энг аввало оиланинг ўз эҳтиёжлари учун ишлатилади, оиладан ортган қисмигина сотилиши мумкин. Йирик хўжаликлар фойдалана олмайдиган

имкониятлардан, ресурслардан деҳқон хўжалиги самарали фойдаланади. Унинг яшовчанлиги ҳам шунда. Лекин, деҳқон хўжалиги йирик хўжаликлар эришган ютуқлар асосидагина ривожлана олади. Бунга жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, чорва молларининг сермахсул зотлари ёки ўсимлик турларининг янги, серҳосил навлари фан ва техника тараққиёти натижасида йирик корхоналарда вужудга келади. Демак, қишлоқ хўжалигининг келажаги ширкатлар ва фермер хўжаликлари, йирик давлат хўжаликлари ривожланиши билан (деҳқон хўжалигининг ютуқ ва имкониятларини камситмаган ҳолда) белгиланади.

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари. Тадбиркорлик фаолиятининг қишлоқ хўжалик соҳаларидаги шакли агробизнес кўринишида намоён бўлади. Агробизнес тушунчасига қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланувчи бизнес турлари ҳам киритилади. Бу қишлоқ хўжалигига техникавий, таъмирлаш хизмат кўрсатиш, унинг маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолиятидир. Қисқача қилиб шtgанда, агробизнес агросаноат интеграцияси натижасида вужудга келган агросаноат мажмуасининг барча бўғинларни қамраб олади.

Агробизнес фаолиятининг мақсади истеъмол бозорини етарли миқдорда сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, саноатни эса хом ашё билан узлуксиз таъминлаш орқали фойда кўришдан иборат.

Агробизнеснинг асосий шакли ва бирламчи бўғини **фермер ва деҳқон хўжаликларидир**. Чунки улар бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шлаб чиқаради. Бу хўжаликлар ўз ерида ёки ижарага олинган ерда иш юритиб, унда мулк эгаси ва ишлаб чиқарувчи фермернинг ўзи ва оила аъзолари ҳисобланиб, айрим ҳолларда ёлланма меҳнатдан фойдаланиш ҳам кин. Фермер хўжалигининг афзаллиги шундан иборатки, ундан мулк ва меҳнат бевосита қўшилади, бу эса юқори самарани таъминлайди. Фермер "аликлари мустақил тузилма бўлиш сабабли ўз фаолиятини бозор нъюнктурасига тез мослаштира олади. Унда иқтисодий манфаат ва пировард

натижа учун масъулият битта фаолиятнинг икки томонини ташкил қилади. уларнинг ҳаммаси фермер хўжалигининг яшовчанлигини таъминлайди.

Республикада ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичларидаёқ, Президентимиз Ислон Каримов фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асоси сифатида фаолият кўрсатиши лозимлигини таъкидлаб ўтган эди. Шу сабабли республикада қишлоқ хўжалигини фермерлаштириш аграр ислохотларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Республикада бу жараён зарар кўриб ишлаш натижасида оғир аҳволга тушиб қолган давлат хўжаликларининг таркиби фермер хўжаликларидан иборат ширкатлар уюшмасига айлантириш, мавжуд давлат ва жамоа хўжаликлари таркибида улар ресурслари ҳисобидан фермер хўжаликлари уюштириш ҳамда деҳқоннинг ўз мол-мулки негизидан бундай хўжаликларни деҳқон хўжалиги ташкил қилиш йўли билан боради. Фермер хўжалигининг барча ташкилий шакллариининг умумий томони шундаки, улар ижарага олинган давлат ерида фаолият кўрсатади. Фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил қилиш, ривожлантириш ва улар фаолиятини тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонунларга ҳамда қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган бошқа ҳукукий битимларга ва ҳукумат қарорларига асосланади.

Республикада фермер хўжаликлари самарали ишлаши учун зарур хизмат кўрсатувчи инфратузилма - агрофирмалар, машина - трактор парклари, таъмирлаш устахоналари, тайёрлов пунктлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналар тизими шаклланди.

Агробизнес турларидан бири агрофирмалардир. Улар маълум турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва уни пировард маҳсулот даражасигача қайта ишлашни қўшиб олиб борадиган корхоналардир.

Агрофирмалар ҳам қишлоқ хўжалиги, ҳам саноатга хос ресурсларни

ишлатиб, истеъмолга тайёр бўлган маҳсулот яратади. Мазкур турдаги корхоналар турли мулкчиликка асосланиши, чунончи оилавий хўжалик асосида ҳам ташкил топиб, кичик заводлар билан бирикиши мумкин.

Агросаноат бирлашмалари ва комбинатлари агробизнеснинг янги турларидир.

Агросаноат бирлашмалари бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва унга боғлиқ ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи бир неча хўжалик ҳамда корхоналарни бирлаштиради. Масалан, боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланувчи хўжаликлар, улар маҳсулотини қайта ишловчи цех ва заводлар, етказиб берувчи савдо-сотиқ корхоналари бир технологик жараёнга бирлашиб агросаноат бирлашмаларини ташкил қилади. Бирлашма иштирокчилари ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий мустақилликларини сақлаб қолиши билан бирга, уларнинг умумий мулки ҳам таркиб топиб боради.

Агросаноат комбинатлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб беришгача барча технологик жараёнга хизмат қилувчи хўжалик ва корхоналарнинг маълум бир ҳудудида оирлашувидир. Агробизнес турига кўнгилли ва пайчилик маблағлари асосида ташкил қилинган турли хил уюшма ва иттифоқларни ҳам киритиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигидаги давлат корхоналари, жамоа хўжаликлари ва ширкатлари, турли хил мулкчилик асосида ташкил қилинган кўшма корхоналар ҳам агробизнес турлари сифатида фаолият кўрсатади.

II БОБ. ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИК ВА БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Миллий иқтисодиётда тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришнинг жорий ҳолатини баҳолаш

Бозор ислохотларини чуқурлаштириш иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, хўжалик юритувчи субъектларларнинг ишлаб чиқариш фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирларининг амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодиётини изчил ва барқарор ривожланишига асос бўлди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилиши натижасида унинг иқтисодий кўрсаткичлари жаҳон мамлакатлари даражасига яқинлашиб бораётганлиги бу соҳага нисбатан эътиборнинг кучли эканлигидан, шарт-шароитларнинг мавжудлигидандир.

Маълумки, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатаётган корхоналарни хусусийлаштириш ва реструктуризациялаш ҳамда нодавлат юридик шахсларининг пайлари, фуқароларнинг шахсий жамғармалари ёки хорижий инвесторлар маблағлари ҳисобидан янги корхоналар ташкил этиш йўли билан барпо этилади. Мамлакатимизда кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг ривожланиши, энг аввало, қонунчилик соҳасида амалга оширилган ўзгаришлар билан боғлиқ. Шу билан бирга ушбу секторнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган омиллар ҳам мавжуд.

Кўплаб тадбиркорлар кичик ва ўрта корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш билан боғлиқ муаммоларнинг тўла ва самарали ҳал этилмаганлигини таъкидлайдилар. Гарчи кейинги йилларда кичик ва ўрта корхоналарини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш соҳасида сезиларли ижобий натижаларга эришилган бўлса-да, айрим бюрократик тўсиқлар мазкур сектор ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг молиялаштириш кўплаб мамлакатларда, айниқса бозор муносабатига ўтаётган мамлакатларда долзарб муаммолардан ҳисобланади, чунки етарли миқдорда пул маблағларига эга бўлиш нафақат кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг асоси, балки уларнинг бозор шароитида яшовчанлигини таъминловчи муҳим шарт ҳисобланади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Шу ўринда республикамизда кичик ва хусусий тадбиркорликни кредитлашнинг қонуний асослари яратилганлигини таъкидлаш лозим. Якка тартибда ишловчи тадбиркорлар, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришда микрокредитлаш тизимининг қонуний асослари яратилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Микрокредитларни бериш банкларнинг ўз шахсий маблағлари, бюджетдан ташқари фондларнинг (Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди, Меҳнат вазирлиги ҳузуридаги бандликни таъминлашга ёрдам бериш фонди, Дехқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш фонди) кредит тармоқлари ҳисобига, шунингдек, республика тижорат банкларида очилаётган халқаро ташкилотларнинг кредит тармоқлари орқали амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда эркин фаолият учун яратилган қулай шарт-шароитлар натижасида мамлакатимиздаги кичик бизнес корхоналари ривожланиб, уларнинг сони ва салмоғи ўсиб бормоқда.

Олиб борилган тадқиқотларимизга кўра кейинги йилларда вилоят иқтисодиёти тармоқларида кичик бизнеснинг улуши ошиб бораётганлигини кўришиз мумкин, баъзи тармоқларда баъзи йилларда бирмунча пасайишни ҳам кузатишимиз мумкин. Буни қуйидаги 2.1.1-жадвалда яққол кўришимиз мумкин. 2007 йилда КБХТ нинг саноатдаги улуши 23,7 фоизни ташкил қилган, 2009 йилда 26,4 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилга келиб 32,7 фоизни ташкил қилди. КБХТ нинг саноатдаги улуши 2011

йилда 2007 йилга нисбатан 9 фоизга ўсганини кўришимиз мумкин.

2.1.1-жадвал

Хоразм вилояти иқтисодиёти тармоқларидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг ўзгариши

фоизда

Тармоқлар	Йиллар				
	2007	2008	2009	2010	2011
Саноат	23,7	23,6	26,4	30	32,7
Қишлоқ хўжалиги	98,8	99,3	99,3	100	96,6
Чакана товар айирбошлаш	42	43,9	47,3	49,3	42,7
Пуллик хизмат кўрсатиш	68,5	65,5	66,9	64,7	63,7

КБХТ нинг вилоятимиз қишлоқ хўжалигидаги улушини кўрадиган бўлсак бир мунча ўзгаришларни (ўсиш ва камайиш) кўришимиз мумкин. 2007 йилда 98,8 фоизни ташкил қилган, 2009 йилда 99,3 фоизни ташкил қилган бўлиб, бунда 2007 йилга нисбатан 0,5 фоиз ўсиш кузатилган. 2011 йилга келиб КХБТ нинг қишлоқ хўжалигидаги улуши 96,6 фоизни ташкил қилди ва 2009 йилга нисбатан 2,7 фоиз камайиш кузатилган.

Пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида КБХТ нинг улуши кейинги йиллардаги улушида камайиш кузатилди, яъни 2007 йилда КБХТнинг хизмат кўрсатиш соҳасида улуши 68,5 фоизни ташкил қилган бўлса, 2009 йилга келиб 66,9 фоизни ташкил қилди. Бу кўрсаткич 2011 йилда эса 63,7 фоизни ташкил қилди. Йиллар бўйича солиштирадиган бўлсак 2011 йилда 2007 йилга нисбатан 4,8 фоиз камайиш кузатилган.

Кичик бизнесни ривожлантириш орқали аҳоли бандлик даражасини ошириш муаммоси ҳам ҳал этиб борилади. Тадбиркорлар ўз даромадларини ошириш билан бирга жамият аъзоларининг ҳам даромад билан таъминланишига моддий негиз яратадилар.

Умуман олганда, республика ва унинг алоҳида ҳудудлари бўйича иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳоли сони ортмоқда (2.1.2-жадвал).

2.1.2-жадвал маълумотларининг таҳлили Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳоли сони 2551,7 минг кишидан 2779,8 минг кишига ёки 8,9 фоизга ўсган. Кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан банд аҳоли сони 2094,3 минг кишидан 2338,4 минг кишига етди ёки 11,6 фоизга ўсди. Бундай тенденция республиканинг барча ҳудудларида ҳам кузатилган.

2.1.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт тармоқларида, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан бандлар сони динамикаси¹² (минг киши ҳисобида)

Ҳудудлар	Иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳоли сони			Кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан банд аҳоли сони		
	2007 й	2011 й	2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, %	2007 й	2011 й	2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, %
Қорақалпоғистон Республикаси	145,9	160,1	109,7	104,1	109,7	105,3
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	176,4	207,5	117,6	197,3	209,7	106,2
Бухоро	161,5	165,6	102,5	140,8	144,0	102,2
Жиззах	68,2	80,6	118,1	84,7	100,8	119,0
Қашқадарё	201,5	231,4	114,8	149,3	172,6	115,6
Навоий	150,6	165,4	109,8	56,6	59,4	104,9
Наманган	160,5	171,8	107,0	148,9	142,6	95,7
Самарқанд	228,1	228,7	100,2	218,9	250,7	114,5
Сирдарё	58,6	68,7	117,2	72,6	93,9	129,3
Сурхондарё	140,3	162,8	116,0	175,4	193,6	110,3
Тошкент	256,4	274,4	107,0	191,1	206,4	108,0
Фарғона	266,8	299,8	112,3	222,0	286,8	129,1
Хоразм	118,6	125,2	105,5	161,2	146,7	91,0
Тошкент ш.	418,0	437,6	104,6	171,1	221,5	129,4
Республика бўйича	2551,7	2779,8	108,9	2094,3	2338,4	111,6


Аҳоли бандлиги таркибида ҳам муҳим ижобий ўзгаришлар

¹² Президент И.А.Каримовнинг “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.

таъминланди. Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида иш билан банд бўлганларнинг 60 фоизи давлат сектори ҳиссасига тўғри келган бўлса, бугунги кунга келиб (2011 йил) мазкур секторда умумий иш билан банд аҳолининг 20 фоиздан кўпроғи меҳнат қилмоқда.

Кичик бизнесни тадбиркорликни ривожлантиришдаги яна бир муҳим масала бу ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улушини оширишдир. Мамлакатимиздаги кичик бизнесни ЯИМ ҳажмидаги улуши йиллар давомида барқарор суръатларда ўсиб бормоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига давлат томонидан катта эътибор берилиши ҳамда қўллаб-қувватланиши натижасида унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 48,2 фоизни, 2009 йилда 50,1 фоизни, 2010 йилда 52,5 фоизни, 2011 йилда эса 54 фоизни ташкил этди ёки 2000 йилга нисбатан 23 фоизга ўсди (2.1.1-расм).



2.1.1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши¹³.

Ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши 60-70 фоизни ташкил этади. Кичик бизнесда иш билан банд бўлган аҳолининг 70-80 фоизи меҳнат қилади. Ўзбекистон Республикасида

¹³ Президент И.А.Каримовнинг “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.

истикболда кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини бунданда ошириш мақсад қилиб қўйилган.

Хорижий мамлакатларнинг кўрсаткичларига Ўзбекистондаги кичик корхоналарнинг эришган кўрсаткичларини таққосласак умумий бандликдаги улушда яхши натижаларга эришилган бўлсада ЯИМдаги улуш таққосланган давлатларнинг барчасидан энг паст (38,2) даражасини кўрсатмоқда. Бу эса мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида улкан ютуқлар қўлга киритилаётганига қарамасдан, яратилган имкониятлардан ҳали тўлиқ фойдаланилмаётган жиҳатлар мавжудлигидан далолат беради. Айтайлик Ўзбекистонда аҳолининг ҳар 1000 кишисига 11,2 бирлик кичик бизнес корхонаси тўғри келса, Европа Иттифоқи давлатларида аҳолининг ҳар 1000 кишисига 37-46 бирлик кичик корхона тўғри келади. Демак, республикаимизда корхоналар сонининг ўсишига қарамай ҳали уларнинг етарли даражасига эришилмаганини кўриш мумкин. Бу эса ҳали бу соҳада ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг мавжудлиги билан изоҳланади.

Аграр соҳада кичик тадбиркорликнинг самарали ривожланиши йиллар давомида республикада вужудга келган муаммоларни бартараф этиш имконини берди ва бугунда фермер ва деҳқон хўжаликлари қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг деярли 90,0 фоизини ишлаб чиқаришга эришилди.

Агар кичик бизнес корхоналарининг ривожланиш ҳолатини ҳудудлар бўйича таҳлил этсак, алоҳида ҳудудларда ҳали ҳал этилиши зарур бўлган жиҳатлар мавжуд.

Хоразм вилоятида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар бўйича маълумотларни юқоридаги 2.1.3-жадвалда кўришимиз мумкин. 2011 йилнинг 1 январ ҳолатига Хоразм вилоятида иқтисодиётнинг барча тармоқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони 34403 тага етди, шу жумладан, фаолият кўрсатаётганлар сони 30429 тани яъни 88,0 фоизни ташкил қилди. Хоразм вилоятининг туманлари кесимида кўрадиган бўлсак, бу корхоналарнинг энг кўпи Урганч шаҳри ҳиссасига

тўғри келади (3769 та, шу жумладан фаолият кўрсатаётгани 3005 та), кейинги ўринда Хива тумани туради (3529 та, шу жумладан фаолият кўрсатаётгани 2878 та), кейинги ўринда Урганч тумани туради (3339 та, шу жумладан фаолият кўрсатаётгани 2997 та) ва энг охирги ўринларда Боғот ва Янгибозор туманлари туради, уларда мос равишда Боғот туманида 2530 та (фаолият юритаётгани 2077 та), Янгибозор туманида эса 2226 та (фаолият юритаётгани 2079 та) ни ташкил этади.

2.1.3-жадвал
Хоразм вилояти туманларида кичик бизнес корхоналар сони ўзгариши¹⁴
(бирликда)

Шаҳар ва туманлар	2009 йил	Шу жумладан		2011 йил		2011 йил
	1 январига рўйхатга олинган	Кичик корхона	Микро фирмалар	1 январига рўйхатга олинган	Фаолият юритаётган корхоналар	2009 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Боғот т.	2430	320	1947	2530	2077	104,1
Гурлан т.	3057	205	2679	3100	2720	101,4
Кўшкўпир т.	3035	267	2580	3157	2821	104,0
Урганч т.	3180	140	2848	3339	2997	105,0
Хазорасп т.	3008	252	2493	3034	2892	100,9
Хонқа т.	3258	140	2955	3333	3137	102,3
Хива т.	3337	214	2864	3529	2878	105,8
Шовот т.	3261	212	2843	3442	3217	105,6
Янгиариқ т.	2800	185	2487	2944	2606	105,1
Янгибозор т.	2183	265	1807	2226	2079	102,0
Урганч ш.	3707	257	2800	3769	3005	101,7
Жами:	30826	2457	28303	34403	30429	111,6

2.1.3-жадвалга мувофиқ 2011 йил 1 январ ҳолатига рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналари сонини 2009 йил 1 январ ҳолатига таққослайдиган бўлсак, ҳар бир туман бўйича ўсишни кузатишимиз мумкин.

Жами рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналар сонининг ўсиши 11,6 фоизни ташкил этади, ўсиш кўрсаткичлари бўйича юқори ўсиш суръатларини Хива туманида 5,8 фоиз ўсиш, Шовот туманида 5,6 фоиз ўсиш,

Янгиариқ туманида 5,1 фоиз ўсишни кузатишимиз мумкин, шунингдек, паст суръатлар билан ўсишни Хазорасп туманида 0,9 фоиз ўсишни, Гурлан тумани бўйича 1,4 фоиз ўсишни кузатишимиз мумкин.

Вилоят қишлоқ хўжалигининг самарали фаолият юритаётганлигини унда яратилаётган ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажми ва унинг қайси хўжалик тоифалари бўйича яратилаётгани муҳим аҳамият касб этади. Хоразм вилоятида яратилаётган ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ишлаб чиқарилишида деҳқон хўжаликлари, фермер хўжаликлар ва қишлоқ хўжалиги корхоналари асосий ўринни эгаллайди.

Кейинги йилларда Хоразм вилоятида ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулот келтирилган иқтисодий кўрсаткичлар таҳлилидаги ҳар бир иқтисодий минтақанинг улуши ҳудудлардаги яратилган шароит ва ундан фойдаланиш қобилияти асосон ҳар хил динамик ҳолатда бормоқда. Буни хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, 2007 йилда яратилган жами ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 63,5 фоизи деҳқон хўжаликларида, 1 фоизи қишлоқ хўжалик корхоналарида ва 35,5 фоизи фермер хўжаликларида яратилган. Бу кўрсаткичларни 2009 йилга нисбатан таҳлил қиладиган бўлсак 69,2 фоизи деҳқон хўжаликларида, 1,1 фоизи қишлоқ хўжалик корхоналарида ва 29,7 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 69,4 фоизи деҳқон хўжаликларида, 1,3 фоизи қишлоқ хўжалик корхоналарида ва 29,3 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келганини кўришимиз мумкин (2.1.4-жадвал).

Вилоятда кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларни кредит билан таъминлаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга ошириляпти.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган қарорларнинг амалиётга кенг татбиқ этилиши туфайли фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони жадал суръатларда ошиб, уларнинг иқтисодий кўрсаткичларида ҳам ижобий ўзгаришлар юз бермоқда.

2.1.4-жадвал

Хоразм вилоятида хўжалик тоифалари бўйича ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши (% ҳисобида)¹⁵

Йиллар	Хўжаликлар		
	Дехқон хўжаликлари	Қишлоқ хўжалик корхоналари	Фермер хўжаликлари
2007	63,5	1	35,5
2008	71	1,1	27,9
2009	69,2	1,1	29,7
2010	66,8	1,3	31,9
2011	69,4	1,3	29,3

Жумладан, уларнинг сони Хоразм вилоятида кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг тармоқлар таркиби бўйича таҳлили кўрсатишича, кичик тадбиркорлик субъектларининг тармоқлар ўртасида тақсимланишида номуносибликлар борлигини кузатишимиз мумкин. Саноат корхоналари сони 2009 йилда 2004 йилга нисбатан 1,2 мартага ортган ҳолда иқтисодиётдаги улуши 0,2 мартага камайган, шунингдек, савдо ва маиший хизмат (0,7), уй-жой коммунал хўжалиги (0,7), таълим соҳалари (0,9) нинг тармоқдаги улуши пасайиб кетганлигини кўриш мумкин. Вилоятда қурилиш (1,0), қишлоқ хўжалиги (1,1) ва транспорт (2,3), соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий таъминот (1,2) тармоқларида кейинги беш йил ичида иқтисодиёт тармоқлари бўйича улуши ошган, (2.1.5-жадвал).

Фикримизча, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонининг тармоқдаги улушининг соҳалар бўйича ўзгариши қуйидаги омилларга боғлиқ:

- вилоятдаги мавжуд маҳаллий ресурслардан келиб чиққан ҳолда тармоқлар бўйича ихтисослашувига;

- минтақадаги тармоқлар бўйича талаб ва таклифга таъсир қилувчи омилларга;
- вилоят туманларидаги демографик ҳолатга;
- кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур бўлган ресурслар таркибига;
- замонавий технологияларнинг жорий қилиниш даражасига.

2.1.5-жадвал

Хоразм вилояти иқтисодиётида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сони ва тармоқлар бўйича улушининг ўзгариши¹⁶.

Иқтисодиёт тармоқлари	2004 й.	Тармоқ - ларнинг улуши, %	2009 й.	Тармоқ- ларнинг улуши, %	2009 йилда 2004 йилга нисбатан ўзгариш, %	Тармоқлар улушининг 2009 йилда 2004 йилга нисбатан ўзгариши, марта
Саноат	1634	3,7	2304	2,9	141,0	0,8
Қурилиш	1446	3,3	2597	3,3	179,6	1,0
Қишлоқ хўжалиги	33881	76,5	63439	80,8	187,2	1,1
Транспорт ва алоқа	197	0,4	730	0,9	370,6	2,3
Савдо ва маиший хизмат	5936	13,4	7715	9,8	130,0	0,7
Уй –жой коммунал хўжалиги	347	0,8	450	0,6	129,7	0,7
Соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий таъминот	224	0,5	488	0,6	217,9	1,2
Таълим соҳаси	59	0,1	72	0,1	122,0	0,9
Бошқалар	571	1,3	757	1,0	132,6	0,7

Фикримизча, озиқ-овқат саноатида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш агросаноат мажмуининг бошқа тармоқларини ривожлантиришга асос бўлади ва йирик қайта ишловчи саноат корхоналари улушининг камайишини тармоқ бўйича тўлдириш имконияти пайдо бўлади. Шунингдек, кишлоқда иш қидириб юрган ёшлар ва аёлларнинг иш билан бандлигини оширади.

¹⁶ Хоразм вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

2.2. Қишлоқ жойларида инвестицион жозибадорликни ошириш орқали тадбиркорлик ва бизнесни қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини таъминлаш тизимининг асосий бўғини бўлиб инвестицияларни жалб этиш ҳисобланади. Ваҳоланки, хориж тажрибаси кўрсатишича, аграр тармоқни барқарор ривожлантиришнинг асосини инвестицион жараёнларни такомиллаштириш ва жозибадорлигини оширишни ташкил этади. Шу нуқтаи назардан ҳам, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари, тутган ўрни ва мавжуд табиий-ташкилий-иқтисодий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда тармоққа инвестицияларни кенг жалб этиш амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш босқичида муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бироқ, қишлоқ хўжалигининг дастлабки босқичларида камдаромадлилиги, ишлаб чиқариш жараёнига боғлиқ бўлган хатарларнинг юқорилиги, инвестицияларни жалб этишнинг бозор тамойилларига мос, мукамал механизмларининг шаклланмаганлиги сабабли аграр тармоқнинг инвестицион жозибадорлиги пастлигича қолмоқда. Шунингдек, давлат томонидан инвестицияларни жалб этиш хажмининг қисқариб бориши. Масалан, Хоразм вилоятида 2009 йилда иқтисодиётга жалб қилинган жами инвестицияларнинг атиги 0,4 фоизи, 2011 йилда жалб қилинган инвестицияларнинг 1,1 фоизигина қишлоқ хўжалиги улушига тўғри келади.

Аграр иқтисодиётининг устувор соҳаларига маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали, янги ишчи ўринларини яратиш, ҳар бир ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги тармоғини ўсишини таъминлаш ва аграр тармоқ экспорт имкониятларини ишлаб чиқариш соҳасига янги технологиялар киргизиш орқали амалга ошириш муҳим иқтисодий тадбир ҳисобланади. Бу эса, ҳудуднинг инвестицион салоҳиятини ўрганиш мақсадида қуйидаги ишларни амалга оширилишини тақозо этади:

-мавжуд демографик, минерал, хом-ашё ер сув ресурслари ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини таҳлил қилиш;

-2006-2011 йиллар давомида амалга оширилиши мумкин бўлган инвестицион лойиҳалар портфели асосида ҳудудни инвестицион сиғимини аниқлаш;

-корпорациялар, концернлар, турли шаклдаги корхоналар, фермер хўжаликларининг хорижий инвестицияларга бўлган истикболдаги эҳтиёжларини ўрганиш;

-кичик фермер ва деҳқон хўжаликларининг инвестицион лойиҳаларини ўрганиб чиқиш;

-вилоят қишлоқ хўжалиги корхоналарининг импортга бўлган талаби ўрганиб чиқилиб, импорт ўрнини босувчи лойиҳаларни ишлаб чиқиш.

Инвестицияларни жалб этишдаги бундай салбий ҳолатлар аграр тармоқни ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва пировардида барқарор ривожлантиришга эришишига тўсқинлик қилмоқда.

Ушбу жараёнларни ижобий ҳал этишда, авваламбор тармоқлараро инвестициялаш таркибини такомиллаштириш, аграр соҳага ажратиладиган инвестициялар миқдорини ошириш талаб этилади. Бу эса, молиявий, кредит, товар ва лизинг инвестицияларини аграр тармоқнинг етакчи ва асосий бўғинлари ҳисобланган агротехнологик жараёнларни такомиллаштириш, моддий-техника ресурслари таъминотини кўпайтириш ва инвестицияларни иновацион ишлаб чиқаришга йўналтиришни талаб этади. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни механизация даражасининг пасайиб кетаётганлиги сабабли, аграр тармоқда амалга ошириладиган инвестиция сиёсати қўл меҳнати улушини қисқартиришга қаратилмоғи лозим. Шунинг учун ҳам инвестицияларни жалб этишдаги устуворлик қишлоқ хўжалигида механизациялаштириш даражасини ошириш, замонавий технологияларни жорий этишга берилиши керак.

Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигининг суғорма деҳқончилиikka асосланганлигидан келиб чиққан ҳолда, сув ресурсларидан самарали фойдаланишга йўналтирилаётган инвестициялар бевосита атроф-муҳитни ҳимоя қилиш муаммоларини етарли даражада ўзида акс эттирмайди. Пировардида эса, атроф-муҳитнинг бузилишига олиб келиш ҳолатлари содир

бўлмоқда. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида инвестиция сиёсатини амалга оширишда авваламбор, ер-сув, моддий-техника ва технологик ресурслар, иқтисодий ва экологик омилларни ўзаро мутаносиблигини таъминлайдиган инвестицион лойиҳалар ишлаб чиқилиши ва уларнинг молиялаштирилиши амалга оширилмоғи лозим.

Аграр тармоқни ҳозирги ривожланиш босқичида сақланиб келаётган табиий-иқтисодий номутаносибликлар, фермер хўжаликларини устувор ривожланишини таъминлашда инвестицион жараёнларни ташкил этишга янгича ёндашувни талаб этади. Чунки, фермер хўжаликларининг дастлабки шаклланиш ва ривожланиш босқичида уларнинг ички фаолиятидаги амалий тажриба, маблағ етишмаслиги, ер ресурсларининг унумдорлигини ошириш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишда имкониятларининг чекланганлиги сабабли, авваламбор, давлат томонидан амалга ошириладиган инвестиция сиёсатини такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқаради. Шунингдек, ташқи жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этишда яратилган қулай инвестицион муҳитнинг яратилганлигига қарамай, аграр тармоқда уларнинг улуши пастлигича қолмоқда.

2.2.1-жадвал

Хоразм вилояти иқтисодиётига жалб қилинган инвестицияларнинг тармоқлари бўйича тақсимланиши¹⁷, фоизда

Тармоқлар	Йиллар		
	2009	2010	2011
Саноат	22,8	18,2	6,1
Қишлоқ	0,4	0,7	1,1
Транспорт ва алоқа	5,7	64,1	88,1
Қурилиш	36,6	4,5	0,8
бошқалар	34,5	12,5	3,9

Хоразм вилояти иқтисодиётига жалб қилинган инвестицияларнинг тармоқлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, 2009 йилда иқтисодиётга жалб қилинган инвестицияларнинг 22,8 фоизи саноатга, 0,4 фоизи қишлоқ

хўжалигига, 5,7 фоизи транспорт ва алоқа тармоғига, 36,6 фоизи қурилишга ва 34,5 фоизи қолган бошқа тармоқларга йўналтирилган. Бу кўрсаткичларни 2011 йил бўйича таҳлил қиладиган бўлсак 6,1 фоизи саноатга, 1,1 фоизи қишлоқ хўжалигига, 88,1 фоизи транспорт ва алоқа тармоғига, 0,8 фоизи қурилишга ва 3,9 фоизи бошқа тармоқларга жалб қилинган (2.2.1-жадвал).

Қишлоқ хўжалигида инвестицион жараёнлардаги мавжуд камчиликлар ва муаммоларни ҳал этиш учун кенг қамровли чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилиши лозим.

Инвестиция фаоллиги ва унинг самарадорлигини ошириш учун юқорида таъкидлаб ўтилган чора-тадбирлар, авваламбор, иқтисодий, ижтимоий ва экологик башоратларга асосланмоғи лозим.

Чунки аграр тармоқда инвестицияларни жалб этишдан юқори самарага эришишда нафақат иқтисодий балки, ижтимоий ва экологик жиҳатлари ҳам муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқиладиган инвестиция дастурлари ва лойиҳалари иқтисодий-ижтимоий ва экологик йўналтирилган бўлмоғи лозим.

Пировардида қишлоқ хўжалигига жалб этиладиган инвестициялар нафақат тармоқда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, барқарор ривожланишига эришиш, балки, экологик жиҳатдан тоза ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, аграр тармоқ экспорт салоҳиятини оширишга, ички ва ташқи бозорни сифатли ва ракобатбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдиришга ҳамда атроф муҳитни яхшилашга олиб келади. Шундай қилиб, келажакда аграр соҳада инвестицион сиёсатни белгиловчи хусусиятлар ва омиллар бевосита миқдор кўрсаткичларидан сифат кўрсаткичларига ўтиши, яъни, юқори самара берадиган ва устувор аҳамиятга эга бўлган йўналишларига инвестицияларни жалб этиш ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигининг бугунги мавжуд инвестицион фаоллиги ва жозибадорлигини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

-аграр тармоқда инвестицияларни жалб этишнинг устувор йўналишларини реал шароитлардан келиб чиққан ҳолда аниқлаш;

-инвестицион жараёни илмий ва амалий асосланган баҳолар тизими билан таъминлаш;

-имтиёзли кредит, солиқ ва амортизация сиёсатини амалга ошириш;

-лизинг муносабатларини такомиллаштириш ва ундан фойдаланиш учун кулай ташкилий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш;

-худудлар даражасида қишлоқ хўжалигининг ўзига хос реал хусусиятларини тўлиқ инобатга олган ҳолда лойиҳалар ишлаб чиқишни амалга ошириш;

-корхоналар, жумладан, фермер хўжаликлари даражасида фаолиятни ташкил этишда бизнес режалар ишлаб чиқишни такомиллаштириш ва унда инвестиция фаолиятини асослаш ҳамда молиялаштириш манбаларини аниқлаш кабилар.

2.2.2-жадвал

Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажмининг ўсиши¹⁸

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			
		2008	2009	2010	2011
Қишлоқ хўжалигининг ЯХМдаги улуши	%	39,3	37,2	35,9	35,9
Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти	млн.сўм	678770,4	774826	989744,2	1181911,1
Ўтган йилга нисбатан %	%	102,8	106,1	105	101,8
Шу жумладан		317455,2	374843,5	514968,3	571187,6
деҳқончилик	млн сўм				
Ўтган йилга нисбатан %	%	99,2	107,2	103,3	98,3
Шу жумладан	млн.сўм	361315,2	399982,5	474775,9	610723,5
чорвачилик					
Ўтган йилга нисбатан %	%	106,6	105,2	106,5	105,6

Кейинги йилларда Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларга алоҳида эътибор бериш ва енгилликлар яратилганлиги туфайли, қишлоқ инфратузилмасини яхшилашга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Жумладан, 2008 йилда қишлоқ

хўжалиги ялпи маҳсулоти 678770,4 млн.сўмни ташкил қилди, 2009 йилда 774826 млн.сўмни, 2010 йилда 989744,2 млн.сўмни ва 2011 йилга келиб 1181911,1 млн.сўмни ташкил қилди. Мазкур йилларда яратилган қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг таркибий жиҳатдан ўрганиб чиқсак, 2008 йилда яратилган 678770,4 млн.сўмлик қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 317455,2 млн.сўмга тенг қисми деҳқончилик соҳасида яратилган, қолган 361315,2 млн.сўмга тенг қисми эса чорвачиликда яратилган. 2009 йилда мос равишда 374843,5 млн. сўмлик қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти деҳқончиликда яратилган бўлса, 399982,5 млн.сўм қисми чорвачиликда яратилган. 2010 йилда яратилган қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 514968,3 млн.сўмлик қисми деҳқончиликда яратилган бўлса, 474775,9 млн.сўмлик қисми чорвачиликда яратилди, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич мос равишда 571187,6 млн.сўмлик қисми деҳқончиликда яратилди ва қолган 610723,5 млн.сўмлик қисми чорвачиликда яратилди.

Қишлоқ хўжалигида ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодий асосларини яратиш, авваломбор тармоқда инвестиция фаоллигини ошириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда мамлакат иқтисодиёти реал секторлари ичида қишлоқ хўжалиги энг кам инвестиция жалб этилаётган соҳа бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида инвестиция фаоллигини оширишнинг ички ва ташқи омиллари, заҳиралари, салоҳияти ва имкониятларини талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносиблигини аниқлаш муҳим иқтисодий тадбирлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Хоразм вилоятида инвестиция фаоллигини оширишдаги асосий имконият унинг қишлоқ хўжалиги экинлари майдонининг кескин камайиб кетмаслиги, бугунги кунда шаклланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун барча шарт шароитларнинг мавжудлигидир. Шунингдек, инвестиция фаоллигини оширишда муҳим омил бўлиб, келажакда фермер хўжаликларининг устувор ривожланишини таъминлаш ҳисобланади. Вилоятда ширкат хўжаликларини 2010 йилга бориб, батамом тугатиш башорат қилинмоқда. Бунинг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари

мавжуд бўлиб, энг асосийси қишлоқ хўжалигида хусусий мулкка асосланган хўжалик шакллари асосий қишлоқ хўжалиги субъектига айланишидир.

Инвестиция фаоллигини оширишда келажакда, деҳқон ва фермер хўжаликларининг устувор ривожланиши энг асосий омил ҳисобланади. Чунки бу ерда бозор тамойилларига мос инвестор – инвестициядан фойдаланувчининг ўзаро манфаатлари тўлиқ мос келадиган инвестиция муҳити шаклланади. Шунингдек, инвестицияга бўлган талаб субъект – деҳқон – фермер хўжаликлари ҳар томонлама инвесторлар талабига жавоб берадиган субъектлар бўлиб, бир томондан улар доимо инвестиция маблағларига эҳтиёж сезсалар, иккинчидан эса инвесторлар маблағларини жалб этиш орқали даромад олишларининг муҳим манбаи ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан ҳам инвестиция фаоллигини оширишда Хоразм вилоятида деҳқон ва фермер хўжаликларини келажакда ривожланиш истиқболлари башоратидан келиб чиққан ҳолда уларни инвестиция маблағларига доимий равишда талабларини ўсиб боришларини таъкидлаган ҳолда уларнинг барқарор ривожланиши ҳам аксарият жиҳатдан инвестиция фаоллигини оширишга боғлиқ бўлади.

Шунингдек, инвестиция фаоллигини оширишнинг хўжаликларнинг ички салоҳияти, имкониятлари ва инвестицияларга бўлган талаб даражасининг ҳолатини ўрганиш асосида, уларнинг ташқи омиллар билан қай даражада ўзаро мутаносиблиги ёки мос келишини таққослаш мумкин. Қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган хўжаликлар, хусусан фермер хўжаликлари фаолиятининг ривожланганлик даражасига кўра турлича бўлиб, уларни 3 тоифага бўлиш мумкин. Яъни;

Биринчи тоифа, янги ташкил этилган хўжаликни мустақил бирламчи бошқариш ва унинг фаолиятини мустаҳкамлаш жараёнини бошидан кечираётган моддий-молиявий ресурсларга мухтож фермерлар.

Иккинчи тоифага-маълум даражада амалий тажрибага эга бўлган ва молиявий натижаларга кўра фойда олиш ҳамда ўртача рентабелikka даражасига эришган, бироқ, ўзини-ўзи инвестиция билан таъминлаш имкониятига эга бўлмаган фермерлар.

Учинчи тоифадагилар илғор фан-техника ютуқларидан кенг

фойдаланган ҳолда, интенсив ривожланишга эришган, зарур моддий техника воситаларига эга бўлган, бозорга сифатли ва экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қайта ишлашни қисман йўлга қўйган ички ва хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича амалий тажрибага эга бўлган, ўзини-ўзи ички ресурслар ҳисобига асосан молиявий маблағлар балан таъминлаш имкониятига эга бўлган хўжаликлар.

Хоразм вилоятида фаолият юритаётган фермерларнинг асосий қисмини 1 ва 2 тоифага киритиш мумкин. Бу эса инвестиция жараёнларни ривожлантириш устувор вазифа эканлигини кўрсатмоқда. Инвестиция фаоллигини ошириш стратегияси ана шу иккита турли тоифага кирувчи хўжаликларни ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда амалга оширилмоғи керак. Биринчидан, фермер хўжаликларини ресурслар бозорига жалб этиш ва даромадли фаолият соҳасини ривожлантириш орқали инвестиция фаоллигини оширишнинг иқтисодий стратегиясини шакллантириш, иккинчидан эса, янги ташкил этилган амалий тажриба ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ички ресурслари чекланганлиги ёки эга бўлмаган фермерларни қўллаб-қувватлаш учун мақсадли инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш.

Ушбу иккала устуворликни амалиётда қўллашда юқорида таъкидланган фермер хўжаликларининг тоифалари нуқтаи назаридан табақавий ёндашув талаб этилади. Қишлоқ хўжалигида бизнинг фикримизча инвестиция фаоллигини оширишда, даставвал бевосита тармоқда ва хўжаликларда мавжуд бўлган маҳаллий ресурсларни жалб этишга устуворлик берилмоғи лозим. Жумладан:

- **инсон капитали:** илм, малака, ишлаш қобилияти ва соғлиги, ўзининг фуқаролик бурчи, иқтисодий ва агротехнологик билимларга эга бўлиши;
- **ижтимоий капитал:** атрофдагилар билан бевосита ва билвосита ижтимоий алоқалар ва ўзаро муносабатлар, ўзгаришларга кўникиш қобилияти ва маъсулияти;
- **табiiй капитал:** табiiй ресурслар, шу жумладан, ер, сув ва атроф муҳит, яъни, улар тақдим этадиган имкониятлар;

- **жисмоний капитал:** хўжаликларда етиштириладиган маҳсулотлар ва мавжуд ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектлари;
- **молиявий капитал:** турли кўринишдаги молиявий ресурслар (пул, акциялар, қимматли қоғозлар).

Қишлоқ хўжалигида, асосий устувор ривожланишга эга бўлган фермер хўжаликларининг асосий қисмини давлат буюртмасини бажариш, уларни пахта, ғалла каби асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришларини молиявий маблағлар билан қисман таъминлаш имкониятини берсада, кенг қамровли фаолиятини ташкил этиш, моддий шарт-шароитини яхшилашлари учун кўшимча даромад манбаи яратишлари учун инвестицияларнинг етишмаслигини бошидан кечирмокда. Бунинг ўзига хос сабабларидан бири, республика миқёсида молиявий маблағларнинг тақчиллиги бўлса, бошқа томондан эса, бевосита фермер хўжаликларининг молиявий ресурсларидан фойдаланишларининг даражасини пастлигидир.

Ушбу муаммони ҳал этишнинг йўлларида бири – бу қишлоқ жойларида микромолиялаш ташкилотларини ташкил этиш ва уларни ривожлантириш, кўллаб-қувватлашдир. Ушбу йўналишда республикада маълум даражада тадбирлар амалга ошираётганлигига қарамай, фермер хўжаликларининг сонини кескин кўпайиши шароитида улар етарли эмас. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида инвестиция фаоллигини оширишда, бугунги фермер хўжаликларининг мавжуд ҳолатида микромолиялаш ташкилотлари муҳим рол ўйнайди. Ваҳоланки, микромолиялаш ташкилотлари нафақат фермер хўжаликларини ривожланишига ва бюджет ва хусусий инвестицияларни жалб қилишнинг таъсирчан шакли бўлиш билан бир каторда, фермер хўжаликларини жалб этилаётган инвестициялардан мақсадли ва самарали фойдаланишни назорат қилишни бозор тамойилларига мос механизмини вужудга келтиради.

Микромолиялаш ташкилотларини ташкил этиш ёки уларни шакллантириш, авваламбор, маблағлар жамғарилиши юқори бўлган ва самарали фойдаланиш имконияти мавжуд ҳудудлар-туманларда амалга оширилмоғи лозим. Бунинг учун эса, маҳаллий жойларда кенг аҳоли қатлами ва фермер хўжаликларининг маблағларини жалб этиш орқали истеъмол

кредит кооперативлари ташкил этиш мумкин. Бироқ, қишлоқ хўжалигида, хусусан, Хоразм вилоятида, қишлоқ хўжалиги яхши ривожланмаган туманларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни Маҳаллий жамғармаси (ҚХРМЖ)ни тузиш мақсадга мувофиқдир. Бундай жамғарма, авваламбор қишлоқ туманларида фермер хўжаликлари ва қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган мақсадли дастурларга ажратилган молиявий маблағлар, турли даражадаги бюджет маблағлари ва грантлардан иборат бўлади. ҚХРМЖнинг маблағлари мақсадли ишлатилмоғи ва ўз вақтида қайтарилмоғи лозим. Фермер хўжаликларини бундай қўллаб-қувватлаш шакли, турли дотация ва субсидиядан фарқли ўлароқ, уларнинг аксариятини маблағ билан таъминлаш имкониятини беради. Чунки, аксарият фермер хўжаликлари имконият доираси чекланганлиги учун, биринчидан йирик миқдорда инвестиция жалб қилиш имкониятига эга бўлмасалар, иккинчидан, уларда кичик миқдордаги маблағга доимий равишда талаб мавжуддир.

Микромолиялаш ташкилотларини фаолияти нотижорат ҳарактерга эга бўлиб, улар асосан, бюджет ва хусусий маблағларини қишлоқ жойларга хусусан, фермер хўжаликларини ривожлантириши учун инвестицияга йўналириб, ижтимоий адолат, фермерларга кенг қамровли хизмат кўрсатиш, кредит беришда табақавий ёндашув, маблағлардан мақсадли фойдаланиш ва хатарларни ҳисобга олиш тамойилларга асосланмоғи лозим.

Қишлоқ хўжалигида ҚХРМЖ нинг ташкил этилиши авваламбор, унинг фаолиятининг ижобий ва салбий томонларини фақат мониторинг ўтказиш йўли билан, ҳар бир алоҳида ҳудуд учун аниқлаш имкониятини беради. Бироқ, назарий жиҳатдан унинг ижобий томонлари сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

- микрокредитлаш бозорида рақобатни йўқлиги;
- фермер хўжаликларининг талабини қондириш имкониятини юқорилиги;
- бюджетдан молиялашни мунтазамлиги.

Салбий томонлари:

- ажратиладиган маблағ миқдорини камлиги;

- жамғарма миждозларининг узоклиги ва улар билан мунтазам алоқа ўрнатишнинг қийинлиги;

- аксарият миждозлар гаровининг паст ликвидлиги кабилар.

Бирок, қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларининг ҳозирги ривожланиши даражаси, шаклланган ташкилий-иқтисодий муносабатлар, мавжуд молиявий ресурслар таъминоти даражаси ва механизм ҳамда манбалари микромолиялашни иқтисодий жиҳатдан ривожланиши паст бўлган қишлоқ туманларида кенг жорий этиш ва ҚХРМЖ фаолиятини қўллаб - қувватлаш уларни инвестиция фаоллигини оширишда ҳозирги босқичда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ушбу жамғарма бугунги кунда 2006 йил 5 майдаги «Микро кредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 майда қабул қилган «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан микрокредит ва микролизинг хизматлари кўрсатиш амалга оширувчи «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки билан бир қаторда самарали фаолият юритиш, пировардида қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларининг инвестиция фаоллигини оширишда уларни бевосита инвесторлар билан муносабат ўрнатишларида муҳим бўғин бўлиб хизмат қилиши мумкин.



2.2.1-расм. Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалигига жалб қилинган инвестицияларни хўжалик турлари бўйича тақсимланиши (минг сўмда).

2.2.1-расмда 2009-2011 йиллар мобайнида Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалигига жалб қилинган инвестицияларнинг хўжалик турлари бўйича тақсимланишини кўришимиз мумкин. 2009 йилда фермер хўжаликларига 1454441 минг сўм миқдорида инвестициялар ажратилган бўлиб, мазкур йилда 448416 минг сўмлик инвестициялар қишлоқ хўжалик корхоналарига ажратилган. Бу кўрсаткич 2010 йилда мос равишда фермер хўжаликларига 2557506 минг сўмни ташкил қилган бўлса, қишлоқ хўжалик корхоналарига 2627401 минг сўмлик инвестициялар ажратилган, 2011 йилда эса 7225667 минг сўмлик инвестициялар фермер хўжаликларига жалб қилинган бўлса, 4934610 минг сўмлик инвестициялар қишлоқ хўжалик корхоналарига жалб қилинганини кўришимиз мумкин.

Қишлоқ хўжалигида инвестиция фаоллигини оширишда юқорида таъкидлаганимиздек, аксарият фермерларнинг кичик хажмдаги молиявий ресурслар, лизинг орқали олинадиган техникаларга эҳтиёжларининг юқорилиги сабабли «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки фермер хўжаликларни бошланғич сармоя ажратиш ва фаолиятини қўллаб-қувватлашда муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Ваҳоланки, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли микрокредитлар йилига 5 % ставкада энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорида 18 ойгача бўлган муддатда, кичик бизнес, хусусан, фермер хўжаликларига ўз фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларини тўлдиришга Марказий банкнинг 16 % ли қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкасида энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдорида 24 ойгача муддатга ва қайта молиялаш ставкасининг 50 % идан юқори бўлмаган ставкадан энг кам иш ҳақининг 2000 баравари миқдорида 3 йилга қадар бўлган муддатга имтиёзли микролизинг хизматини кўрсатишнинг кенг йўлга қўйилиши ҳозирги кунда фермер хўжаликлари инвестиция фаоллигини оширишда яратилган амалий шарт-шароитдир. Фақат ушбу жараёнда фермерларнинг фаол иштирок этишлари, жалб қилинишлари учун асосий ташаббус уларнинг инвестицияларга бўлган реал талаб ва улардан фойдаланиш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда олиниши мўлжалланаётган кредит ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳанинг асосий кўрсаткичлари

белгиланган мукаммал бизнес-режани ишлаб чиқишларига боғлиқдир. Ушбу жараёнда уларга амалий ёрдам кўрсатувчи маслаҳат хизматлари фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг фермер хўжаликларининг реал эҳтиёж ва имкониятларига мос бизнес режа ишлаб чиқишларида фаол иштирок этишлари таъминланмоғи лозим. Бунинг учун эса «Микрокредитбанк»нинг фермер хўжаликларига жойларда хизмат кўрсатишни миқдори ва сифатини ошириш учун филиаллар ва минибанклар тизимини ташкил этиш, миникредит ва минилизинг олишдаги то ундан фойдаланиш ва қайтаришни таъминлаш жараёнларини доимий мониторинги амалга оширилмоғи лозим. Бундай фаолият турининг ташкил этилиши қишлоқ жойларда, фермер хўжаликларининг инвестиция ресурсларига бўлган эҳтиёжларини қўшимча харажатларсиз, қисқа муддатларда амалга ошириб, уларнинг инвестициялардан фойдаланиш имкониятини кенгайтиради.

Қишлоқ хўжалигида инвестиция фаоллигини оширишнинг муҳим асосларидан бири ички ва ташқи бозорда талаб мавжуд бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқиш имконияти ва салоҳиятидир. Бироқ, пахта, ғалла, мева, сабзавот, узум, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш учун қулай шарт-шароит бўлсада, уларнинг ҳосилдорлигини ва сифатини ошириш ҳамда республикада қайта ишлаш хажмини кўпайтириш учун инвестиция жалб этиш талаб қилинади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигининг инвестиция фаоллигини оширишда нафақат хўжаликлар фаолияти нуқтаи назардан, балки тармоқнинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган соҳалари ва йўналишларига инвестиция маблағлари жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Шу нуқтаи назардан ҳам қишлоқ хўжалигида инвестиция фаоллигини устувор йўналишларда ошириш орқали қишлоқ хўжалигининг инвестиция жозибадорлиги ва салоҳиятини ўстиришга эришиш мумкин. Ушбу устувор йўналишлар икки даражада, яъни, **биринчидан**, бевосита қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларига тегишли бўлган ер-сув, техника таъминоти кабиларга инвестициялар жалб этишни давлат кўмагида амалга ошириш, **иккинчидан** эса, хўжаликларнинг ички фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун инвестиция лойиҳаларига инвестицияларни жалб этишни амалга оширилмоғи лозим. Умуман олганда,

Хоразм вилояти қишлоқ хўжалик корхоналарини инвестицион фаоллигини оширишда мавжуд бўлган барча имкониятлардан кенг фойдаланишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади, яни:

Биринчидан, давлат бюджетидан йўналтирилаётган маблағларни аниқ хўжаликлар доирасида самарали фойдаланиган ҳолда, инвестиция лойиҳаларини чуқур ва ҳар тарафлама асосланган ҳолда амалиётга жорий этиш керак. Давлат инвестицияларининг ўз навбатида чекланганлиги, уларнинг асосий қисми стратегик аҳамиятга эга бўлган сув хўжалиги инфратузилмалари, коммуникация тизимларини барқарор фаолият билан ишлашини таъминлашга қаратилган. Шунингдек, бу инвестициялар хўжаликларни талабларига мос келадиган хизмат кўрсатиш инфратузилмаларини ташкил этишга қаратилади. Умуман олганда хўжаликлар тўғридан тўғри давлат инвестицияларини олишларига имкон чекланган.

Иккинчидан, асосий инвестиция омили бўлиб, банк молия тизимини ривожлантирган ҳолда кредит ресурслари ҳисобланади. Уларнинг турли шакл ва мазмунга эга бўлган йўналишларидан кенг фойдаланиш зарур. Бу борада юқорида қайд этилган микрокредит тизимини ва уни амалга оширадиган давлат ва нодавлат молия инфратузилмаларини қишлоқ жойларда фаолият олиб боришга имконият яратиш лозим. Хўжаликларга кредитларни ажратиш чоғида, уларнинг молиявий аҳволини яъни турли тоифадаги рентабеллик даражасига қараб имтиёз бериш йўллариини ишлаб чиқиш керак.

Учинчидан, вилоятдаги кўпчилик қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий аҳволи барқарор эмаслигини эътиборга олган ҳолда, агролизинг тизимини устувор ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, давлат мулки бўлмиш айрим асосий фондлар (иншоот, бино, машина ва ускуналар ва бошқалар) фермер хўжаликларига бошланғич қийматда сотиш механизминини ривожлантириш керак. Молиявий танқислик шароитида бир неча хўжаликларни биргаликда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, жумладан машина ва тракторларни улушчилик асосида сотиб олиш, бир нечта хўжаликка хизмат кўрсатувчи машина трактор паркини ташкил қилиш,

иккиламчи трактор ва машиналар, эҳтиёт қисмлар бозорини ривожлантириш самарали натижа беради.

Тўртинчидан, асосий эътиборни ички имкониятларга қаратиш лозим, яъни хўжаликларда амортизация жамғармасини ташкил этиш ва ундан оқилона фойдаланиш зарур. Фақат ишлаб чиқаришни кенгайтириш, фойда миқдорини янада кўпайтириш ҳисобига инвестицион фаолликни янада ошириш керак.

Бешинчидан, хориж мамлакатлари, турли халқаро молия ташкилотлари томонидан бериладиган халқаро грантлардан унумли фойдаланишни амалга ошириш.

Қишлоқ хўжалигида инвестиция фаолигини оширишнинг имкониятлари тармоқда асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер ва деҳқон хўжаликларининг фаолиятини ривожлантиришга боғлиқ бўлиб, ушбу хўжаликларда шаклланган ишлаб чиқариш натижаларига моддий жавобгарлик ва манфаатдорлик тамойилларининг бозор муносабатларига мос келиши, авваламбор, инвестиция фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт шароит яратишга боғлиқ.

III БОБ. ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ТАДБИРКОРЛИК ВА БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш

Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишига эришиш хўжаликларнинг инвестицион салоҳиятини шакллантириш шунингдек, ривожланишининг дастлабки босқичларда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни талаб этади. Бунинг учун эса аграр тармоқда ўзида инвестиция салоҳияти манбалари инвестицион жараён, инвестицион муҳит, инвестицион жозибадорлик инвестиция фаоллигини инвестициялар таркиби ва миқдорларини белгилашни бозор тамойиллари асосида шакллантиришни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш ва инвестиция хатарини пасайтириш чора-тадбирларини ўзида мужассамлаштирган аграр инвестиция сиёсати ишлаб чиқилмоғи лозим. Қишлоқ хўжалигида инвестиция фаоллигини оширишда ижтимоий-иқтисодий, молиявий-ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа омиллар бевосита қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун қулай инвестиция муҳитини шаклланишига мос бўлиши керак. Бироқ, инвестицияли жараёнларни фаоллаштиришда уларнинг молиявий манбалари муҳим ўрин эгаллайди. Тадқиқотларимиз кўрсатишича, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигида турли хўжалик шакллариининг фаолияти юритиши, хусусан, фермер ва деҳқон хўжаликларининг мавқеининг юқорилигига бевосита инвестицион фаолликни оширишда ушбу хўжалик шакллари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг фаолиятини молиявий таъминлаш манбаларини аниқлаш ва асослашни тақозо этади. Ушбу жараён макро ва микро даражаларида амалга оширилиб, уларнинг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш, қишлоқ хўжалигининг инвестиция фаоллигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- қишлоқ аҳолисига кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ва турини кўпайтириш;
- янги истиқболли хизмат турларини жадал ривожлантириш;
- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг ривожлантирилиши устидан мониторингни амалга ошириб бориш;
- инвестицияларни (шу жумладан чет эл инвестицияларини), замонавий технологиялар ва ускуналарни жалб этилишини, ахборот ва тушунтириш ишларини, консалтинг, лизинг, суғурта ва бошқа хизматларни ривожлантирилишини ташкил этиш;
- кўргазмалар ва ярмаркаларда, инвестицион ва инновацион лойиҳаларини амалга оширишда кичик тадбиркорлик субъектларининг иштирокини кенгайтириш чора-тадбирларини кўриш;
- қишлоқ ҳудудларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида тижорат банклари кредит ресурсларидан кенг фойдаланиш;
- тадбиркорлик субъектлари кадрларини тайёрлашда, қайта тайёрлашда ва уларнинг малакасини оширишда кўмаклашиш.
- бозор инфратузилмаларини (бизнес-инкубаторлар, ўқув марказлари, консалтинг хизмат кўрсатувчи марказлар) фаолиятини фаоллаштириш ва уларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш;
- қишлоқ ҳудудларида тадбиркорликни ривожлантириш муамоларига бағишланган амалий семинарлар ташкил этиш;
- савдо-саноат палатасининг маркетинг фаолиятини янада ривожлантириш ва мавжуд муаммо ҳамда камчиликларни ўрганиш мақсадида тадбиркорлар ўртасида мунтазам тарзда сўровномалар ўтказиш.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси учун прогноз кўрсаткичларини

ишлаб чиқиш йўналишлари ва уларни амалга ошириш бўйича қуйидаги амалий чора-тадбирларни амалга ошириш зарурдир:

Келгуси йилларга прогноз кўрсаткичларини белгилаш учун қуйидаги йўналишлар бўйича ишларни амалга ошириш лозим:

- Банк-молия хизматига кирувчи хизмат турлари – мини- банклар сони, махсус жамғарма кассалар сони, аҳолининг тижорат банкларига қўйилмалари ҳажми, пластик карточкалар сони, терминаллар сони, терминаллар орқали бажарилган операциялар ҳажми, тижорат банкларининг ажратган кредитлари ҳажми, истеъмол кредитлари ҳажми, кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми каби кўрсаткичларнинг йиллик (чораклик, ойлик) прогноз кўрсаткичларини ҳар бир туманда фаолият юритаётган тижорат банклари кесимида, лизинг ва суғурта хизматлари лизинг (банк) ва суғурта компаниялари кесимида муддати ва манзили аниқ белгиланиши лозим. Ушбу белгиланган муддат ва манзил бўйича ҳар бир хизмат турининг прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши ҳар ойда назорат қилиб бориш;

- Лизинг хизматлари прогнози ойма-ой лизинг объекти, қиймати ва муддати кўрсаткичлари бўйича назорат қилиш.

Ўзбекистонда Республикасида хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

- хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг фаолиятини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш;
- хизматлар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириб боришг;
- хизматлар кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳоли сонини кўпайтириш;
- қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, коммунал-маиший, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва машина-трактор парклари соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб бориш;

- анъанавий хизмат турлари билан биргаликда янги истикболли – юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва баҳолаш хизмат турларини жадал ривожлантириш;
- мамлакатимиз корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлари даражасини ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтириш;
- хизматлар ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.
- Мамлакатимизда банк кредитлари ҳисобидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда¹⁹.

Қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларининг устувор ривожланишини таъминлашда ички ва ташки инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қисқа, ўрта ва узоқ муддатли даврга мўлжалланган дастурларни вилоят фермер хўжаликларининг реал имкониятлари ва шароитларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш ва амалиётга жорий этиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалигида инвестиция фаоллигини ошириш ва қулай инвестиция фаолиятини шакллантириш учун қуйидаги вазифалар ҳал этилишини талаб этади:

-қишлоқ хўжалигини инвестициялаш учун капитал маблағларни жалб этишни таъминлайдиган институционал бозор инфратузилмаси субъектларини ривожлантириш;

-худудларда аҳоли, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш инвестициясига капитал маблағларни ташкил этиш ва йўналтириш билан шуғулланувчи инвестицион бозорларни шакллантириш;

¹⁹ Президент И.А.Каримовнинг “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.


-қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи банк тизими фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг капиталлашув даражасини ошириш;

-инвестицияларни жалб этишни ташкилий шакллари тақомиллаштириш;

-қишлоқ хўжалигида лойиҳаларни амалга оширишда давлат ва инвесторларнинг уларни асослаш ва қабул қилишдаги иштирокини тақомиллаштириш;

-инвестициялашни ахборот–маслаҳат ва маркетинг билан таъминланишини ташкил этиш кабилар.

Бир сўз билан айтганда, ушбу муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб этишни тақомиллаштиришда ўз самарасини беради.



3.1.1-расм. Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигида инвестицион таркибий ўзгаришлар

3.1.1-расмда иқтисодиётга жалб қилинган инвестицияларда қишлоқ хўжалигининг улуши кейинги беш йил бўйича таҳлил қилинган. 2007 йилда иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар қишлоқ хўжалигининг улуши 13,3 фоизни ташкил этган, 2009 йилга келиб 0,4 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилга келиб 1,1 фоизни ташкил қилган. Ялпи ҳудудий маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 2007 йилда 42,8 фоизни ташкил

қилган, 2009 йилда 37,2 фоизни ташкил қилган ва 2011 йилга келиб 35,9 фоизни ташкил қилган.

Қишлоқ хўжалигида инвестицияларни жалб этишда, қишлоқ хўжалик субъектларининг молиявий ҳолати, хатарнинг юқорилиги шароитида, уларнинг асосий ишлаб чиқариш фондларининг натижа ва самара бериш муддатларининг узок даврни қамраб олиши бевосита инвестиция механизмини: ички ва ташқи инвестициялар манбаларини кафолат заҳираларини жамғариш тизими билан мустаҳкам боғловчи тизимини вужудга келтиришни тоқазо этади. Бунда инвесторлар – ундан фойдаланувчи қишлоқ хўжалик субъектлари – қишлоқ хўжалигига хом-ашё, техника асбоб-ускуналар етказиб берувчилар (лойиҳани моддий-техникавий таъминловчилар) – ўртасида ўзаро кафолатларни амалга ошириш тизими давлат ташкилотлари ва тижорат банклари томонидан амалга оширилмоғи лозим.

Улар бир вақтнинг ўзида кредитларни кафолати ва инвестицияларни қайтмаслик хатарини кафолатини таъминламоғи керак. Қишлоқ хўжалигида асосий фондларни инвестиция механизми уларни такрор ишлаб чиқаришни узлуксиз ва барқарорлигини таъминлаб, жалб этилган инвесторлардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигида инвестиция фаоллигини оширишда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш инвестиция механизмининг тўлиқ шаклланмаганлиги ва ривожланмаганлиги, товар моддий маблағларини инвесторларнинг товар ва пул маблағларини инвесторлар - қишлоқ хўжалиги учун моддий-техника, ускуналар билан таъминловчилар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва уларнинг маҳсулотларини истеъмолчилари - охириги ишлаб чиқариш сотиш натижалари ҳаракатини тўлиқ назорат қилиш имконини берувчи комплекс инвестициялаш механизмини тақозо этади.

Қишлоқ хўжалиги келажакда аграр соҳада инвестицион сиёсатини белгиловчи ва хусусиятлар ва омиллар бевосита миқдор кўрсаткичларидан сифат кўрсаткичларига ўтиш, яъни, юқори самара берадиган ва устувор

аҳамиятга эга бўлган йўналишларига инвестицияларни жалб этиш ҳисобланади.

Маълумки, хорижий мамлакатлар инвесторлари учун қайта ишлашга, айниқса, илмталаб тармоқларга, хом-ашё манбаларига бой ва яқин жойларга инвестиция киритишга ҳаракат қиладилар. Шунингдек, уларни арзон ресурслар салоҳияти, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича харажатларнинг тежалиши, транспорт ҳамда меҳнат харажатларининг ҳам сарф этилиши, қишлоқ жойларда инфратузилма мажмуасининг ривожланганлигига, энг муҳими инвестиция муҳити, хусусийлаштириш ва ислоҳотларнинг бориш жараёни, лойиҳаларни молиялаштиришга қишлоқ хўжалиги корхоналари капиталининг иштироки, валюта айирбошлаш тизимининг такомиллашганлиги, бу тизимнинг давлат томонидан назорат қилиниши ва қишлоқ хўжалигида давлат томонидан тартибга солишнинг бозор тамойилларига мослик даражаси каби муҳим инвестицион жозибадорлик омиллари ҳам катта аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш шароитида, фермер хўжаликларининг устувор ривожланиши таъминлаш орқали тармоқ барқарорлигига эришиш учун икки стратегиядан яъни, биринчидан, бевосита қишлоқ хўжалигининг ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш моддий-техника базасини замонавий техникалар билан жиҳозлаш, юқори ҳосилдорли экинлар ва маҳсулдор чорва моллари етиштиришни кенг йўлга қўйиш орқали юқори сифатли маҳсулотлар етиштириш ва иккинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини кенгайтирувчи хорижий инвестицияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш зарур. Бунинг учун эса, вилоят қишлоқ хўжалигида хорижий инвестицияларни жалб этиш ва инвестиция фаоллиги қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилмоғи лозим:

-қишлоқ хўжалигига хорижий инвестицияларни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва институционал шарт-шароитларни мунтазам такомиллаштириб бориш;

-қишлоқ хўжалиги субъектлари, жумладан фермер ва деҳқон хўжаликларини ташқи иқтисодий фаолиятини ташкил этиш, қўллаб-қувватлаш имтиёзлар бериш ва амалга оширишнинг давлат томонидан тартибга солишни ҳукуқий-ташкилий ва иқтисодий механизмларини ривожлантириш;

-қишлоқ хўжалигига жаҳон талаблари ва андозалари даражасидаги техника-технологияларни етказиб бераётган, тармоқнинг замонавий самарали таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий инвесторларига нисбатан имтиёзли ва рағбатлантирувчи сиёсатни изчиллик билан олиб бориш;

-хорижий инвесторлар маблағларини қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини таъминлайдиган ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятлари кенг бўлган соҳалар, минтақалар ва бевосита қишлоқ хўжалигини субъектларига йўналтириш;

-қишлоқ хўжалиги субъектларининг жозибадор ва устувор аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар ишлаб чиқаришларига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш ва уларни тарғибот қилиш тизимини такомиллаштириш.

Ушбу тамойилларнинг амалиётга жорий этилиши бевосита хорижий инвестицияларни қишлоқ хўжалигига кенг жалб этиш, тармоқнинг инвестиция фаоллигини ошириш ва пировардида унинг барқарор ривожланишга эришишини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Аграр тармоқда ўзида инвестиция салоҳияти манбалари инвестицион жараён, инвестицион муҳит, инвестицион жозибадорлик инвестиция фаоллигини инвестициялар таркиби ва миқдорларини белгилашни бозор тамойиллари асосида шакллантиришни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш ва инвестиция хатарини пасайтириш чора-тадбирларини ўзида мужассамлаштирган аграр инвестиция сиёсати ишлаб чиқилмоғи лозим.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини таъминлаш тизимининг асосий бўғини бўлиб инвестицияларни жалб этиш ҳисобланади. Ваҳоланки, хориж тажрибаси кўрсатишича, аграр тармоқни барқарор

ривожлантиришнинг асосини инвестицион жараёнларни такомиллаштириш ва жозибадорлигини оширишни ташкил этади. Шу нуқтаи назардан ҳам, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари, тутган ўрни ва мавжуд табиий-ташкилий-иқтисодий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда тармоққа инвестицияларни кенг жалб этиш амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш босқичида муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида инвестиция фаоллигини ошириш ва қулай инвестиция фаолиятини шакллантириш учун қуйидаги вазифалар ҳал этилишини талаб этади:

- қишлоқ хўжалигини инвестициялаш учун капитал маблағларни жалб этишни таъминлайдиган институционал бозор инфратузилмаси субъектларини ривожлантириш;

- худудларда аҳоли, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш инвестициясига капитал маблағларни ташкил этиш ва йўналтириш билан шуғулланувчи инвестицион бозорларни шакллантириш;

- қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи банк тизими фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг капиталлашув даражасини ошириш;

- инвестицияларни жалб этишни ташкилий шакллариини такомиллаштириш;

- қишлоқ хўжалигида лойиҳаларни амалга оширишда давлат ва инвесторларнинг уларни асослаш ва қабул қилишдаги иштирокини такомиллаштириш;

- инвестициялашни ахборот–маслаҳат ва маркетинг билан таъминланишини ташкил этиш кабилар.

Қишлоқ хўжалигида инвестиция фаоллигини устувор йўналишларда ошириш орқали қишлоқ хўжалигининг инвестиция жозибадорлиги ва салоҳиятини ўстиришга эришиш мумкин. Ушбу устувор йўналишлар икки даражада, яъни, **биринчидан**, бевосита қишлоқ хўжалигининг барча

соҳаларига тегишли бўлган ер-сув, техника таъминоти кабиларга инвестициялар жалб этишни давлат кўмагида амалга ошириш, **иккинчидан** эса, хўжаликларнинг ички фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун инвестиция лойиҳаларига инвестицияларни жалб этишни амалга оширилмоғи лозим. Умуман олганда, Бухоро вилояти қишлоқ хўжалик корхоналарини инвестицион фаоллигини оширишда мавжуд бўлган барча имкониятлардан кенг фойдаланишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Микромолиялаш ташкилотларини фаолияти нотижорат характерга эга бўлиб, улар асосан, бюджет ва хусусий маблағларини қишлоқ жойларга хусусан, фермер хўжаликларини ривожлантириши учун инвестицияга йўналириб, ижтимоий адолат, фермерларга кенг қамровли хизмат кўрсатиш, кредит беришда табақавий ёндашув, маблағлардан мақсадли фойдаланиш ва хатарларни ҳисобга олиш тамойилларга асосланмоғи лозим.

Республика аграр соҳаси ривожланишида эришилган натижаларни атрофлича таҳлили шуни кўрсатадики, келажакда тармоқни барқарор суръатлар билан ривожлантиришга эришиш инвестицияларни жалб қилиш, уларни фаоллаштириш ҳамда самарали фойдаланишга қаратилган энг мақбул муҳитни яратиш мақсадида ташқи ва ички инвесторларни ҳуқуқ ва бурчларини мустаҳкамлаш, инвестиция ва хорижий, миллий инвесторларнинг ўзаро муносабатларидаги мавжуд принципларни ҳимоялашдаги ҳуқуқий – иқтисодий – ташкилий – меъёрий базани янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида, фермер хўжаликларининг устувор ривожлантиришда қишлоқ хўжалигидаги муаммоларнинг ҳал қилишнинг энг муҳим омили ва шарт-шароитларидан бири бу инвестиция фаоллигини янада ошириш ҳисобланади. Инвестициялар тармоқни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва аграр соҳани барқарор ривожланишининг муҳим шarti бўлиб қолмоқда. Қишлоқ хўжалигида институционал ўзгаришларни амалга ошириш билан бир қаторда соҳага кенг қамровли инвестицияларни олиб кириш, қишлоқ хўжалигига кенг кўламда йўллаш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш ҳозирги ислохотлар

босқичида амалга оширилаётган аграр сиёсатнинг асосини ташкил қилмоғи лозим.

Қишлоқ хўжалигида инвестицион жараёнлар инвестицион фаолликни кескин камайиши аграр соҳада бир қатор номутаносибликларни ва муаммоларни келтириб чиқармоқда бу эса:

-асосий фондларнинг, биринчи галда машина-трактор паркини юқори даражада эскирганлиги (айрим хўжаликларда 70-80% техника моддий ва жисмоний эскирган) мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиши мумкин;

-институционал ўзгаришлар натижалари қишлоқ хўжалигини инвестициялашда таркибий ва технологик тубдан бурилиш зарурлигини тақозо қилмоқда. Давлатни маълум даражада инвестицион жараёнлардаги ўрни сақланиб қолган ҳолда, асосий эътиборни молиялаштиришнинг нодавлат усуллари кенг қўллаш талаб қилинади;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан бошқа соҳа маҳсулотлари ўртасидаги баҳолар номутаносиблиги натижасида кўпгина хўжаликлар ўз маблағларини анча қисмини йўқотдилар, рентабеллик даражаси тушиб кетди, машина тракторлар сотиб олиш қобилияти кескин камайди;

-қишлоқ хўжалиги корхоналарини инвестициялашнинг муҳим ички манбаларида амортизация фондидан фойдаланиш кескин қисқарди ва у деярли ўз вазифасини бажармай қўйди. Аграр соҳада самарали амортизация сиёсатини ишлаб чиқилмаганлиги сабабли, унинг маблағлари айланма фондларни ва бошқа харажатларни қоплаш учун фойдаланилди. Мавжуд амортизация маблағлари хажми камлиги туфайли асосий фондларни қайта таъмирлаш вазифасини ўта олмайди;

-аграр соҳада амалга оширилган институционал ўзгаришлар машина ва тракторларни маълум даражада қайтадан кўриб чиқишни талаб қилади. Фермер ва деҳқон хўжаликларни тез ривожланиши муносабати билан техникани катта бўлмаган майдонларда ишлаш зарурияти, қишлоқ хўжалигида мавсумийликни янада эътиборга олишни тақозо қилади;

-асосий фондларни қайта таъмирлашда бозор инфратузилмаси муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, хўжаликларни тўлов қуввати пастлигини

этиборга оладиган бўлсак, лизинг компанияларини ривожланиши хўжаликларни машина-техника билан таъмирлашда асосий йўналиш ҳисобланади.

Инвестицион фаолликни ошириш ва асосий фондларни қайта таъминлашнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- мавжуд ўзаро бир-бирига боғлиқ қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқлари ўртасидаги, инвестицияларнинг ишлаб чиқариш ва технологик таркиби, асосий фондларнинг актив ва пассив элементлари ўртасидаги нисбатларни оптималлаштириш;

- микроиқтисодиёт даражасида хўжаликларни мустақил иш юритишлари учун шароит яратиш, банк-молия тизимини такомиллаштириш орқали молиявий хизматларни яхшилаш, даромадларни ошириш орқали ўз маблағлар ҳисобидан асосий фондларни таъмирлашни йўлга қўйиш, амортизация фондларини мақсадли ишлатишни таъминлаш, хориж инвестицияларидан кенг фойдаланиш учун қулай муҳит яратиш лозим;

- қишлоқ хўжалиги талабларига мос келадиган машина-трактор ресурслари бозорини шакллантириш, илмий-техника ютуқларини амалиётда қўллаш, буюртмачи ва ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчилар ўртасидаги шартномаларни тўлиқ амалга оширишга эришиш керак;

- хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш дастурига асосланган ҳолда иккиламчи қишлоқ хўжалик техникаси бозорини шакллантириш, инвестицион мажбуриятлар олган ҳолда саноат корхоналаридаги асбоб ускуналар, машиналарни қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларининг ривожланиб бориши шароитида бозор иқтисодиётининг асосий тартибга солувчилари ҳисобланган талаб-таклиф, баҳо, рақобатнинг инвестиция фаоллигини оширишга бевосита таъсири ортиб боради. Инвестиция фаоллигини оширишда турлича ёндашув талаб этилади. Шундай йўналишлардан бири сифатида инвестиция фаоллигини оширишда инвестицион ривожланишнинг экстенсив ва интенсив моделлари ҳисобланади. Экстенсив моделида қишлоқ хўжалиги субъектлари, хусусан, фермер хўжаликлари ўз фаолиятини ривожлантиришга фан-техника ютуқлари, янги технологияларни кенг жорий этмаган ҳолда, мавжуд

агротехнологик жараёнлардан фойдаланиш, асосий эътиборни мамлакат ичкарасидаги инвестиция маблағларидан фойдаланишга қаратадилар. Интенсив моделида эса, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари фан-техника ютуқлари, янги агротехнологиялар ва техникаларни кенг қўллаш асосида инвестицияларни жалб этишга устуворлик берилади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг тутган ўрни, салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда инвестиция фаоллигини ошириш учун ҳозирги мавжуд ҳолат ушбу моделларининг ичидан экстенсив инвестиция моделини қўлланилиб келаётганлигидан далолат беради. Бироқ, интенсив моделини тўғридан-тўғри қўллашнинг ташкилий, иқтисодий ва молиявий ҳамда илмий-техникавий ва агротехнологик жиҳатдан тўлиқ имкониятининг мавжуд эмаслиги сабабли, шунингдек, қишлоқ хўжалигида содир бўлган таркибий ва институционал ўзгаришларнинг тўлиқ ниҳоясига етмаганлиги ҳамда қишлоқ хўжалигида самарали ташкилий-иқтисодий-таркибий тузилмасини шаклланиш жараёни амалга оширилаётганлиги шароитида инвестиция фаоллигини оширишда босқичма-босқич шарт-шароитлар яратилмоқда. Шунинг учун ҳам тармоқда замонавий агротехнологияларни инвестициялашга маблағ ажратиш ёки ички ва ташқи инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар ҳам имтиёзлар яратишга устуворлик берилиши бевосита инвестиция фаоллигини оширишда экстенсив инвестицион ривожлантиришдан интенсив инвестицион ривожлантиришга ўтишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалигида инвестиция фаоллигини оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлишлиги тавсия этилади:

-қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган хўжалик юритиш шаклларининг тутган ўрни, имконияти, салоҳияти ва келажакда ривожланиш истиқболларидан келиб чиққан ҳолда тарқмоқнинг мавжуд ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги тизимида тартибга солувчи қонунларнинг иқтисодиётнинг барча соҳалари фаолияти ҳуқуқий асослари билан уйғунлигини таъминлаш ва уларнинг мустаҳкам негизи яратилмоғи лозим. Бунинг учун эса қишлоқ хўжалигининг барча субъектларини иқтисодий муносабатларини тўлиқ ўзида акс эттирадиган бир қатор қонун ҳужжатлари жумладан; “АСМини давлат томонидан тартибга солиш

тўғрисида” “қишлоқ хўжалиги кодекси”, “қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига давлат бюртмаси тўғрисида”, “қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш тўғрисида”, “қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг фаолият эркинликларини кафолатлаш тўғрисида” каби янги қонунлар ишлаб чиқилиши инвестиция фаоллигининг ҳуқуқий асосини таъминлайди;

-қишлоқ хўжалигида инвестиция фаоллигини оширишда ривожланган хориж давлатлари тажрибасини чуқур ўрганган ва уларнинг республикада фойдаланадиган ижобий томонларини қўллаган ҳолда, авваломбор, давлат томонидан қишлоқ хўжалигини домий равишда бюджет ҳисобидан молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш, фермер хўжаликларининг маҳсулот ишлаб чиаришда ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш имкониятларини ошириш учун фьючерс шартномаси муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш;

-қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи субъектларнинг молиявий рағбатлантириш тамойилига устуворлик берилиши, бунинг учун эса, авваломбор, асосий давлат бюртмаси бўйича маҳсулот етиштирувчи фермер хўжаликлари учун ажратилаётган имтиёзли кредитлар механизмида, кредитлар учун фоиз тўловларини тайёрлов ва харид қилиб олувчи ташкилотлар томонидан тўланишини жорий этиш орқали, шундай ҳам чекланган миқдордаги айланма маблағлар хажмининг қисқариб кетишнинг олдини олиб, уни қўпайтириш манбасини яратиш. Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига босқичма-босқич харид баҳоларини ошириш, қишлоқ хўжалиги учун ресурслар билан таъминлайдиган корхоналар баҳолари билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўртасидаги баҳолар номутаносиблигини бартараф этишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш, фермер хўжаликларининг молиявий мувозанатини таъминлашда давлат ҳариди учун урнатилган баҳоларнинг энг юқори ва қуйи даражаси чегарасидан тушиб кетган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мавжуд баҳолари ўртасидаги тафовутни қоплаш ва юқори бўлганда эса тартибга солиш тизимини иқтисодий асосларини яратиш зарур.

3.2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда лизинг хизматларидан самарали фойдаланишнинг устувор йўналашлари

КБХТни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги давлатнинг стратегик иқтисодий сиёсати туфайли мамлакатимизда, жумладан Хоразм вилоятида ҳам ушбу соҳа субъектлари учун қулай макроиқтисодий муҳит яратилди. Бизнесни рўйхатга олиш, ихтиёрий равишда ёпиш ва тугатиш, айрим фаолият турлари бўйича лицензия ва рухсатномаларни бериш жараёнлари соддалаштирилди, давлатнинг бизнес фаолиятига аралашуви чекланди, тадбиркорлик субъектлари топширадиган ҳисоботларнинг барча шакллари ва муддатлари кескин қисқартирилди, солиқ ставкалари унификация қилинди, биржалар орқали талаб юқори бўлган ресурслардан кенг фойдаланишга имкон берадиган бозор механизми шаклланди.

Биз тадқиқотларимиз давомида республикаимиз ҳамда айрим вилоятларда КБХТ ривожланиши асосий кўрсаткичларининг қиёсий таҳлилини ҳам амалга оширдик. Ушбу таҳлилларимизга кўра КБХТнинг республикаимиз, жумладан Хоразм вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичларидаги улуши йил сайин барқарор суръатларда ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин

Иқтисодиётнинг КБХТ секторида ушбу соҳадаги жами бандларнинг улуши 2007 йилда 75,5 фоизни ташкил қилган бўлса, 2009 йилга келиб бу кўрсаткич 77,4 фоизни ташкил қилди ёки иқтисодиётда жами 455,2 минг кишининг бандлигини таъминлади. Банд бўлганларнинг катта қисми – 55,3 фоизи (325,5 минг киши) хусусий сектор ҳамда 22,0 фоизи (129,7 минг киши) кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келади (3.2.1-жадвалга қаранг).

Агар саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда КБХТнинг улуши 2007 йилда 23,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2009 йилда 26,4 фоизга етган ва 2007 йилга нисбатан 2,7 пунктга ошган.

КБХТ субъектлари томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 18,2

фоизга ўсди ва 106033,1 млн. сўмни (вилоят саноат ишлаб чиқаришининг 26,4 фоизи), қишлоқ хўжалик маҳсулоти 6,4 фоизга ўсиб, 769542,1 млн. сўмни (қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 99,3 фоизи) ташкил қилди.

3.2.1-жадвал

**2007-2011 йилларда Хоразм вилояти ижтимоий-иқтисодий
ривожланишининг асосий кўрсаткичларида КБХТ субъектларининг
улуши, % да²⁰**

№	Кўрсаткич номи	Йиллар				
		2007	2008	2009	2010	2011
1.	Вилоят ЯХМда КБХТ улуши	64,4	66,1	68,2	71,8	74,1
2.	Вилоят саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда КБХТнинг улуши	23,7	23,6	26,4	30	32,7
3.	Қурилиш-пудрат ишларида КБХТнинг улуши	63,3	62,3	72,5	83,3	84,9
4.	Транспортда КБХТнинг улуши	41,3	53,6	58,7	92,9	95,1
5.	Чакана савдода КБХТнинг улуши	42	43,9	47,5	49,2	42,7
6.	Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишда КБХТнинг улуши	68,5	65,5	66,9	64,7	63,7
7.	Хизматлар кўрсатиш соҳасида КБХТнинг улуши	48,1	51,6	56,1	57,5	61,6
8.	Вилоят ташқи савдо айланмасида КБХТнинг улуши	20,6	33,1	29,3	28,1	29,8
9.	Вилоят умумий экспортида КБХТнинг улуши	10,4	11,3	7,5	9,3	7,1
10.	Вилоят умумий импортида КБХТнинг улуши	70	89,7	86,8	79	84,7
11.	Вилоятда жами бандлар сонида КБХТнинг улуши	75,5	76,6	77,4	78	78,8

3.2.1-жадвалдан кўринадики, қурилиш-пудрат ишларида ҳам КБХТнинг улуши 2007 йилда 63,3 фоиздан 2009 йилда 72,5 фоизгача ошган. Транспорт соҳасида КБХТнинг улуши 2007 йилда 41,3 фоиздан 2009 йилда 58,7 фоизга, чакана савдода 42,0 фоиздан 47,5 фоизгача ошган.

²⁰ Хоразм вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилди.

Кичик бизнес субъектларининг вилоят автомобил транспортининг юк ва йўловчи айланмасидаги улуши охирги икки йил давомида 41,3 фоиздан 58,7 фоизгача ошди.

Чакана савдо айланмаси умумий ҳажмининг 47,3 фоизи ёки 327610,9 млн. сўми (ўсиш 117,7 фоизни ташкил қилди) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 66,9 фоизи ёки 155189,5 млн. сўми (9,6 фоизга ўсган) кичик бизнесда шаклланди. Умумий хизмат кўрсатиш соҳасида эса КБХТнинг улуши 48,1 фоиздан 56,1 фоизгача ошган.

Тадқиқотларимиз давомида биз Хоразм вилоятида КБХТ субъектлари томонидан амалга оширилган лизинг хизматларини икки гуруҳга ажратиб ўрганишни лозим деб топдик: биринчи гуруҳда бевосита вилоятда фаолият кўрсатаётган “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК Хоразм вилояти филиали томонидан 2009 йилда Хоразм вилояти ҳудудлари кесимида КБХТ субъектларига лизингга берилган қишлоқ хўжалик техникалари қиймати бўлса, иккинчи гуруҳдан тижорат банклари томонидан КБХТ субъектларига лизингга техника ва технологияларни олиш учун ажратилган кредитлар ўрин эгаллаган.


Агар биз биринчи гуруҳда “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК Хоразм вилояти филиали томонидан 2009 йилда Хоразм вилояти ҳудудлари кесимида КБХТ субъектларига лизингга берилган қишлоқ хўжалик техникалари қийматини таҳлил қиладиган бўлсак, қишлоқ хўжалигида асосан лизингга техника ва ускуналар шу соҳада хўжалик юритувчи КБХТ субъектлари бўлган фермер хўжаликларига етказиб берилган берилган (3.2.1-расм).

3.2.1-расмдан кўринадики, вилоятнинг Гурлан (1,2 млрд. сўм), Хонқа (0,77 млрд. сўм), Ҳазорасп (0,67 млрд. сўм) ва Боғот (0,52 млрд. сўм) туманларида қишлоқ хўжалигидаги КБХТ субъектларига энг кўп лизингга техника ва технологиялар олиб берилган.

Хоразм вилояти лизинг хизматлари ва сервиси бозорида 2009 йилдаги энг юқори улушга эга Гурлан тумани билан энг кам улушга эга Хива тумани

ўртасидаги тафовут 38,7 мартага тенг. Бу эса истикболда мазкур ва бошқа туманлар ўртасидаги лизинг хизматлари ва сервис бозори ривожланишидаги номутаносибликларни албатта ҳудудда қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони, асосан унинг таркибини ҳисобга олган ҳолда бартараф этишнинг нақадар муҳим эканлигидан далолат беради.

**“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК Хоразм вилояти филиали
томонидан 2010 йилда Хоразм вилояти ҳудудлари кесимида КБХТ
субъектларига лизингга берилган қишлоқ хўжалик
техникалари қиймати, минг сўмда**



3.2.1-расм²¹

Агар биз Хоразм вилояти Марказий банк бошқармаси маълумотлари асосидаги айрим тижорат банклари томонидан КБХТ субъектлари учун лизингга техника ва технологияларни харид қилиш бўйича 2007-2009 йилларда ажратилган кредитлар ҳажмини таҳлил қилсак, 2007 йилда жами лизинг хизматлари учун 2302,4 млн. сўм кредит маблағлари ажратилган бўлиб, унинг 41,6 фоизи ёки 958,4 млн. сўми ОАТБ Микрокредитбанк, 37,8

²¹ “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК Хоразм вилояти филиали маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

фоизлик ёки 871,1 млн. сўмлик сегменти ДАТ Асакабанк, 11,5 фоизи ёки 264,6 млн. сўми РОТБ Қишлоққурилишбанк ва 9,0 фоизлик ёки 208,3 млн. сўмлик улуш АТБ Халқбанк ҳиссаларига тўғри келган (3.2.2-жадвал).

3.2.2-жадвал

**Хоразм вилояти тижорат банклари томонидан 2007-2009 йилларда
КБХТ субъектлари учун лизингга техника ва технологияларни
харид қилиш бўйича ажратилган кредитлар тўғрисида
маълумот, млн. сўмда²²**

№	Тижорат банклари	2007 йил	улуши, %да	2008 йил	улуши , %да	2009 йил	улуши, %да
1.	Қишлоқ қурилишбанк	264,6	11,5	24,5	1,0	36,6	1,1
2.	Халқбанк	208,3	9,0	224,5	9,0	82,3	2,6
3.	Микрокредит банк	958,4	41,6	2048,7	82,3	2717,8	85,3
4.	Асакабанк	871,1	37,8	191,8	7,7	350,3	11,0
	ЖАМИ:	2302,4	100,0	2489,5	100,0	3187,0	100,0

Агар жадвал маълумотлари асосида 2008 йилги маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2008 йилда тижорат банклари томонидан КБХТ субъектлари учун лизинг хизматлари сегментида Микрокредитбанк 82,3 фоиз ёки 2048,7 млн. сўм бозор улуши билан пешқадам бўлган ва Халқбанк 9,0 фоиз ёки 224,5 млн. сўм билан кейинги ўринни эгаллаган. Ўз навбатида Қишлоққурилишбанкнинг (олдинги Ғаллабанк) улуши 11,5 фоиздан 1,0 фоизга аҳамиятли даражада камайган, Асакабанкнинг умумий ажратган кредитлари миқдори 679,3 млн. сўмга камайган ҳолда, умумий бозор сегментидаги улуши қарийиб 30,1 фоизга камайган. Микрокредитбанк эса 2048,7 млн. сўм ёки 82,3 фоиз улуш билан КБХТ субъектлари учун вилоят тижорат банкларининг лизинг хизматлари бозорида мутлақ етакчилик қилди.

Тадқиқотларимиз жараёнида олинган натижаларга кўра, Хоразм вилоятида КБХТ субъектларини янада ривожлантиришда лизинг хизматлари ва сервисининг ролини оширишнинг устувор йўналишлари қуйидагилар

²² Хоразм вилояти Марказий банк бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

бўлиши лозим:

- КБХТ субъектлари томонидан лизинг асосида техника ва технологиялар олишга бўлган талабни минтақадаги тижорат банклари ва лизинг компаниялари ҳамкорлигида маркетинг қилиш;

- КБХТ субъектларига лизинг асосида техника ва технологиялар олиш учун янада кўпроқ маблағлар ажратиш, микромолиявий хизматлар кўламини кенгайтириш ва рақобат муҳитини вужудга келтириш учун тижорат банклари сонини ва уларнинг лизингга йўналтирилувчи ресурслар базасини янада ошириш ҳамда бунинг учун тижорат банкларига турли имтиёзлар бериш;

- жисмоний шахсларга лизинг фаолияти билан шуғулланишга рухсат бериш.

Республикамиз, хусусан Хоразм вилояти КБХТ секторини қўллаб қувватлашда лизинг хизматлари ва сервисини қуйидаги йўналишларда ривожлантириш истиқболли, деб ҳисоблаймиз:

- Республика Президентининг ташаббуси²³ билан барча ҳудудларда ихтисослаштирилган ва буюм бозорларини назорат-касса машиналари ва тўлов терминаллари билан жиҳозланган турғун савдо нуқталаридан иборат бўлган савдо комплекслари этиб қайта ташкил этиш ишлари бошланди. Шу сабабли, фикримизча, лизинг хизматлари ва сервис секторининг бир қисмини савдо объектлари ва ускуналари соҳасига йўналтириш истиқболли ҳисобланади;

- лизинг хизматлари ва сервис бозорида қишлоқ хўжалик техникалари лизинги тўйинган бир шароитда ҳукумат асосий эътиборни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ускуналар лизингига қаратиши лозим. Мамлакатимизда йилига 8 млн. тоннадан ортиқ мева-сабзавот ва полиз экинлари етиштирилишини ва улар истеъмолчиларга етказилгунга қадар 1 млн. тоннаси чириб кетишини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу соҳани ривожлантириш республикамизда янги иш ўринларининг яратилиши,

²³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги “Дехқон ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1326-сон Қарори;

аҳолининг йил давомида сифатли, кадокланган махсулот билан таъминланиши ва махсулот экспортининг кўпайиши ҳамда валюта тушумларининг ортишига ижобий таъсир кўрсатади;

- ҳукуматимиз томонидан ҳудудларда тиббиёт соҳасини ривожлантишга катта эътибор берилаётган бир шароитда тармоқда хусусий тадбиркорликни ҳам ривожлантириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Экологик оғир ҳудудларда, хусусан Қарақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида лизинг асосида имтиёзли фоидаларда тиббиёт ускуналарини етказиб бериш минтақада аҳоли саломатлигининг яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатади;

- Қарақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида тоза ичимлик сувининг танқислигини ҳисобга олиб, минтақада ичимлик сувини тозаловчи ускуналар лизингини имтиёзли шартларда жорий этиш лизинг хизматлари ва сервисини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда 6 кишидан иборат бўлган ўртача оила кунига, энг зарур эҳтиёжлар учун, камида 18 литр тоза ичимлик сувини истеъмол қилиши лозим бўлиб, ҳар бир оила йилига 1,4 млн. сўм маблағни фақат тоза ичимлик сувини истеъмол қилиш учунгина сарфлаши керак бўлади (энг паст бозор нархи: 1литр = 220 сўм²⁴). Бу эса минтақа аҳолисининг харид қуввати ва турмуш даражасининг пасайишига олиб келади;

- лизинг хизматлари ва сервисини ривожлантиришнинг кейинги устувор йўналишларидан бири бу енгил саноат, хусусан тўқимачилик ва тикувчилик ускуналари лизингини кенгайтириш ҳисобланади. Маълумки мамлакатимизда йилига 3,5 млн. тонна пахта толаси, 25 минг тонна жун, 900 мингта қоракўл териси, 24 минг тонна пилла етиштирилиб, уларнинг асосий қисми хом-ашё кўринишида экспорт қилинади²⁵. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда енгил саноатда лизинг хизматлари ва сервисини ривожлантириш янги ишчи ўринларини яратиш билан бирга маҳаллий хом-ашёдан унумли фойдаланиш ва қўшимча қиймат яратиш имконини беради;

²⁴ Муаллиф томонидан Урганч шаҳар Марказий деҳқон бозори улгуржи савдо дўконларидаги тоза ичимлик сувининг нарх-наволари асосида аниқланган.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари.

- Вилоятнинг улкан туристик салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, ҳудудда туризм-меҳмонхона бизнесини ривожлантиришда лизинг хизматлари ва сервисдан унумли фойдаланиш истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, юқоридаги тадбирларни амалга ошириш Хоразм вилоятида КБХТ субъектларининг ривожланишида лизингнинг ролини янада ошишига олиб келади, деб ишонамиз.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда тижорат банклари инвестиция фаолиятининг шаклларида бири сифатида лизинг ривожланмоқда. Қуйидаги қонуний-меъёрий ҳужжатлар бундай фаолиятнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади: “Лизинг тўғрисида”ги, “Марказий банк тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, мамлакат Президентининг Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

Тижорат банкларининг лизинг операцияларини бажаришдаги фаолиятини регламентлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки “Ўзбекистон Республикаси банкларида молиявий лизинг ўтказиш тартиби тўғрисида низом”ни тасдиқлади (07.05.1999 йил №327).

Ушбу низомнинг 1.3-бандида бундай дейилган: “Банкнинг кредит ресурслари молиявий лизинг операцияларини бажариш манбаи ҳисобланади”. Яна шу низомнинг 1.4-бандида лизинг хизматлари юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган молиявий барқарор хўжалик юритувчи субъектларга, яқка тартибдаги тадбиркорлар (юридик шахс мақомини олмаган тадбиркорлар) ва жисмоний шахсларга кўрсатилиши, бунинг учун лизинг мулки сотиб олишга банк томонидан ажратилган маблағлар фоизлилиқ, муддатлилиқ, таъминланганлик ва қайтарилиш шартлари асосида берилиши шарт экани айтилган.

Лизинг инвестицион кредитлаш турларидан биридир. Лизинг кредит инвестицияларининг ҳам, ташқи савдо операцияларининг ҳам элементларини ўз ичига олади. Лизинг операцияси бажарилганда лизинг берувчи машина-ускуналарни лизинг олувчига вақтинча фойдаланиш учун ижарага беради.

Лизинг берувчи бу машина-ускуналарни ўзига тегишли ёки жалб этилган маблағлар ҳисобидан сотиб олади. Лизинг берувчи (бу ҳолатда – банк) сотиб олган машина-ускуналар унинг мулки ҳисобланади ва бу мулк ижарага берилаётганда лизинг шартномаси расмийлаштирилади.

Ривожланган мамлакатларда лизинг операциялари йиллик ҳажми 400 млрд. доллардан кўпроқни, жумладан АҚШда 140 млрд. доллардан ортиқ суммани, Европа Иттифоқи мамлакатларида қарийб 130 млрд. долларни, Японияда тахминан 40 млрд. долларни ташкил этади.

Бу ҳолат Ўзбекистонда лизинг ҳали бошланғич босқичда эканини ва у инвестицион кредитнинг алоҳида шакли сифатида ривожланиши кераклигини билдиради. Кейинги йилларда Ўзбекистонда лизинг операциялари билан шуғулланадиган махсус тузилмалар барпо этилди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Мей-банк, Халқаро молия корпорацияси ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан биргаликда “Ўзбеклизинг Интернэшнл” лизинг компаниясини ташкил қилди.

Корхоналардаги эскириб қолган машина-ускуналар мумкин қадар тезроқ янгиланиши зарурлиги, улардан фойдаланиш самарадорлиги паст экани, эҳтиёт қисмлар ва бошқалар билан таъминланмаганлик лизинг ривожлантирилишини тақозо этади. Лизинг машина-ускуналар сотиб олишининг бошқа усуллариغا қараганда бир қанча афзалликларга эга. Бу афзалликлар хусусан шундан иборатки, лизинг бўйича олинган мулк пули олдиндан тўланмайди. Бу битим тўлалигича лизинг берувчи томонидан молияланади, лизинг олувчи эса ўз ёнидан бир йўла катта маблағ сарфламайди. Бунинг натижасида лизинг олувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш, оборот маблағлари сотиб олиш учун қўшимча маблағларни бўшатиш имконига эга бўлади. Лизинг учун ҳақ шартнома муддати мобайнида, лизинг бўйича берилган машина-ускуналарда маҳсулот чиқариш натижасида олинадиган даромадлар суммасидан тўлаб борилади.

Машина-ускуналар ижараси бўйича тўловлар ҳам улар ўрнатилиб, созланиб, ишга туширилганидан кейин амалга оширилади. Бу эса, корхонага ижарага олинган машина-ускуналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан олинган тушум ҳисобидан тўловларни ўтказиш имконини беради. Машина-ускуналар лизинг бўйича сотиб олинганда солиқ ажратмаларини мақбуллаштириш, хусусан, лизинг тўловлари ноишлаб чиқариш харажатларига киритилиши ҳисобига солиққа тортиладиган фойда ҳажмини камайтириш мумкин бўлади. Лизинг компанияси ижарага берилаётган машина-ускуналар эгаси ҳисобланиши сабабли бу ускуналар лизинг олувчи балансида турмайди ва шу туфайли бу мулк учун тегишли солиқлар олинмаслиги керак.

Лизинг операцияси бажарилиши натижасида трансакцияларда молиявий ресурсларни тежаш мумкин бўлади. Чунки бунда машина-ускуналар сотиб олиш (олди-сотди шартномаси тузиш, тўлов ўтказиш ва ҳ.к.), машина-ускуналарни сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш (амортизация ажаратмалари, мулк солиғи тўлаш, суғурталаш), мулкни тугатиш ва сотиш билан боғлиқ кўп меҳнат талаб қиладиган операциялар бажарилмайди. Корхона ва бозордаги молиявий шарт-шароитни ҳисобга олиб, машина-ускуналарни сотиб олиш, лизинг битими муддатини узайтириш ёки лизинг бўйича олинган машина-ускуналарни замонавийроғига алмаштириш ҳисобига ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш юзасидан оператив чора-тадбирлар кўрилиши мумкин.

Бундан ташқари, лизинг шартномасида тўловлар шартлари белгилаб қўйилади. Шунга мувофиқ, лизинг нисбатан қатъийроқ кредитлардан фарқли ўлароқ, лизинг олувчи имкониятлари ҳамда лизинг мулкидан фойдаланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда инвестиция харажатларини сўндириш имконини беради. Агар маҳсулот етарли ҳажмда сотилмаса, лизинг олувчи ижарага олинган мулкни лизинг берувчига қайтариши мумкин. Бу эса, янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришдаги эҳтимолий зарарлар рискинни камайтириш имкониятини яратади. Айти пайтда ижарадаги машина-

ускуналардан юқорироқ даражада фойдаланилиши ҳисобига фойдаланиш чиқимлари ҳам камаяди.

Амалдаги таснифга кўра асосий воситаларга кирадиган ҳар қандай кўчувчи ва кўчмас мулк лизинг объекти бўлиши мумкин. Фақат ер участкалари, бошқа табиий объектлар, шунингдек шахсий ёки оилавий фойдаланишга мўлжалланган мол-мулк бундан мустасно. Масалан, кавартирани ижарага бериш лизинг битими ҳисобланмайди. Лизинг бўйича берилган мулк лизинг шартномаси амал қиладиган бутун муддат давомида лизинг берувчининг мулки бўлиб туради. Шартномада унинг муддати тугаганидан кейин лизинг объекти бўлган ускуналар лизинг олувчи томонидан сотиб олиниши ҳуқуқи махсус айтиб ўтилган бўлиши мумкин.

Қайтариладиган лизинг энг истиқболли лизинг шаклларида биридир. Қайтариладиган лизинг операцияси тадбиркор ёки корхонага мулкка айлантирилган сармояни вақтинча бўшатиш имконини беради. Бунда у ана шу мулкни сотиб юборади ва айна пайтда ундан ижара ҳуқуқи бўйича фойдаланади. Ижара муддати тугаганидан сўнг лизинг олувчи шу мулкни сотиб олиши имконияти ҳам истисно этилмайди. Лизинг операциясининг асосий афзаллиги корхона молиялашнинг ноанъанавий манбаларидан фойдалана олишидир.

Бизнингча, Ўзбекистонда ташкилий ва қонуний тусдаги бир қанча қийинчиликлар сабабли лизинг кенг тарқалмай турибди. Бу қийинчиликларнинг энг муҳимлари, назаримизда қуйидагилардан иборат:

- биринчидан, лизинг компанияси битимнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олганда, лизинг шартномаси шартлари бузилган тақдирда бошқа субъектга лизинг бўйича беришга яроқсиз ҳолга келган машина-ускуна билан қолиши хавфи бор;

- иккинчидан, қаттиқ пул-кредит сиёсати юритилаётган ва тижорат банклари фаолияти қатъий регламентлаб қўйилган шароитда улар лизинг битимларини амалга ошириш учун кредит ресурслари ажарата олмайдилар. Шундай экан, банкларга лизинг соҳасида инвестицион кредитлашни кенгрок

жорий этиш учун рухсат берувчи янги меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши лозим;

- учинчидан, агар машина-ускуналар сотилаётганда қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ҳисобга олинадиган бўлса, мулк қимматлашади, натижада лизинг берувчи қўшимча кредит ресурсларини жалб этиши, лизинг олувчи эса, лизинг тўловларини кўпроқ тўлаши керак бўлади ва ҳ.к.

Лизинг компаниялари фаолияти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, лизинг битимларининг шартлари лизинг олувчига келтирадиган фойда кредит олишга нисбатан анча кўп эмас: лизинг компанияси мулкни сотишдан олинган пул маблағлари банкдаги депозитга қўйилиши ва суғурта вазифасини бажариши керак. Бундай баҳо лизинг олувчига фақат агар унда депозит бўйича фоиз олишда тегишли имтиёзлар бўлса, мулк солиғи тўлашдан озод қилиниш эҳтимоли ҳамда машина-ускуналар амортизацияси тезлашуви шаклида манфаатли бўлиши мумкин. Бунинг устига лизинг бўйича берилган машина-ускуналар билан боғлиқ солиқларни тўлаш мажбурияти ҳам лизинг олувчи зиммасига ўтади.


Бироқ, қайтариладиган лизингнинг яққол афзалликларига қарамай, бунда бир томондан, битимнинг ҳар икки томони ижобий иқтисодий самарага эришиши, иккинчи томондан, макроиқтисодий миқёсда ишлаб чиқариш ривожланиши рағбатлантирилишига қарамай, янги, замонавий машина-ускуналар етказиб берилиши ҳисобига машина-ускуналар доимий модернизацияланиб боради ҳамда солиқдан озод бўлиш натижасида маблағлар тежалади. Қайтариладиган лизинг йўлида турли тўсиқлар борлиги туфайли бундай лизинг бозори ривожланмаяпти.

Шу билан бирга жаҳон бозори тобора кўпроқ иштирокчиларни қамраб олаётган шароитда халқаро амалиётда халқаро лизинг ҳам ривож топмоқда. Халақаро лизинг халқаро иқтисодий алоқаларни фаоллаштиришда ёрдам беради. Халқаро лизинг ривожланиши шарофати билан замонавий чет эл технологиялари асосида ишлаб чиқаришни жуда тез модернизациялаш ва янгилаш, фан ва техниканинг сўнгги ютуқларига таянган янги

технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун реал шарт-шароит яратилди. Ўзимизда халқаро молия ташкилотларига ўхшаш лизинг компаниялари барпо этилиши халқаро лизингни ривожлантиришнинг эҳтимолий йўналишларидан бири бўлиши мумкин. Халқаро лизинг тараққиёти тегишли меъёрий база йўқлиги сабабли тўхтаб турибди. Бундай база хорижий инвестициялар соҳасидаги халқаро қонунчиликни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши лозим. Бундан ташқари, божхонага оид қонунчилик ҳам қайта кўриб чиқилиши керак. Божхонага оид қонунлар диққат марказида халқаро лизинг субъекти, яъни лизинг берувчи эмас, балки лизинг объекти, яъни Ўзбекистоннинг муайян корхонасини модернизациялаш ва техник қайта қуроллантириш учун мамлакатга келтириладиган машина-ускуналар туриши керак. Бунда қонунчиликда шундай лизингни осон амалга ошириш ҳамда шу битимдан олинадиган фойдани олиб чиқиб кетиш имконияти қайта кўриб чиқилиши лозим.

Қуйидаги 3.2.1-расмда халқаро лизингда қатнашувчи субъектларнинг ўзаро муносабатлари белгилаб қўйилган.

Халқаро лизингни ташкил этиш²⁶



3.2.1-расм

Халқаро лизинг битимида бир томондан лизинг битимини молияловчи хорижий банк ва бу ҳолатда лизинг берувчи вазифасини бажарадиган хорижий лизинг компанияси қатнашса, иккинчи томондан, Ўзбекистон

²⁶ Расм муаллиф томонидан бажарилган.

Республикасининг тижорат банки иштирок этади ва у мазкур битимда воситачи бўлиб, лизинг олувчининг пул маблағларини ўзи вакиллик муносабатлари ўрнатган хорижий банкка ўтказди. Айни пайтда ушбу битимда халқаро лизинг битимини суғурталайдиган хорижий суғурта компанияси ҳам қатнашиши керак.

Бизнингча, банк томонидан инвестиция кредити беришни ташкил этиш имконияти халқаро лизингдаги афзалликдир. Чунки Ўзбекистон тижорат банки молияловчи ташкилот вазифасини бажаради. Айни пайтда халқаро лизинг битими хорижий инвестиция бўлади, лизинг учун тўловлар чет эл банки орқали ўтади. Шу муносабат билан бундай халқаро лизинг битими хорижий инвестициялар тўғрисидаги қонунчиликка, шунингдек чет эл инвестицияларини регламентловчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга мос тушади.

Сублизинг механизминини махсус тартибга солиш ҳам мазкур муаммони ҳал этиш шаклларида бири бўлиши мумкин. Чунки халқаро лизинг битимида Ўзбекистон лизинг компанияси ҳам қатнашади. Шу туфайли машина-ускуналари халқаро лизинг битими асосида етказиб бериладиган муайян инвестиция лойиҳаси устида ҳам хорижий, ҳам миллий лизинг компаниялари биргаликда ишлайдилар.

Фикримизча, ҳозирги шароитда Ўзбекистон тижорат банклари фаол қатнашадиган лизинг битимларини шакллантириш ва ривожлантириш вақти келди. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 1999 йил 20 июлдаги 776 сонли “Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан молиявий лизингни ўтказиш тартиби тўғрисида” низоми ҳам мавжуд.

Халқаро тажрибани ҳисобга олиб, Ўзбекистон лизинг компаниясига ёки лизинг олувчига лизинг шартномаси доирасида лизинг мулкани улардан бирига етказиб бериш тўғрисидаги масалани ҳал этиш имконияти берилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўйлаймизки, лизингнинг иқтисодий ва ижтимоий самараси лизинг битимини амалга оширишнинг энг мақбул ва оқилона механизминини

танлашгагина эмас, балки мамлакатимиздаги мавжуд иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитга ҳам боғлиқдир. Иқтисодий шарт-шароит Ўзбекистонда ижтимоий турмушнинг барча соҳаларини эркинлаштириш борасида юритилаётган сиёсат билан боғлиқ. Зеро бу сиёсатга кўра, барча хўжалик юритувчи субъектлар бир-бирлари билан, жумладан бизнес бўйича хорижий шериклари билан ўзаро муносабатларида муайян эркинликка эришишлари лозим.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

ХУЛОСА

Қишлоқ хўжалиги иқтисодийтини модернизациялаш шароитида лизинг хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини тадқиқ этиш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар қуйидаги илмий асосланган хулоса, тавсия ва таклифларни билдириш имконини берди:

1. Лизинг хизматлари бозорини ривожлантиришга мамлакатимизда устувор вазифалардан бири сифатида қаралиши туфайли 2002-2010 йилларда ушбу сектор фаолиятини тартибга солиш ва халқаро меъёрларга мослаштириш, солиқ ва божхона имтиёзларини жорий этиш, ички ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида Республика Президенти томонидан кўплаб Фармонлар ва Қарорлар қабул қилиниши ушбу тармоқ мамлакатимиз раҳбариятининг доимий эътиборида эканлигидан далолат беради. Аммо иқтисодий адабиётларда лизинг хизматлари секторининг назарий масалари, уни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари, тармоқда сервисни ривожлантириш муамolari жуда кам ўрганилган.

2. Минтақа кишлоқ хўжалигида лизинг хизматларини ривожлантириш бўйича хорижий мамлакатларнинг қўллаш мумкин бўлган илғор тажрибалари қиёсий ўрганилган ҳолда асосланди.

3. Мамлакатимизда лизинг хизматлари секторини ривожлантиришни тартибга солишнинг қулай меъерий-ҳуқуқий замини яратилган бўлиб, кейинги саккиз йил давомида мавжуд қонунчилик ҳукумат томонидан такомиллаштирилиб борилди ва халқаро меъёрларга мослаштирилди. Шу билан бирга, ишда Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни батафсил таҳлил қилинган бўлиб, лизинг хизматларини ривожлантиришнинг бугунги кун талаблари ва хорижий мамлакатларнинг мазкур йўналишдаги тажрибаларидан келиб чиқиб, мазкур Қонунга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш лозимлиги асосланди.

4. Хорижий мамлакатларнинг лизинг хизматларини ривожлантиришни айрим тажрибалари Ўзбекистон лизинг хизматлари бозорида қўллаш учун тавсия қилинди ва асосланди. Шунингдек, хорижий мамлакатлар лизинг хизматлари бозорларининг шаклланиши борасидаги бизнинг тадқиқотларимиз лизинг хизматлари ривожланишида кетма-кет ҳар бир давлат босиб ўтиши лозим бўлган 6 та босқич борлигини кўрсатди: оддий қисқа муддатли ижарадан то бозор тўйингунича. Охириги босқич лизинг саноати ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, лизинг компанияларининг бирлашиши ва халқаро лизинг ҳажмларининг кенгайиши билан характерланади. Ўзбекистон лизинг хизматлари бозори мазкур ривожланиш босқичларининг иккинчи босқичида бўлиб, унинг кейинги босқичларга ўтишини қўллаб-қувватлаш бўйича зарур тавсиялар берилди.

5. Ўзбекистонда лизинг хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари аниқланди ва таҳлил қилинди ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

6. Ўзбекистонда лизинг хизматларини ривожлантиришни тақозо қилади қуйидаги асосий шарт-шароитлар аниқланди:

- маънавий эскирган ва жисмоний ишлаб бўлган ускуналарнинг етарли даражада кўп миқдорда мавжудлиги;
- ишлаб чиқариш воситалари билан савдо-сотиқ заиф ташкил этилган шароитларда сотилмаётган товар-моддий бойликлар заҳираларининг мавжудлиги;
- ишлаб чиқариш ускуналарининг қимматлиги оқибатида оддий банк кредитидан фойдаланилган ҳолда КБХТ субъектлари ўзларининг ишлаб чиқаришини ташкил эта олмаслиги;

- кўп йиллардан бери иш кучи ҳамда хом ашёнинг нисбатан кам баҳоланиши ва катта қисмининг экспортга чиқарилиши.

Лизинг компаниялари томонидан ўз фаолияти давомида ушбу вазиятларни ҳисобга олиш уларнинг ривожланишда янги босқичга кўтарилишга имкон беради, деб ҳисоблаймиз.

7. Биз тадқиқотларимиз давомида ўтказган таҳлилларимиз натижаларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси лизинг хизматлари бозоридаги қуйидаги тенденцияларни аниқладик:

- *биринчидан*, лизинг хизматларига бўлган юқори талабнинг мавжудлиги лизинг компаниялари билан бирга, асосий фаолият тури бевосита лизинг бўлмаган, хусусан, кредит уюшмалари каби янги иштирокчиларнинг бозорга кириб келишини таъминлади. Бу эса республикаимиз ЛХБда рақобатчилик муҳитининг яхшиланишига ва кўрсатиладиган лизинг хизматлари даражасининг ошишига имкон беради;

- *иккинчидан*, миллий ЛХБда фаол “ўйинчи”лар сифатида ўз таркибида лизинг компанияларини ташкил этаётган тижорат банклари майдонга чиқмоқ-да. Бу эса тижорат банклари томонидан узоқ муддатли молиялаштиришга бўл-ган мавжуд талабни лизинг орқали ҳал қилинишига шароит яратиб бермоқда;

- *учинчидан*, бизнинг фикримизча, яқин 3-5 йил ичида мамлакатимизнинг Инкирозга қарши чоралар дастуридан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасининг турли тармоқларида фойдаланиш учун Ўзбекистонда лизингга берилаётган мол-мулкларнинг янада диверсификациялашуви умумий ҳолда миллий иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Йил сайин қишлоқ хўжалик техникаси улушининг умумий лизинг ҳажмида аста-секинлик билан пасайиб бориши, кейинги йилларда айнан йўловчи ва юк транспорти, озиқ-овқат ва енгил саноат технологиялари лизинг ҳажмининг изчил ўсиб бориши бундан далолат бермоқда.

8. Республикаимизда лизинг компаниялари ва тижорат банкларининг фоиз ставкалари ўзаро фарқланмайди ва улар даражаси марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасига бевосита боғлиқ. Бундан ташқари, лизинг компания-ларининг фоиз ставкалари хизматлари қайси валютада амалга оширилишига ҳам боғлиқ бўлади. Чунки, республикаимизда амалда фаолият юритаётган лизинг берувчиларнинг 45 фоизигина миллий ва ЭКВда операцияларни амалга оширади. Миллий валютада амалга ошириладиган операциялар кейинги йил-ларда ўзгармасдан, 14-25 % атрофида тебраниб турибди. ЭКВ бўйича битимлар фоиз ставкаси ўртача 12-22% ни ташкил этади. Бундан лизинг предмети импорт қилинади ва унинг қиймати ЭКВда ўлчанади, лизинг тўловлари эса тўлов кундаги МБнинг миллий валютадаги курси бўйича амалга оширилади.

Лизинг олувчиларга қўйилаётган талаблардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, мулк шаклига нисбатан лизингга берувчиларда махсус талаблар йўқ. Бироқ банклар лизингни асосан ҳуқуқий шахсларга ёки айрим ҳолларда фақат ўз мижозларига беришади. Аванс тўловлари лизинг объекти қийматидан келиб чиққан ҳолда ўртача 20 % ва ундан юқори бўлиши мумкин.

9. Хоразм вилоятида ўтказган социологик тадқиқотларимизга кўра, банк масъул ходимлари лизингга доир конунчиликдан етарлича хабардор эмаслар. Бундан ташқари, банклар томонидан лизинг хизматлари кредит бериш механизми доирасида амалга оширилиб, лизинг олувчиларга деярли ҳеч қандай сервис хизматлари кўрсатилмайди. Хусусан, улар томонидан ускуналар бозорининг муайян сегменти маркетинг қилиниб, мижозларга ускуналарни танлашда ва ишлатишда консалтинг хизматлари кўрсатилади. Шу билан бирга усуналарни ташиб келтириш, уларга техник хизмат кўрсатиш, суғурталаш, зарур эҳтиёт қисмларни етказиб бериш, ускуналардан оқилона фойдаланишни мониторинг қилиш каби сервис хизмат-ларини кўрсатиш ушбу компанияларда заиф ёки умуман ташкил қилинмаган.

Фикримизча, лизинг хизматлари билан шуғулланувчи мутахассисларнинг тижорат бўйича, янги ва

ишлатилган асбоб-ускуналарга бўлган талаб ва таклифни аниқлаш, ишлаб чиқариш технологиялари, техник хизмат кўрсатиш бўйича, назорат, мол-мулкни суғурталаш, қонунчилик ва ҳуқуқий масалаларни билиш, лизинг шартномаларини тўғри расмийлаштириш ва бошқа соҳалар бўйича чуқур билим ҳамда тажрибага эга бўлишлари талаб этилади. Чунки, лизинг хизматларини амалга оширишда лизинг олувчининг мол-мулкдан қоникарсиз фойдаланиши, лизинг берувчи ишлатилган асбоб-ускуналарни самарасиз сотиши, лизинг объектини эгасига ўз вақтида қайтарилмаслиги ва шу каби салбий ҳолатлар лизинг берувчининг қалтисликларини оширади.

10. Миллий статистика тизимида лизинг хизматларининг ҳисоби юритилмасда, тадқиқотларимиз жараёнида олинган бирламчи маълумотлар асосида вилоятда мавжуд лизинг берувчилар сони, улар томонидан амалга оширилган лизинг хизматларининг ҳажми ва унда лизинг берувчиларнинг улуши, лизинг хизматлари ҳажмининг иқтисодиёт тармоқлари ва вилоят ҳудудлари кесимидаги таркиби ҳамда унинг ЯХМдаги ва асосий капиталга кирилган инвестициялардаги улуши каби вилоят иқтисодиёти учун муҳим бўлган, аммо олдин ҳисобланмаган кўрсаткичлар аниқланди ва тармоқни ривожлантиришга қаратилган тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

11. Таҳлилларимизга кўра, республикаимиз ЛХБдан фарқли ўлароқ, Хоразм вилояти ЛХБда асосан қишлоқ хўжалиги техникалари сегменти етакчи ўрин тутди. Шу сабабли, бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида, четдан келтирилаётган ускуналарнинг арзонлашувини инобатга олиб, лизинг имкониятларидан минтақа иқтисодиётининг саноат, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам устувор равишда фойдаланиш, Хоразм вилоятида лизинг предметлари таркибини диверсификация қилиш вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этади.

12. Хоразм вилоятида КБХТни ривожлантиришда лизинг хизматлари-нинг ролини оширишнинг устувор йўналишлари, ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти, бозор талаби ва экологик вазиятни ҳисобга олиб, КБХТни лизинг асосида ривожлантиришнинг истиқболли соҳалари аниқланди ва асосланди.

13. Ишда Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигида ЛХБни ривожлантириш-нинг SWOT таҳлили ўтказилган бўлиб, таҳлил натижасида лизинг хизматлари бозорини ривожлантиришнинг кучли ва заиф томонлари ҳамда тармоқни ривожлантиришнинг имкониятлари ва таҳдидлари аниқланди.

14. Минтақадаги асосий лизинг компанияси ҳисобланган “Ўзқишлоқхў-жаликмашлизинг” АЛК Хоразм вилоят филиали фаолиятини янада такомил-лашлантириш учун ускуналарни ташиб келтириш, уларга техник хизмат кўрса-тиш, суғурталаш, зарур эҳтиёт қисмларни етказиб бериш, ускуналардан оқило-на фойдаланишни мониторинг қилиш, ахборот таъминоти каби сервис хизмат-ларини жорий қилиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди ва асосланди.

Ўйлаймизки, юқоридаги тавсиялар ва таклифларни амалиётда қўлланили-ши, Республика ва унинг минтақалари қишлоқ хўжалигини модернизация қилишда лизинг хизматларини ролини янада ошишига олиб келади.

Тадқиқот ишида қишлоқ жойларида тадбиркорликни барқарор ривожлантиришга қаратилган қуйидаги **илмий таклиф** ва **амалий тавсиялар** ишлаб чиқилди:

Кичик тадбиркорликка такомиллашган таъриф берилди: кичик тадбиркорлик фойда олиш мақсадида инновация ва таваккалчиликка асосланган ҳолда ресурсларни бирлаштириш ва ҳаракатга келтириш,

бошқариш жараёнини ўз ичига олган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш фаолиятidir.

Агросаноат мажмуида кичик тадбиркорликни ривожлантириш асосан икки йўналишда: қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноати ишлаб чиқариши кўринишида бўлиб, хизмат кўрсатиш соҳаси уларнинг ривожланишига боғлиқ. Шу сабабли, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ва қайта ишловчи корхоналарнинг моддий базасида инфратузилма йўналишлари бўйича кооперацияни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Вилоятда хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этишни кўпайтириш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника, юқори технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни ташкил этиш лозим.

Вилоят туманларидаги агрофирмалар маҳсулотларини экспорт салоҳиятини ошириш лозим. Бунда барча туманлардаги агрофирмалар иш фаолиятини қайта ташкил этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиши зарур бўлади.

Вилоятда кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг 1000 кишига тўғри келиш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш лозим бўлади. 2010-2011 йилларда ушбу даражани 60-70 тага етказиш, вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга ва ишсизлар сонини деярли икки баробарга камайиш имконини беради.

Вилоятда тармоқлар ўртасидаги номутаносибликларни бартараф қилиш ҳамда тармоқлар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш зарур. Кичик тадбиркорлик субъектларининг қишлоқ хўжалигидаги фаолияти умумий улушини 60 фоиз атрофида бўлишини таъминлаш орқали, қолган тармоқлардаги кичик тадбиркорлик фаолиятини улушини орттириб бориш зарур.

Агросаноат мажмуида асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб

чиқарувчи субъектлар сифатида фермер хўжаликлари ва деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатади. Деҳқон хўжаликларида деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан кўра, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш салмоғи юқори. Фермер хўжаликлари деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда етакчи ўринни эгаллайди, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса, фақат оилавий шароитда норасмий ҳолда ривожланмоқда. Бу иккала хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожланиш тенденциясига эга эканлигини кўрсатади ва бу қайта ишлаш саноати кириб келишини кучайтиради.

Ушбу фаолият кўламини ривожлантиришда, биринчидан, фермер хўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни расмий ҳолатга ўтказиш ва ер майдонларида ем-хашак етиштириш имкониятини яратиш. Шунингдек, деҳқончилик маҳсулотларини қайта ишлашдан ҳосил бўладиган ем-хашак ва бошқа маҳсулотларни сотиш шаҳобчаларини ташкил этиш лозим. Иккинчидан, деҳқон хўжаликларини норасмий сектордан расмий секторга ўтказиш чора-тадбирларини кўриш ва уларда шартномавий муносабатларни тартибга солиш лозим.

Қишлоқ хўжалигида инвестиция моҳиятини акс эттирувчи ушбу таърифга биноан, бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида инвестор моддий-техник ва интеллектуал бойликларни маълум муддатга сарфлаши натижасида келажакда фойда олиши, тармоқнинг турли соҳаларини иқтисодий-молиявий ва маънавий ўсишини таъминлайди.

Қишлоқ хўжалигида инвестицияларни самарали жойлаштириш орқали қишлоқ жойларда кичик ишлаб чиқариш шаҳобчаларини қуриш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, маҳаллий ва республика бюджети даромадининг ошиши, инфратузилманинг кўшимча шаҳобчаларининг пайдо бўлиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш орқали валюта захираларини мамлакатнинг ўзида қолишини таъминлаш масалаларини ҳал этишга хизмат қилади.

Лизинг хизматлари ва сервис бозорини ривожлантиришга

мамлакатимизда устувор вазифалардан бири сифатида каралиши туфайли 2002-2010 йилларда ушбу сектор фаолиятини тартибга солиш ва халқаро меъёрларга мослаштириш, солиқ ва божхона имтиёзларини жорий этиш, ички ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида республика Президенти томонидан кўплаб фармонлар ва қарорлар қабул қилиниши ушбу соҳа мамлакатимиз раҳбариятининг доимий эътиборида эканлигидан далолат беради.

Таҳлилларимизга кўра, Хоразм вилояти лизинг бозорида асосан қишлоқ хўжалиги техникалари сегменти етакчи ўрин тутди. Шу сабабли, бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида, хориждан келтириладиган ускуналарнинг арзонлашувини эътиборга олиб, истиқболда лизинг имкониятларидан минтақа иқтисодиётининг саноат, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида ҳам устувор даражада фойдаланиб, лизинг мол-мулки таркибини диверсификация қилиш вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этади.

Хоразм вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда лизинг хизматлари ва сервисининг ролини оширишнинг устувор йўналишлари белгиланди. Шунингдек, ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти, бозор талаби ва экологик вазиятни ҳисобга олиб, КБХТни лизинг асосида ривожлантиришнинг истиқболли соҳалари аниқланди ва асосланди.

Юқоридаги хулосаларга таяниб, Хоразм вилоятида лизинг бозорини ривожлантиришнинг ташкилий иқтисодий-омилларини такомиллаштириш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича қуйидаги таклифлар берилмоқда:

- “Лизинг тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида лизинг хизматларининг янги турларини, лизинг компаниясининг мақомини, лизинг берувчиларнинг лизинг объекти бўйича қўшимча жавобгарлигини, ҳамда лизинг тўловлари таркибида лизинг компанияларининг сервис хизматлари бўйича сарф-харажатларини акс эттириш;

- лизинг тўғрисидаги қонуний-меъорий ҳужжатларда хорижий

сармоядорлар учун кафолатлар ва имтиёзларни мустаҳкам белгилаб қўйиш;

- миллий статистика тизимида лизинг хизматлари бозорини таҳлил этиш имконини берувчи кўрсаткичлар тизимининг ҳисобини юритиш;

- мижоз хоҳишига қараб лизинг тўловларининг турли шакллари кўллаш;

- аризаларни кўриб чиқиш ва ускуналарни етказиб бериш муддатларини янада қисқартириш ҳамда лизинг берувчиларга агент банкни мустақил равишда танлаш имкониятини яратиш;

- лизинг хизматлари рекламасини кучайтириш мақсадида лизинг компанияларининг электрон веб саҳифаларини такомиллаштириш;

- лизинг хизматлари ва сервиси бозори иштирокчилари учун Урганч давлат университетининг иқтисодиёт факультети қошида семинар-тренингларни ташкил этиш ва кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш;

- Гурлан, Боғот ва Хива туманларида қишлоқ хўжалик техникаларига хизмат кўрсатувчи техник таъмирлаш ва диагностика марказларини ташкил этиш ҳамда эҳтиёт қисмлар етказиб беришни йўлга қўйиш;

- вилоятда КБХТ субъектлари томонидан техника ва технологияларга бўлган талабни лизинг компаниялари ҳамда тижорат банклари ҳамкорлигида маркетинг қилиш ҳамда лизинг компаниялари портфелларини ускуналар, ижтимоий соҳа объектлари (мактаб, мактабгача таълим муассасалари) лизинги ҳисобига диверсификациялаш;

- жойларда, айниқса, қишлоқларда ишлаб чиқариш, ижтимоий инфратузилмани, хусусан сервис кўрсатиш инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида муайян имтиёзлар бериш эвазига банкларнинг кредит портфелида лизинг операцияларининг улушини кўпайтириш;

- Хоразм вилоятида лизинг бозорини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари бўлган туризм-мехмонхона хўжалиги бизнеси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати ҳамда тиббиёт ва ичимлик сувини қайта ишлаш ускуналари билан ишловчи КБХТ субъектларига имтиёзли фойзалардаги лизинг хизматлари ва сервисини кенгайтириш.

Фикримизча, юқоридаги келтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш минтақа қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига зарур бўлган лизинг бозорининг янада ривожланишига ва шу орқали иқтисодиётнинг юқори даражада модернизациялашувига олиб келади, деб ўйлаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992 йил 8 декабрдаги 723-ХII сон Қонуни билан тасдиқланган. - Тошкент.: Ўзбекистон, 1993.
- 1.2. “Фуқаролик кодекси”. I-қисм, 1995 йил 21 декабр.
- 1.3. “Фуқаролик кодекси”. II-қисм, 1996 йил 29 август.
- 1.4. “Солиқ Кодекси” (янги таҳрири). 2008 йил 1 январ.
- 1.5. “Божхона Кодекси”. 1998 йил 3 январ.
- 1.6. “Ижара тўғрисида”. Қонун. 1991 йил 19 ноябр.
- 1.7. “Лизинг тўғрисида”. Қонун. 1999 йил 14 апрел.
- 1.8. “Инвестиция фаолияти тўғрисида”. Қонун. 24.12.1998 й.
- 1.9. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”. Қонун. 2000 йил 25 май.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2010 йил 6 апрелдаги № ПҚ-1317-сон Қарори (Илова № 1);

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги “Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узок муддатли банк кредитларининг улушини оширишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1166-сон Қарори;

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-640-сон Қарори;

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта

жиҳозлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3860-сон Фармони.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-325-сон Қарори;

2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 28 августдаги “Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3122-сон Фармони;

2.7. “Ўзбекистон Республикасини БМТ Халқаро институтининг Халқаро молиявий ижара (лизинг) тўғрисидаги хусусий ҳуқуқни (unidroit) унификациялаш бўйича Конвенциясига қўшилиш тўғрисида” ЎЗР Олий Мажлисининг 2000 йил 26 майдаги 84-II-сон қарори.

2.8. ЎЗР банклари томонидан молиявий лизингни ўтказиш тартиби тўғрисида Низом (ЎЗР АВ томонидан рўйхатга олинган 20.07.1999 й. N 776, тасдиқланган ЎЗР Марказий банки 07.05.1999 й. N 327) – 1-бет.

2.9. Қишлоқ хўжалигида лизинг хизматларини янада кенгайтириш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида (ЎЗР ВМ 18.06.2007 й. 123-сон қарори) – 6-бет.

2.10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сон Қарори.

2.11. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида” 2007 йил 12 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 254-сон қарори.

2.12. “Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил, 24 апрелдаги 199-сон қарори.

2.13. Лизинг хизматларини ўтказишда божхона ҳужжатларини расмийлаштириш ва божхона назоратини амалга ошириш Тартиби (ЎЗР ВМ 06.05.1998 й. 194-сонли қарорига 1-илова).

2.14. "Ўзқишлоқхўжаликмашҳолдинг" холдинг компанияси корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга олиш Тартиби (ВМ 02.11.2000 й. 424-сон қарорига 1-илова).

III. Президент асарлари ва маърузалари

3.1. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги “Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаси \ Халқ сўзи. 2011 йил, 22 январ. 2- бет.

3.2. Президент И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” номли маърузаси \ www.parliament.gov.uz/uz/events /chamber/1766#karimov

3.3. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари”га бағишланган мажлисидаги маърузаси \ Туркистон. 2011 йил, 30 январ. № 11.3- бет.

- 3.4. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 56-б.
- 3.5. И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. – Тошкент: Маънавият, 2009. – 173-бет.
- 3.6. И.А.Каримов. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. – Тошкент: Ўзбекистон. 2005 й., 1-3-бетлар.
- 3.7. И.А.Каримов. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз”. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 399-б.
- 3.8. И.А.Каримов. “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 127-бет.

IV. Илмий адабиётлар:

- 4.1. Абдуллаев С.П., М.А. Абдурахмонов, А.Ғ. Мўминов, З.Р.Ҳамидова. Лизинг бу нима? Т.: «O'zbekiston» НМИУ, 2006 й.
- 4.2. Газибеков Д.Ғ., Сабиров О.Ш. Лизинг и его развитие в Узбекистане. – Т.: Молия, 2001. – 132 с.
- 4.3. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. -Т.: Меҳнат, 2000.
- 4.4. Абдуллаев Ё., Иброҳимов А., Раҳимов М. Иқтисодий таҳлил. - Т.: Меҳнат, 2001. - 159-161-бетлар.
- 4.5. Ансофф И. Новая корпоративная стратегия. – СПб: Питер, 1999, с.127
- 4.6. Ансофф И. Стратегический менеджмент. - Москва: Юнити, 2001.-11 с.
- 4.7. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. - Т.: Молия, 2003.
- 4.8. Авесто. Тошкент: Шарқ, 2001 й., 111-121-бетлар.
- 4.9. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т.: 1991, 38-бет.
- 4.10. Алишер Навоий. Маҳбуб ул кулуб. Тошкент., 1993.

- 4.11. Амир Темур. Темур тузуклари. 67-98-бетлар
- 4.12. Бобур З.Н. Бобурнома. Тошкент., 1989 й.
- 4.13. Беркинов Б.Б. Касаначиликка асосланган кооперация. - Т.: ТДИУ, 2006.
- 4.14. Бусыгин А.В. Предпринимательство. - М.: ФиС, 2005. – 537 с.
- 4.15. Белых Н.Ю. Социально-экономическая политика и эффективное управление развитием малого и среднего бизнеса. - М.: Юнити, 1998. – 83 с.
- 4.16. Гуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. - Т.: Шарқ, 2002. 324-б.
- 4.17. Дўстжонов Т.Д., Салаев С.К. Иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари. Ўқув қўлланма. - Тошкент.: Иқтисодиёт-молия, 2006. – 320-б.
- 4.189. Йўлдошев Қ., Муфтайдинов Қ., Абдурахмонов В. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Тошкент: Иқтисод-молия, 2006. – 70-бет.
- 4.19. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. и.ф.д., профессор Д.Ғ. Ғозибеков умумий таҳрири остида. Т.: «Fan va texnologiya», 2004 й.
- 4.20. Лизинг в центральной Азии и Азербайджане. Международная Финансовая корпорация, IFC\ SECO 2007 г., апрель.
- 4.21. Маликов Т., Олимжонов О. Молиявий менежмент. - Т.: ДЖҚА, 2001. – 141-б.
- 4.22. Мухтасар: (шариат қонунларига қисқача шарҳ). - Т.: Чўлпон, 1994. – 189-196-бетлар.
- 4.23. Набиев Э. Ғ., Марпатов М. Д. Лизинг ғояси, тарихи, ҳуқуқий асослари ва амалиёти. – Т., «ЎАЖБНТ» Маркази. 2004. – 80-б.
- 4.24. Низом ул-Мулк. Сиёсатнома. Т., 1997.
- 4.26. Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш муаммолари: назария, амалиёт ва услубиёт.-Т.: Фан. 2007. – 274-б.
- 4.27. Стоянов Е.С., Штерн М.Г. Финансовый менеджмент для практиков. М.: Перспектива, 1998 г.
- 4.28. Ҳайдаров Ш.У., Ортиқов Х.А., Тухсанов Х.А.. Лизинг: тан олиш, баҳолаш ва унинг ҳисоби. - Т.: НОРМА, 2006. – 245-б.

- 4.29. Ҳадислар, 2-жилд. – Т., 1997.
- 4.30. Ёлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. - Т.: Шарқ, 2006. – 386-б.
- 4.31. Қуръони карим. Тошкент: 1992.
- 4.32. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билик. Т. 1991. – 63-86-бетлар
- 4.33. Шодиев Х.А. Молия статистикаси. -Т.:Абу Али Ибн Сино. Дарслик.- 2002. – 296-б.
- 4.34. Бланк И.А. Инвестиционный менеджмент. – Киев: МП "ИТЕМ" ЛТД, "Юнайтед Лондон Трейд Лимитед", 1995. - С.448. Л-408 с.
- 4.35. Чекмарева Е.Н. Лизинговый бизнес. - М.: Экономика, 1994.
- 4.36. Адамов Н., Тилов А. Лизинг: правовая сущность, экономические основы, учет и налогообложение. - СПб.: Питер, 2007.
- 4.37. Горемыкин В.А. Лизинг: Учебник. - М.: "Дашков и К", 2003.
- 4.38. Газман В.Д. Лизинг: статистика развития. М: ГУ ВШЭ, 2008. – 591 с.
- 4.39. Газман В.Д. Рынок лизинговых услуг. - М.: Фонд, 1999.
- 4.40. Кабатова Е.В. Лизинг: правовое регулирование, международная унификация. - М.: ИНФРА-М, 1991.
- 4.41. Ангелиди М.С., Газибеков Д.Г. Лизинговый кредит на технический прогресс. - Т.: Узинформагропром, 1991.
- 4.42. Ричард Брейли, Стюарт Майерс. Принципы корпоративных финансов. Пер. с англ. - М.: ЗАО "Олимп - Бизнес", 1997. - 1120 с. Л 715-732 с.
- 4.43. Букато В.И., Львов Ю.И. Банки и банковские операции в России. Под ред. М.Х.Лapidуса. - М.: ФиС, 1996. – 226-332 с.
- 4.44. Прилуцкий Л.Н. Лизинг. Правовые основы лизинговой деятельности в Российской Федерации. - М.: Изд-во "Ось", 1996. – 128 с.
- 4.45. Роуз Питер С. Банковский менеджмент. Пер. с англ., со 2-го изд. -М.: "Дело Л т д ", 1995. - 768 с.: Л -173 с.
- 4.46. Ван Хорн Дж. К. Основы управления финансами: Пер. с англ./ Гл. ред. серии Я. В. Соколов. - М.: ФиС, 1996. - 643 с.: Л-557-582 с.

V. Диссертация ва авторефератлар:

- 5.1. Сабилов О.Ш. Современное состояние лизинговых отношений в Республике Узбекистан и основные направления их дальнейшего совершенствования: Дисканд. экон. наук. – Т.: БФА, 2001. – С. 156.
- 5.2. Кемпирбаева Ч.С. Использование лизинга в развитии сельскохозяйственного производства в переходной экономике (на примере агропромышленного комплекса Кыргызской Республики): Автореф. дисканд. экон. наук. – Бишкек, 2005. – 27 б.
- 5.3. Ҳазраткулов О.Т. Лизинг муносабатлари ва уларнинг ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари: Дис... юридик фан.номзоди.– Тошкент, 2006.–150 б.

VI.Статистик маълумотлар, тўпламлар ва ҳисоботлар:

- 6.1. Обзор сектора лизинговых услуг в Узбекистане. Ассоциация Лизингодателей Узбекистана. Ташкент. 2000-2010 гг. \ \ www.ula.uz
- 6.2. Ўзбекистон Республикаси ДСҚнинг ҳисобот тўпламлари. 2010-2010 йй.
- 6.3. Основные показатели развития МБЧП Республики Узбекистан за 1999-2009 гг. Госкомстат РУ. Статистический бюллетень. Т.ГКС. 2000-2010 гг.

VII. Журнал ва газеталар, конференция материаллари:

- 7.1. Жумаев Н., Бикбаева Г.Лизинговые предпочтения //ЭО,2007,№4.-С.70-73.
- 7.2. Интервью с Хашимовым З. Развитие лизинговых услуг: тенденции, проблемы, перспективы. // ЭО, 2003, сентябрь, №9. - С. 27-28.
- 7.3. Екатеринина А. Лизинг – это реально. // Журнал налогоплательщика, 2007, июль, №1. - С. 34-35.
- 7.4. Кутбиддинов А. Лизинг – современный метод приобретения. // Журнал налогоплательщика, 2007, апрель, №2. - С. 25-26.
- 7.5. Трынин Д.И. Особенности лизинга в промышленно-развитых странах. // М.: Ж. Финансовый менеджмент, 2004, №3. – С. 28-30.

- 7.6. Йўлдошев Қ.Ибн Синонинг иқтисодий қарашлари. – Андижоннома, 1998.
- 7.7. Клепач А., Яковлев А. О роли крупного бизнеса в современной российской экономике // Вопросы экономики. – Москва. 2004. - №8. -С. 36-45.
- 7.8. Мильне Б. Крупные структуры –“локомотивы” экономики // Вопросы экономики. – Москва. 2000. - № 2. - С. 141-146.
- 7.9. Салаев С.К. и другие. Особенности и преимущества лизинговых партнёрских отношений субъектов малого бизнеса на автотранспорте. // Журнал налогоплательщика, 2007, апрель, №2. - С. 24-25.
- 7.10. Салаев Ж.К. Аграр соҳани модернизация қилиш шароитида Хоразм вилоятида лизинг хизматларини ривожланиши хусусиятлари // Илм сарчашмалари, 2012, май, №5. - С. 11-14.

VIII. Интернет тармоғи веб-сайтлари ва манзиллари:

- 8.1. [http:// www.stat.uz/](http://www.stat.uz/) – Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси.
- 8.2. [http:// www.antimon.uz/](http://www.antimon.uz/) – Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси.
- 8.3. <http://www.ula.uz/> – Ўзбекистон лизинг берувчилар уюшмаси.
- 8.4. <http://www.ceep.uz/> – «Ўзбекистон иқтисодиёти» таҳлилий шарҳ.
- 8.5. <http://www.uzagroleasing.uz/> – “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК.
- 8.6. [http:// www.all-leasing.ru/](http://www.all-leasing.ru/) — [Интеррослизинг](#).